


R 496  
2009 / 3

  
**Guliston**  
2009/3





*Шуру бадавлат Лолахон ая*



## 9 май — Хотира ва қадрлаш кuni

Хотира — азиз, юксак инсоний туйғу. Ватан озодлиги, миллий тараққиётимиз йўлида жонини фидо қилган инсонларни ёдга олиш, улар хотирасига ҳурмат бажо келтириш ҳамда бугун биз ила ёнма-ён яшаб туриб панил-насиҳатлари, ўғитлари билан қўллаб-қувватлаётган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини, меҳнат фахрийларини қадрлаш, уларга ҳар томонлама иззат-икром кўрсатиш — ҳаммамизнинг бурчимиз. Аслида, хотира, қадрлашдек эзгу амаллар халқимизга хос фазилат. Фарзандларини ҳам ана шундай амалларга одатлантирган элдан ҳеч қачон меҳр-оқибат кўтарилмайди.

Зеро, катта ҳаёт тажрибасига эга, ҳаётнинг не-не синовларини сабр-бардош билан енга олган кексалар ҳаммамиз учун қадрдон. Ҳаёт шу нурунийлар билан гўзал. Уларнинг тажрибаси, пурҳикмат сўзлари эса ёш авлодга маънавий комилликка етиш йўлини кўрсатади.

9 май. Мамлакатимиз юрагидаги хотира майдони ҳар қачонгидан гажвум. Майдонга уруш ва меҳнат фахрийлари, ҳукумат аъзолари, депутатлар ва сенаторлар, ҳарбийлар, жамоатчилик вакиллари таширф буворди.

Майдон узра ҳазин мусиқа таралади. Жангларида қурбон бўлган ватандошларимизнинг номлари абадий муҳрланган “Хотира китоби”нинг зарҳал варақлари қарийб 435 минг нафар ўзбек фарзандларининг жасоратидан сўзлайди.

Соат 8.30. Майдонга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов кириб келди. Давлатимиз раҳбари ҳарбий оркестр садолари остида Мотамсаро она ҳайкали пойига гулчамбар қўйди.

Президентимиз Иккинчи жаҳон урушида жон фидо қилган минглаб юртдошларимиз хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

— Бугун мамлакатимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида Хотира ва қадрлаш кuni кенг нишонланмоқда, — деди Ислоҳ Каримов. — Биз Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг номлари ва хотирасини ёд этар эканмиз, табиийки, уларнинг ўчмас жасорати олдида бош эгамиз. Бугунги эркин ва озод ҳаётимиз, мусаффо осмонимиз учун жон берган, ҳалок бўлган ватандошларимизни эслаш, орамизда яшаб келаётган уруш қатнашчиларини қадрлаш ҳар бир инсон учун ҳам қарз, ҳам фарздор.

Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Ўтмишни хотирламайдиган халқнинг эртаси ёруғ бўлмайди. Ҳар бир халқ ва миллат кечаги ҳаётдан, ўзи босиб ўтган яхши-ёмон кунлардан, тарих синовларидан зарур хулоса ва сабоқлар чиқармоғи лозим.

Биз учун, юртимиз учун тинчлик ва осойишталик ҳамма нарсадан қадрлидир. Биз яқин ва узоқ қўшниларимиз билан тенг ва ўзаро ҳурматга асосланган сиёсатни, ўзаро манфаатли, дўстона алоқаларни давом эттиришни, нафақат бугунги авлод, балки келажак авлодимиз ҳам уруш балосини кўрмаслигини истаймиз, — деди Юртбошимиз.

— Биз кимнинг, қандай буюк зотларнинг авлоди эканимизни ҳеч қачон унутмаслигимиз лозим. Ўтмиш тарихимизни чуқур ўрганиб, бир сўз билан айтганда, ўзлигимизни англаб, ота-бобларимизнинг мардлиги ва жасоратидан доимо фахрланиб-ғурурланиб яшамоғимиз зарур, — деб таъкидлади Давлатимиз раҳбари.

Шу кuni Мотамсаро она ҳайкали пойи баҳор чечакларига бурканди. Юрт озодлиги ва равангаи учун жон фидо қилган ватандошларимиз хотирасига ҳурмат бажо этиш учун келган минглаб зиёратчиларнинг қадами кеча қадар узилмади.

Журнал 1925 йилдан чиқа бошлаган

**Ўзбекистон Республикаси  
Маданият ва спорт  
ишлари-вазирлиги**

**Таҳририят:**

Баш муҳаррир

**Азим СУЮН**

Баш муҳаррир ўринбосари

**Жалолбек ЙЎЛДОШБЕКОВ**

масъул котиб

**Комил ЖОНТӨВ**

саҳаралаш ва охираш

**Нигина ҚОДИРОВА**

**Иномжон ЎСАРОВ**

навроғатчи муҳаррир

**Шермурод СУБХОН**

**Жамоатчилик кенгаши:**

**Ўткир ЖЎРАЕВ**

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги баш директорининг биринчи ўринбосари

**Хуршид ДАВРОН**

«O'zbekiston» телерадио канали ДУК директори

**Сувон НАЖБИДИНОВ**

«Матбуот тарқатувчи» АЖ баш директори

**Абдуваҳоб НУРМАТОВ**

Финанс ва савдо шохимлиги масъул ходими

**Ҳайдар НУРМУРОТОВ**

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бани тизимига методология ишларини мувофиқлаштириш департаменти директори

**Бахтиёр САЙФУЛЛАЕВ**

Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлигине биринчи ўринбосари

**Азиз ТЎРАЕВ**

Тошкент Давлат Маданият институти ректори

**Абдуслом УМАРОВ**

Алшар Навоий номидagi Ўзбекистон миллий кутубхонаси директори

**Азамат ҲАЙДАРОВ**

«Ўзбекинов» эстрада биғлашмаки баш директори

**Ушбу сонда:**

*Ал ардоғидаш баётакор*


**Болтабой ИБРАГИМОВ**  
*Дунё театрлари ибтидоси*

**Абдурауф РАХИМКУЛОВ**  
*Баздан Қўнлиниш тўғдили*

**Бурхон ШАРАФ**  
*Бухоро мактублари*

**Мансур ТЕНГЛАШЕВ**  
*Жомаъул аёл мактуби*

**Комил ЖОНТӨВ**  
*Қароқчилар хазинаси сирлари*



**Муқоваларимизда:**

- 1-бет: Таниқли хофия Муҳиддин Мамадалиев.
- 4-бет: Тошкент 1-педагогика колежи спортчилари.

Босишта 2009 йил 2 июнда тошширилади. Оффсет қоғози. Ёғичими: 60x84 1/8  
Ҳажми: 6,0. Буғуртма № 174

Таҳририят манзили: Тошкент — 100000, Буёқ Турон кўчаси, 41 уй. Тел: 233-25-66

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0517 — рақамли гувоҳнома билан рўйхатта олинган.  
Алшар Навоий номидagi Ўзбекистон миллий кутубхонаси босмаҳонасида чоп этилади.

# Тошкент шаҳри асрлар силсиласида

ЮНЕСКО бош ассамблеяси томонидан Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини 2009 йилда Республика миқёсида кенг нишонлаш тўғрисидаги қарорнинг эълон қилиниши Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузи янада ортиб бораётганлигидан далолат беради. Тошкент шаҳри ўзининг 2200 йиллик даври мобайнида манзилгоҳдан жаҳондаги йирик шаҳарлардан бири, Ўзбекистон Республикасининг пойтахти деган номга эришди. Асрлар давомида у ўзининг юксалиши ва инқироз ҳамда жанг-жадалли, суронли воқеаларга бой даврларини бошидан кечирди. Қадимги Чоч ҳақидаги илк маълумотлар милоддан аввалги II аср ва милоднинг V асрларига оид Хитой манбаларида учрайди. Уларда Тошкент вилояти Лоеня, Юни, сўнгра Чжеше ва Ши деб номланган. Бу атамалар “Чоч” сўзининг хиточча талаффузи этилиши натижасида ҳосил бўлиб, охириги “Ш” топоними “Тош” маъносини билдирган. Бизгача келган ёзма манбаларда Тошкентнинг номи “Чоч” деб аталган. Араблар босқинидан кейин у “Шош”, “Шошкент”, “Бинкат” ва “Таркан” номлари билан аталиб келинган. IX асрда Чоч вилоятининг бош шаҳри олдинги ўрни (Мадина аш-Шош)дан шимолӣ-шарқий томонда, Бўзсувдан ажралиб чиқувчи Кайковус ариги соҳилида барпо этилган.

Шаҳар кулай жуғрофий ўринда – Европа мамлакатларини Хитой билан боғлаб турувчи Буюк ипак йўлида жойлашганлиги сабабли тез ривожланган. Ёзма манбалардан ва археологик тадқиқотлардан маълум бўлишича, Бинкатнинг ўрни Тошкентнинг тўрт даҳасидан асосан учтаси: Себзор, Қўнча ва Бешёғоч ҳудудига жойлашган. Бинкат харобаси Тошкентнинг эски шаҳар қисмида, кейинроқ қурилган бинолар остида қолган. X аср манбаларида келтирилишича, Бинкат арқ, шаҳристон (ички шаҳар) ҳамда рабoт қисмларидан иборат бўлган. Арқ ичида девор билан ўралган бўлиб, икки дарвозаси бўлган. Биридан рабoтга, иккинчисидан эса шаҳристонга чиқилган. Арқ ичида ҳоким саройи, зарбхона ва қамқоҳона жойлашган. Арқ деворига ташқаридан Жомеъ масжиди туташган бўлган. Шаҳристон ва рабoтларда ҳунар-

мандларнинг маҳаллалари, амирликнинг қароргоҳлари, ерлари кўп амалдорларнинг кўшк ва қўрғонлари, савдо дўконлари жойлашган бўлиб, бозор расталарининг аксарият қисми рабoтдан ўрин олган. Араб манбаларида келтирилишича, Шошдан четга чиқарилган савдо буюмлари ичида чорвачилик маҳсулотлари (тери, намат ва чарм), айниқса, Шошнинг сирли шиша ва сопол идишларининг тенги йўқ эканлиги қайд этилган. Бинкат шаҳри атрофида кўплаб қишлоқлар мавжуд бўлиб, улар асосан савдо йўлларида барпо этилган. Тошкент шаҳрининг қадимги ёдгорликлари тарихи билан шуғулланган археолог олимлар “Чоч” шаҳри йирик маданий ва илмий марказ сифатида шуҳрат қозонганигини эътироф этадилар.

Тошкент илк маротаба “Тошкент” номи билан XI асрда Абу Райҳон Беруний ва Маҳмуд Қошғарийнинг асарларида тилга олинган. XII аср охири, XIII асрлардаги инқироздан кейин шаҳар яна тараққий эта бошлаган. XIV ва XVIII асрларда Тошкентнинг Россия билан алоқалари бирмунча кенгайган. Тошкент савдогарлари Россиянинг Сибир, Оренбург, Уфа каби шаҳарларида савдогарлик ишлари билан шуғулланганлар. XVIII аср ўрталарида Тошкент шаҳри Шайхонтоҳур ва Бешёғоч даҳаларига бўлиниб, ҳар бирини мустақил ҳоким бошқарган. Тошкент тарихида бу давр чор (тўрт) ҳокимлик даври деб аталган. 1784 йил Шайхонтоҳур даҳаси ҳокими Юнусхўжа қолган уч даҳа ҳокимлигини ҳам ўз та-сарруфига олиб, мустақил Тошкент давлатини ташкил этган. Юнусхўжа ўз давлатини сиёсий ва иқтисодий маъвэени мустаҳкамлаш учун Рус ҳўкумати билан ҳамкорлик қилган. XIX аср бошларида Тошкент шаҳри ҳўнармандчиликнинг барча турлари, жумладан, тўқимачилик, ёғоч ўймакорлиги, кўнчилик, темирчилик, қосибчилик, кулолчилик ва бошқалар ривожланган марказга айланган. Мазкур даврда шаҳар территорияси 16 километр квадратни ташкил этган. Тошкент вилояти ва шаҳрида яшган тўб аҳоли ҳақида маълумотлар деярли сақланиб қолмаган. Шаҳар ижтимоий-иқтисодий ва мураккаб демографияк жараёнлари билан бошдан кечирган. Турли босқин-

лар натижасида аҳоли билан бошқа халқларнинг ассимиляция жараёнлари содир бўлган. Буларнинг барчаси шаҳар тарихида ўз изини қолдирган.

Россия империяси Туркистонни босиб олгандан кейин Тошкент шаҳри аҳолиси рўйхатга олинган. XIX асрнинг 50 йиллари Тошкент шаҳрида 11 минг хонадон мавжуд бўлиб, унда 50 минг киши яшаган. Аҳоли қишда бирор ҳўнар билан шуғулланиб, ёзда эса шаҳар ташқарисидаги ерларда деҳқончилик ишлари билан машғул бўлган. Тошкент шаҳрида 1897 йили 156 минг киши истикомат қилиб, аҳолининг миллий таркиби қуйидагилардан иборат бўлган: ўзбеклар 128,4 минг кишини, руслар 17,6 минг кишини, татарлар 2,3 минг кишини ва бошқа миллат вакиллари 5,9 минг кишини ташкил этган. Россия империясининг олиб борган кўчирувчилик сиёсати натижасида ҳам Тошкент аҳолиси кўпайиб борган. Хўсусан, 1897 йили Тошкентда бошқа ерлардан кўчиб келганлар аҳолининг 16,8% ташкил этган. 1920 йили аҳоли рўйхати маълумотларига кўра, Тошкентда 232,6 минг киши бўлиб, уларнинг 120 минги эркаклар, 112,6 минги хотин-қизлар эди. 1926 йилги Бутуниттифоқ рўйхати кўра, Тошкент аҳолиси 314 минг кишига етган. 1950 йиллардан бошлаб Тошкентда халқ ҳўжалигининг барча тармоқлари ривожланиши билан бирга аҳоли сони ҳам ўсиб борган. 1951-60 йилларнинг ўзида аҳоли 57,4% кўпайган. 60-70 йиллар давомида шаҳар территорияси ҳам 2,5 марта кенгайган. Мазкур даврда Чилонзор, Собир Раҳимов, Сергели, Акмал Икромов туманлари ташкил этилган. Ҳўзирда Тошкентнинг ҳудуди 327,9 км<sup>2</sup> ни ташкил этиб, Бектемир, Мирзо Улўғбек, Миробод, Шайхонтоҳур, Юнусобод, Яққасарой, Ҳамза каби туманлар мавжуд. Тошкентнинг кўрчи хисобланмиш замонавий иншоотлар билан бирга унга салобат бағишлаб турган қатор қадимий обидалар ҳам мавжуд бўлиб, улар ўзига хос тарихга эга. Мазкур обидалардан бири “Сузукота” (Мустафоқул) (1140-1217) мақбараси бўлиб, у “Чорсу” бозори ёнидаги “Сузукота” маҳалласида жойлашган. Мазкур маҳаллада “Шоҳ Азиз авлие” масжиди ҳамда “Сузукота” жомеъ масжиди

ди ва мақбара жойлашган. "Сузукота" (Мустафокул) Хожа Аҳмад Яссавийнинг кизи Гавҳари Хўштож ва Аҳмад ал Қорачўғий шайх (Алихўжа ҳазрат)нинг фарзандлари ҳисобланган. Аҳмад Яссавий Мустафоқулни севиб "Сузугим, менинг сузугим" — деб эркалагани сабабли кейинчалик халқ орасида "Сузукота" номи билан танилган. У бобосининг Яссавия тарикатини давом эттирган ҳамда хунармандларнинг пири-муршиди бўлган. "Сузукота"нинг муридлари Садрота ва Бадроталар Бухородаги мадрасага ўқишга боришдан аввал дастлабки сабоқни устозларидан олганлар. Мақбара 1947 йилги zilзилга натижасида ярим вайрона ҳолатига тушгандан кейин 1958 йилда бузиб юборилган ва ўрнига кичик хужрача қурилган. Мустақиллик шарофати билан юртбошимиз раҳбарлигида муқаддас қадамжоларни обод этиш ишлари олиб борилаётган бир пайтда маҳалла аҳли 1996 йилда хайрия ҳашари асосида мақбарани янгидан тиклаш ишларини бошлаб юборган эди. Лекин қурилиш ишлари тугалланмай қолган. 2009 йилда поёнига етмай қолган мақбара қурилиши Тошкентнинг 2200 йиллик тўйи муносабати билан янада жонланди ва мазкур тарихий иншоот тўла таъмирдан чиқарилди.

Шундай тарихий обидалардан яна бири Бароқхон мадрасаси бўлиб, у бир неча даврда қурилган иморатлардан таркиб топган. Дастлаб бинонинг шарқий бурчагидаги мўъжаз мақбара (кимга мансублиги номаълум) қурилган. Кейин 1530 йилда шайбонийлар сулоласининг Тошкентдаги ҳокими Сулоҳўжаҳон мақбараси қад кўтарган. Мазкур мақбара ҳовли тўридаги пештоқли хонақоҳдан иборат. Қўшқават гўмбазли бўлган. Ташки кўк гўмбаз — Бароқхон мемориал комплексининг 3-босқичини XVI аср ўрталарида Бароқхон қурдирган. У илгари қурилган 2-мақбарани ҳам ўз ичига олган мадраса бино эттирган. Мадрасанинг тўрт бурчагида чўзиқ хона (қорихона)лар бўлган. Деворлари, тоқлари ва пештоқига ранг-баранг кошинкор нақшлар ишланган бўлиб, хонақоҳ ичкариси кундал усулида безатилган ҳамда устидан зарҳал югуртирилган. Хужралар деразаларига турли гирих нақшлар уйилган ганч панжаралар ўрнатилган. 1868 йилги zilзилдан кейин бу гўмбаз бузилиб кетган. 1955-63 йилларда Бароқхон мадрасасида Уста Ширин Муродов иштирокида таъмирлаш ишлари олиб борилган. Бундай тарихий обидалар қаторига Қафқол Шоший мақбарасини ҳам киритишимиз мумкин. Мазкур мақбара Ҳазрати Имом номи билан машҳур бўлган имом Абу Бакр Муҳаммад ибн Али Исмоил ал-Қафқол аш-Шошийга атаб қурилган.


Қафқол Шоший (904-976) шофизия

мазҳабининг етакчи олимларидан бири ҳисобланган. У Мовароуннаҳрда, хусусан, Шош вилоятида шофизия мазҳабини тарғиб этган. Қафқол Шоший Қуръон, ҳадис ва шарият имидининг билимдони ҳисобланган. Бизгача унинг "Қози одоби" номли асарлари етиб келган бўлиб, мазкур асар ислом оламида кенг шухрат қозонган. Қафқол Шоший оғирлиги ярим килограм келадиган ажойиб қулф-қалит ясаганлиги учун "Қафқол" ("Қулфчи") лақабини олган. Қафқол Шоший халқ орасида Хаси Имом номи билан ҳам катта шухрат қозонган. Мазкур мақбара 1541-42 йилларда меъмор Гулом Хусайн томонидан қурилган. Эшик тепасидаги китоба ва гўмбазнинг пасти қисмидаги ёзувлар сақланган. Мақбара бурчакларида икки ва уч қаватли саккиз ёқли тўртбурчак хўжралар мавжуд. Мақбаранинг жанубий томонидан қадимги қабри ҳовлига чиқилган. Мақбаранинг ташки томонлари эса безаксиз ҳолда қолган.

Тошкентнинг қадимий тарихий обидаларидан яна бири Шайхонтоҳур даҳасида жойлашган Қалдирғочбий мақбараси ҳисобланади. Мазкур ёдрорлик XV асрнинг биринчи ярмига тегишли бўлиб, у Шайхонтоҳур қабристони ҳудудида, Шайх Хованди Тоҳур мақбарасидан шимолроқда жойлашган. Мақбарага ким дафн этилганлиги ва унинг ким томонидан қурилганлиги номаълум. Ривоятларга кўра, мақбарага Қалдирғочбий исмли аъён, бошқа бирида эса Қалдирғочбий исмли қипчоқ маликаси дафн этилганлиги қайд этилади. Мақбара ёлғизхонадан иборат бўлиб, томи гўмбаз шаклида қурилган. Унга жанубий томондаги пештоқсиз таҳмонсимон равоқдан кирилади. Хона чортоқ бўлиб, тўрт томонидаги таҳмонлар орасида кичик хўжралар ва гишдан ишланган айланма зина жойлашган. Бинонинг безаклари сақланмаган.

Тошкентнинг 2200 йиллигини нишонлаш арафасида турган ушбу кунларда Республикамызда яшаётган ҳар бир фуқаро Тошкент шаҳрининг шаклланиш жараёни ва ундаги маданий-маърифий ҳамда иқтисодий-ижтимоий тараққиёт тарихини билиши зарур деб ўйлаймиз.

**Йўлдош ХОЖИБОЕВ,**  
Ўзбекистон Республикаси  
Марказий Давлат архиви директори



# ҚАЛЪ ПОКЛИГИ ЙЎЛИ



Биз ҳур мамлакатнинг озод, эркин фуқароларимиз. Омма оғини оширишда, ёш авлод тарбиясида, фанролар қалбида улуг ва эзгу ишларга улкан рағбат туйғусини кучайтиришда зиёлилар, маданият ва санъат намояналаримиз зиммасига бугунги кунда ҳар қачонгидан кўра кўпроқ вазифалар қўйилмоқда.

Эндиликда ҳаётга, воқеликка, муқаддас миллий қадриятларимизга, энг муҳими, Инсонга муносабат тубдан ўзгарди. Инсонга муносабат ўзгарган шароитда унинг онгида, руҳий оламида ҳам муайян ўзгаришлар ҳосил бўлади. Одамнинг ўз-ўзини англашида, янги давр, янги замон руҳини идрок этишида, умуман илгор дунёқараш ривожига маънавиятга, миллий қадриятларга янада эътиборли бўлиш муҳим аҳамият касб этади.

“Ўйлайманки, — деб ёзди Президентимиз Ислому Каримов “Юксак маънавият — энгилмас куч” китобида, — ер юзида қанча инсон, қанча тақдир бўлса, ҳар бирининг ўз маънавий олами бор. Маънавиятнинг тушуниш, англаш учун аввало инсонни тушуниш, англаш керак”.

“Маънавият” сўзи биз мустақилликни кўлга киритган дастлабки кундамоқ бутунлай бошқача маъно касб этди. Бу сўзнинг кўлами, аҳамияти бугунги кунда тобора ортиб бормоқда. Собиқ коммунистик мафкура фалсафасининг “ижтимоий борлиқ ижтимоий онгни белгилайди” деган қоидаси унутилди. Чунки у мингйилликлар синовидан ўтган ўзбекна мантиққа дош бера олмади. Оқибатда — оёғи осмонга кўтариб қўйилган асл мантиқ тикланди.

Эътибор беринг, ўзбек ўз фарзандини нима деб дуо қилади? Нима деб “Омин” қилади давра бошида, сўнгилда? “Тинчлик, хотиржамлик, кенг фель, кетмас давлат берсин, кўпдан айирмасин”, дейди. Оллоҳдан аввал давлат, мол-мулк сўрамайди. Энг аввал сўрайдиган нарсаларини жамлаб идрокласангиз: “Э, бу маънавият-ку!” деб юборасиз. Шу боис, Давлатимиз раҳбарининг маънавият устуворлиги тўғрисидаги гоёлари гоят халқчил. Халқчиллик эса — қудратли куч, омил. Шу сабабли халқчил сиёсат оманинг онгига сингиб, миллатни ислоҳ қилмоқда. Ўзбек маънавияти — миллатнинг қарийб уч минг йиллик тарихида ва ҳозирда тўплаган, ўрганган, яратган миллий тафаккури, тушунчаси, тасаввур ва рамзлари оламидир. Бу Одам ва Оламини ўзбекча тушуниш ва тушунтириш демакдир.

Маънавият сўзини тушуниш ва тушунтириш йўлидаги куюқ тумани Президентимиз Ислому Каримовнинг “Юксак маънавият — энгилмас куч” китобидаги доно, пурмаъно фикрлари тарқатиб юборди. “Миллий маънавият” ибораси масала ечимини янада ойдинлаштирди.

Ҳозирги тараққийимизнинг миллий ва умуминсоний омилларидан мустақилликни мустаҳкамлашда кенг фойдаланилмоқда. Бироқ дунёвий тараққийёт йўлини танлаган биз учун ҳам дунёвий, ҳам умуминсоний омиллар муштарак, яқин ва қадрон. Шу боис Президентимизнинг маънавият, миллий гоё ва миллий тарбия тўғрисидаги ўнгитлари халқимиз томонидан чанқоқлик билан кутиб олин-

моқда. Бугун бу фикрларнинг юксак тарихий аҳамиятини ёш авлодга кўрсатиш, мантиқан далиллар бериш биз ўқитувчилар олдимизда турган муҳим вазифалардан биридир. Чунки кўрмаган, эшитмаган нарсасига одам на яхши ва на ёмон муносабат билдира олади. Уйғониш даврининг буюк расоми Леонардо да Винчининг: “Кўрмаган нарсани қаттиқ севиб бўлмайдилар”, деган машҳур сўзлари бор. Собиқ шўролар даврида ана шу қоидалан усталик билан фойдаланишди. Ўзимизга ўзимизнинг бой ва қадимий тарихимизни, улуг аллома аждодларимизни, миллий туйғуга йўғрилган қадриятларимизни нотўғри кўрсатишди. Миллий гоё ва маънавиятнинг том маънодаги аҳамиятини яширишди. Халқимизнинг тўрт авлоди бунга зўрлаб ишонтирилди.

Миллатимизнинг буюк келажagini ўйлаган Бехбудий, Фитрат, Чўпон ва Авлодий каби маърифатпарвар адиллар эл дардида ёниб яшадилар. Улар миллатнинг бошини бошига қовуштирувчи бир раҳбарни кутиб армон билан оламдан ўтдилар. Улар орзиқиб кутган раҳбар ХХ асрнинг сўнгги ўн йиллигида тарих саҳнасида чиқди. Президент Ислому Каримов шўролар жадиладар қўлидан тортиб олган миллий истиқлол байроғини мардонавор қайтариб олди. Ўша даврдаги маърифатпарварлар ўзбек миллий тафаккурини рационаллаштиришди, яъни Оврўпача билмиларга эга, шу билан бирга, миллий аънана ва қадриятлар руҳида тарбияланган авлодларни орзулаб ўтиб кетишди. Ҳозир замонавий технологияларни уч минг йиллик доғишманлик билан, боз устига, юз йил олдинки кўриб ишлатиш фурсати етди. Илмларни фақат йиғиб, шунчаки китоб ўқиб кун ўтказган миллат ҳеч қачон ютмайди. Билимини ҳаётга амалий жиҳатдан тезкорлик билан қўллаган миллатнинг келажаги порлоқ бўлади.

Ёруғ орзу билан оламдан ўтган боболаримизнинг бу армонини ҳам Юртбошимиз Ислому Каримов рўёбга чиқарди. Булар барчаси бизни, айниқса, ёш авлодни бугуннинг қадрига етишга, мустақиллик аталмиш буюк неъматни кўз қорачиғидай асрашга ундайди, албатта!

Минг йилларки, ҳеч бир замонда ўзбек бир бутун миллат, халқ сифатида ўзлигини, ўзига хослигини йўқотган эмас. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, “Биз жаҳон майдонида кун кеча пайдо бўлган халқ эмасмиз”. Ўзбек халқи қадим “Авесто” пайдо бўлган замонлардан буён ўзига хос ҳаёти, ўзига хос маданияти, бетакрор тарихи билан яшаб келади. Қадим тарихий илдиларимиз, динимиз, тилимиз, урф-одат ва қадриятларимиз, ўзига хос маданиятимиз шундан далолат беради.

Дунё тамаддунига бармоқ билан санарли миллатларгина муносиб ҳисса қўшгани билан фахрланиши мумкин. Биз ўзимизни ҳаммаша илги тўқ мустақил миллат сифатида ҳис этиб келганмиз. Бунга тарихий, илмий ва маданий асосларимиз бор. Шу ўринда муҳим бўлган уч жиҳатни таъкидлаш даркор:

Биринчидан, буюк Шарқ мутафаккирлари дейилса-да, аслида шарқу фарбининг, бани-башар тараққийига улкан ҳисса қўшган улуг алломаларнинг гурурли ворисларимиз.



Иккинчидан, Ўзбекистон халқи минглаб йиллар давомида барпо этилган улкан маънавий мероси билан ҳамisha фахрланади. Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент, Шахрисабз, Термиз шаҳрининг ноёб ёдгорликлари, кўплаб осори атиқаларимиз бутун башариятнинг бебаҳо мулкидир.

Учинчидан, Оллоҳ назари тушган, жаннатмакон, мафтункор табиатга эга юртнинг фарзандларимиз, азалий буюклик ва

саодат маскани бу — Ўзбекистон!

Дунёдаги ҳар бир давлатда ўз миллий манфаатларини мустаҳкамлаш эрки бор. Бу, табиийки, соғлом, дўстона, ўзаро манфаатли рақобатни пайдо қилади. Бунинг миллий манфаатга қандай алоқаси бор, дейиш мумкин. Гап шундаки, миллий тараққиёт халқнинг яратувчанлик салоҳиятига, уюшқоқлигига боғлиқ. Ким тез, кучли ва ташаббускор бўлса — марра ўшаники. “Тараққиёт чўққисига биринчилик байроғини эътиқоди мустаҳкам, кучли характерли миллат тикади”. Ҳозир Марказий Осиё минтақасида жонажон Ўзбекистонимиз бу борда биринчилардан, десак муболага бўлмайди. Чунки ҳаётимиз тинч, осуда. Буюк келажак ниҳоли экилди. Унинг мўл ҳосил беришига жуда оз ғурбат қолди. Ана шу ташаббусни — ниҳолни сақлаб, ёмон кўзлардан ҳимоя қилишимиз лозим. Миллий маънавият, миллий мафкура ана шу ташаббусни тасмиллайди. Инсон омилли — одамларни шунга тайёрлайди, келажакнинг ёрқин йўлига чорлайди. Муҳтарам Президентимизнинг “Маънавият давлатнинг, жамиятнинг, халқнинг куч-қудратидир” деган фикрлари кўлами, салмоғи ҳам ана шунда. Фуқароларни бир жону бир тан қилиб, буюк келажакка сафарбар этиш, бошини қовуштириш керак. Ўзбекка “Ҳеч кимдан кам эмасан, ҳеч ким сендан ортиқ эмас-ку?!” деб унинг бунёдкорлик орийатини кўзга тутиш лозим. Токи Ватанни ҳамма бир хил — амалда ва юракдан севсин. Яъни Ўзбекистонни худди ўз уйдек, миллатни ўз оиласидек асрасин, ҳимоя қилсин. Чунки миллат битта, Ватан ягона.

Биз Ўзбекистон учун шахсий ҳузур-ҳаловатимиздан онгли равишда кеча оламиз ва кечинимиз лозим. Чунки томирларимизда Жалолитдин Мангуберди, Алпомиш, Нажибиддин Кубродек боболаримизнинг қони бор. “Бутун ҳар бир маърифатли, виждонли инсон... Халқнинг кўзини очиб, уларга бор ҳақиқатни тушунтириб бериши, одамларнинг руҳини, онгу тафаккурини ҳимоя қилиши зарур...” — деб таъкидлаган эли муҳтарам Президентимизи. Токи улар ўзи, давлати, Ватани истиқболли ҳақида зарур қулосалар чиқаришда заррача иккиланмасинлар. Иккиланувчи киши ватанпарвар ҳам, фидойий инсон ҳам бўла олмайди. Инсон қатта ишонч ва эътиқод билан иш юритса, ҳаракат қилса, демак, бу ишонч ва эътиқод аввало унинг тафаккурида, қалбида шаклланади.

Маънавият ана шундай фидойилик, ишонч ва эътиқоднинг ҳаракатлантирувчи кучи, қувват манбаидир.

Зувайдулла ҲАМДАМОВ,  
Каттақўрғон тумани,  
32-мактаб директори

# Камалакнинг етти ранги

**Жиззах шаҳридаги “Заргарлик” маҳалласи хотин-қизларининг кўпчилиги кўлигул чевар тикувчилар ҳисобланади. Улар уй-рўзгор юмушларидан бўшаган вақтларида гилам тўқиш, мунчокли тақинчоклар, ёстиқ жилдлари, бадий каштачилик каби халқ хунармандчилиги билан машғул бўладилар. Улар тиккан буюмлардаги кўзни қамаштирувчи ипақлар жилоси ва рангларнинг уйғунлашуви кишини ўзига мафтун этади.**

Садоқат Йўлдошева кўли гул хунармандлардан биридир. Болаликда тикиш-бичиш билан машғул бўлган қизалоқнинг мурғак қалбида ушбу касбга бўлган қизиқиш тобора ортиб борди. Айниқса, у бадий каштачиликка иштиёқи балинд бўлгани учун бу хунарнинг сир-асрорларини кунг билан ўрганди.

У тиккан сўзанада товланиб турган зангори осмон ва камалакнинг етти ранги ўз аксини топади. Унинг чаққон ва эпчил ҳаракатланувчи нозик бармоқлари сўзанага гўё эртанги кун орзу ва ўйларини ҳам кўшиб нақшлаётгандек, кишини ўзига ром этади. Шунинг учун ҳам “Садоқатга битта сўзана тиктириб олсам, унинг хунарини эгалласам”, деганларнинг сон-саногий йўқ.

Тиниб-тинчимас Садоқат Йўлдошева Жиззах Давлат педагогика институтининг расомчилик ва тасвирий санъат факультетига ўқишга киргач, кўп вақт ўтмай институт қошида хунармандчилик мактаби очиб ташаббус билан чиқди. Ижтимоий жиҳатдан кам таъминланган оила фарзандларидан иборат талабаларга бепул хунар ўргатишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Шундан сўнг бу ерда ўзбек миллий буюмларини тикиш йўлига қўйилди.

Институт қошидаги “Уста-шоғирд” мактабини кенгайтириш осон бўлмади. Турли тикув машиналари, дастгоҳлар ҳамда хомашёлари келтиришда бирмунча қийинчиликлар юзага келди. Онаси Мавлуда опа Жабборова Садоқатнинг ташвишларига шерик бўлиб, оғирини енгил қилди. Цех саҳни сўзана, дар-



парда, бешик ёпғичлари, келин-куёв либослари каби миллий ҳунармандчилик буюмлари билан тўлиб, чевар-тикувчилар сони ҳам кўпайиб борди.

Очиқкўнги ва сергайрат тadbиркор ҳамон янгилик яратиш йўлида тинмай изланишда. Буюк Ипак йўли, пойтахтимиздаги “Хотира майдони” ва “Бахтиёр она” ҳайкали тасвирларини юксак маҳорат билан матога нақшлаб, мухлислар эътиборига ҳавола этди. Сўнгги икки йил ичида “Устоз-шогирд” мактаби вилоятнинг Пахтакор, Дўстлик, Ғаллаорол ва Бахмал туманларидаги билим даргоҳларида ҳам бадий каштачилик, зардўзлик, замонавий бисер усулида тўқиш-тикиш ишлари билан шуғулланиб, маҳсулотлар турини 80 тага, ишчи ўринларини 45 тага етказишга муваффақ бўлди. Ҳозирда Дилшода Набиева, Гулноза Нарзикулова, Юлдуз Аҳмедова, Яхшигул Усмонова каби чевар-тикувчилар нафис, бежирим, бир-бирини такорламайдиган кашталар, сержило гилам, эркак ва аёллар кийимларини тайёрлашмоқда. Ёш тadbиркор Садоқат Йўлдошева вилоят “Улқашунослик” музейига ўз маблагга ҳисобидан 100 дан зиёд экспонатлар тақдим этди.

– Чиройли буюм қалб-қўри билан вужудга келган санъат асари, – дейди ҳунарманд С.Йўлдошева. Бу истеъдод, меҳнат, маҳорат, билим ва тажрибаларнинг уйғунлашуви ҳадиди.

Тadbиркор Садоқат Йўлдошева ўзининг ҳунармандчилик ишлари билан 2001 йилдан буён турли кўрик-танловларда қатнашиб келади. У Президент

соврини учун ўтказилган “Ташаббус – 2006” кўриктанлови лауреати бўлди. “Ташаббус – 2007” кўриктанловининг Республика босқичида ҳам иштирок этиб, ўз истеъдодини яна бир бор намойиш этди ва “Энг ёш тadbиркор” номинацияси бўйича голиб бўлди. Шунингдек, “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси ҳамда “Камолот” ЁИХ Марказий кенгаши ҳамкорлигида ўтказилган “Келажак овози” мега-танловининг Республика саралаш босқичида ҳам қатнашишга муваффақ бўлди.

Яқинда Садоқат Йўлдошева Япониянинг Токио ва Нагасаки шаҳарларида бир ҳафталик сафарда бўлиб, кунчиқар мамлакат тadbиркорлари иш тажрибалари билан танишиб қайтди. У ердаги атлас, адрас ва шойидан тикилган либосларни кўздан кечираркан, японияликларнинг ўз миллий ҳунармандчилиги, гўзал анъаналари ва урф-одатларини асраб-авайлаши, эъозлаши ва қадрлашлари уни лол қолдирди. Бундан ташқари, таниқли расом ва ҳайкалтарошларнинг санъат асарлари намуналари билан танишуви унда катта таассурот қолдирди. Ушбу сафар Садоқат Йўлдошева истеъдодининг янгидан-янги қирралари намоён бўлишида ҳамда келажакдаги режаларининг бой ва ранг-баранглигини таъминлашда илҳом бахш этган бўлса, ажаб эмас.

**Абдулла САИДОВ**

*Суратда: тadbиркор Садоқат Йўлдошева (ўртада) шогирдлари билан.*

Ҳаётда шундай инсонлар борки, ўзининг бутун меҳнати, ҳузур халовати, қобилияти-ю истеъдодини халқига, унинг маданияти ва маънавияти ривожига бахш этади. Ана шундай фидойи инсонлардан бири Ўзбекистон Республикаси Давлат Мадҳияси муסיқасининг муаллифи, Ўзбекистон халқ артисти, Ҳамза ва Бердақ номлидаги Давлат мукофотлари совриндори Мутал (Мутаваккил) Бурхоновдир. Унинг ҳаёти ва ижодий фаолияти замонавий профессионал санъатнинг ривожланиш тарихи билан бевосита боғлиқдир. Бу нодир истеъдод соҳиби баркамол, ширадор ва жозибали асарлари билан юртимизни дунёга танитди. У яратган барча муסיқий асарлар ўзининг оригиналлиги, миллийлиги билан ажралиб туради.

# Эл ардоғидаги Бастакор

Мутал Бурхонов 1916 йил 5 майда Бухоро шаҳрида Бозори нав маҳалласида (ҳозирги Меҳтар Анбар кўчаси, 24-ўй) мадраса мударриси Музайниддин Бурхонов оиласида туғилди. Болалик ва ўспиринлик даврида аввал эски диний, сўнгра янги мактабларда ўқиди. Болалигидан муסיқага қизиқиб, танбур чалишни дастлаб амакиси Мукамил Бурхоновдан, кейин машҳур танбурчи Ота Гиёс Абдуғанидан ўрганди. 1928-1932 йилларда Самарқандда Ўзбекистон муסיқа ва хореография институтида таълим олди. Бурхоновлар хонадонидан Ота Жалол Носиров, Ота Гиёс Абдуғани, Домла Ҳалим Ибодов, Ҳожи Абдулазиз Расулов, Абдуқодир Исмоилов, Аҳмаджон Умрзоқов, Матёқуб Харратов, Абдурахмон Умаров каби устозлар сабоғи, шунингдек, Абдурауф Фитрат, С.Айний, А.Чўлпон, Боту, Элбек каби илм-маърифат, адабиёт ва санъат даргалари иштирок этган ижодий кечалар Мутал Бурхонов учун унутилмас ҳаёт ва ижод мактаби бўлди.

У ўқишни битиргач, 1932-35 йилларда Тошкентда Ҳамза ва Душанбедаги Лоҳутий номли драма театрларида созанда ва муסיқа раҳбари лавозимларида ишлади, муסיқа басталай

бошлади. Композиторлик илмини ўзлаштириш орзусида 1935 йили Москва консерваторияси қошида очилган “Ўзбек опера студия”сида таҳсил олди. 1939 йилда Москва консерваториясининг асосий курсида профессор С.Н.Василенко синфида ўқишни давом эттирди. Иккинчи жаҳон уруши бошланиши билан кўнгиллилар сафида Москва шаҳрининг ҳимоясига отланди. 1942 йили қаттиқ бетоб бўлиб, Тошкентга қайтиб даволанди, сўнгра шу ерда қолиб, ижод билан шуғулланди. 1946 йилдан яна ўқишини давом эттириб, 1949 йили Москва консерваторияси композииторлик факультетини муваффақиятли тугаллади.

Композитор Мутал Бурхонов ижодининг асосий қисмини вокал муסיқаси ташкил этади. У талабалик давридаёқ илк ижодини атоқли шоир А.Лоҳутий шеърларига басталаган “Эй булбул” романси ва “Бути нозанинам” (“Менинг гўзалим”), Машраб шеърига “Ишқ ўти” кўшиқлари, яккаҳон ва симфоник оркестр учун яратган баллада каби асарлардан бошлади. Уруш йиллари эса “Жангчилар кўшиғи” (Уйғун сўзи), “Самолёт” (Х.Олимжон сўзи), “Учиб кетасан” (З.Диёр сўзи), “Пахта очилса” (Камтар сўзи) кўшиқлари, “Ишқида” (Уйғун сўзи), “Дилбари мо” (Лоҳутий сўзи) романслар пайдо бўлди. “Мафтунингман” кинофильмидаги Ботир Зокиров ижро этган “Мафтунингман”, Клара Жа-

лилова ижросидаги “Юлдуз кўшиғи” ва “Дўппи тикдим ипаклари тиллодан” (Т.Тўла сўзи), Лайло Шарипова ижро этган “Баҳор кўшиғи” (Т.Тўла сўзи) ва “Самолётлар қўнолмади” кинофильмида араб аёли кўшиғи, Юнус Тўраев ижросидаги “Гул диёрим” (Э.Воҳидов сўзи) ва “Гўзал Нукус шаҳрим” (И.Юсупов сўзи), Тамарахоним ижро этган “Гўзал Фарғона” (А.Бобожон сўзи), “Уйғур қизига” (Маматоҳунова сўзи), “Ватан кўшиғи” (Ф.Фуллом сўзи), “Ёрим бор” (Миртемир сўзи), “Гўзал Ўзбекистон” (Шухрат сўзи), “Бой ила хизматчи” кинофильмидаги Гулбаҳор алласи каби ажойиб кўшиқлар кенг қанот ёзди. Дарҳақиқат, М.Бурхонов биринчилардан бўлиб романс жанрини республикаимиз муסיқий ҳаётига жорий этиб бу йўналишда йўл очиб берди, десак муболага бўлмайдди. Бастакорнинг бу жанрдаги асарлари орасида улуг шоир Навоий ғазалига басталаган “Табассум қилмадинг” ва Ҳофиз ғазали билан яккаҳон ва симфоник оркестр учун “Намедонам чин ном дорад” (“Исмингни билмайман”) романс-поэмаси алоҳида ўрин тутди.

Мутал Бурхонов вокал-симфоник жанрида ҳам баракали ижод қилди. 1949 йилда яккаҳон, хор ва симфоник оркестр учун “Гуллагай, Ўзбекистон” кантатаси, “Баҳор қушлари” (С.Умарий сўзи) вокал-симфоник поэмаси, “Оқ олтин” (И.Юсупов сўзи) вальс-кўшиқ



*Мутал Бурхонов*

поэмаси, шунингдек, Алишер Навоийнинг 525 йиллик юбилейга бағишлаб, А.Орипов билан ҳамкорликда "Алишер Навоийга қасида" (1968 й.) вокал-симфоник поэмаси, шу шоир сўзи билан 1975 йили урушда ҳалок бўлганлар хотирасига бағишлаб хор ва симфоник оркестр учун "Эпитафия" марсиясини яратди.

Бастакор Мутал Бурхонов биринчилардан бўлиб 50-йилларнинг бошларида ўзбек халқ кўшиқлари "Гўзал кизга", "Ёрларим", тожик халқ кўшиқлари "Сари кўхи баланд" ва "Заррагул", қорақалпоқ халқ кўшиқлари "Бибиғул", "Айрилик", уйғур халқ кўшиғи "Сайра", қозоқ халқ кўшиғи "Дударай", афгон халқ кўшиғи "Чашми сиёҳ", эрон халқ кўшиқлари "Гули гандум" ва "Дамкул — дамкул" кабиларни акапелла хори учун мослаштириб, мураккаб ижодий муаммони муваффақият билан еча олди.

Шунингдек, Мутал Бурхонов ижодий фаолиятида кино мусикаси ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Унинг 50-70 йилларда "Бой ила хизматчи" (режиссёр Л.Файзиев), "Абу Али ибн Сино" (реж. К.Ёрматов), "Самолётлар қўнолмади" (реж. З.Собитов), "Сурайё" (реж. У.Назаров), "Тарк этилган келин" (реж. Й.Аъзамов) бадий фильмларига ёзган мусикаси маданиятими тарихида чуқур из қолдирди. Унинг "Мафтунингман" ва "Орол балиқчилари" кинофильмларига М.Левиев ва И.Акбаровлар билан ҳамкорликда яратган дилбар кўшиқлари ҳамон эфир орқали янграб келмоқда.

Ҳамза номидаги Ўзбек давлат академик ва драма театрида сахналаштирилган: "Алишер Навоий" (Уйғун ва И.Султон пьесаси, 1943 й.), "Хикмат" (Ш.Туйғун пьесаси, 1950 й.), "Бой ила хизматчи" (Ҳамза пьесаси, 1953 й.) спектаклига Мутал Бурхонов мусика басталаган.

Композитор "Ўзбек халқ чолғулари оркестри" учун "Мавриги" туркум куйлари ва ҳар хил пьесалар, сюиталар, симфоник оркестр учун сюиталар, скрипка ва виолончел унвал ва пьесалар яратди. Болалар хори учун қатор кўшиқлар басталади.

Мутал Бурхонов Ўзбекистон Республикаси Давлат Мадҳияси мусикасининг муаллифидир. Давлат рамзи ҳисобланган мазкур асар шеърли — мусикий тантанавор руҳда ёзилиб, у асосан тантанали йиғилишлар, давлат даражасидаги турли маросимлар, шунингдек, халқаро спорт мусобақалари жараёнларида ижро этилади. Композитор мадҳияни ёзишда ўзбек мусикий мероси ҳисобланмиш Шашмақомнинг мушкитотларида жуда усталик билан фойдаланган. Усталик оҳанг ва ритмик тузилиши жуда мукамал. Мадҳия бастакор Мутал Бурхонов номини бутун дунёга танитишда катта асос бўлди.

Мутал Бурхонов табаррук 80 ёшлик тўйини янги мусикий асарлар билан кутиб олди. Абдурахмон Жомийнинг "Ширу шакар" шеърига кўшиқ, болалар хори учун "Ватан бизга меҳрибон" (М.Мирзо сўзи) кўшиғи, акапелда хори учун "Бухорои Шариф" (Рудакий шеъри) кўшиқларини, биринчи бўлиб яккахонлар, хор ва симфоник оркестр учун беш қисмли "Абадий хотира" номли РЕКВИЕМ яратди. Бу асар қатағон йиллари қурбонлари бўлган ўзбек халқининг улуғ фарзандлари Абдулла Қодирий, Абдурауф Фитрат, Абдулхамид Чўлпон, Усмон Носир, Файзулла Ҳўжаев, композиторнинг катта акаси Мисҳобиддин ҳамда амакчилари Мазҳариддин, Муҳаммил ва Муаммир Бурхоновлар хотирасига бағишланган эди. Асар 1996 йил 14 майда "Туркистон" саройида композиторнинг юбилей кечасига бағишланган концерт дастурида илк бор ижро этилди. Унда С.Қобулова,

Ф.Зокиров, А.Абдуқодиров каби машҳур хонандалар, бадий сўз устаси Т.Мўминов, З.Ҳақназаров раҳбарлигидаги миллий симфоник оркестри, хормейстерлар А.Ҳамидов ва Ж.Шуқуровлар раҳбарликларидаги қўшма хор жамоалари қатнашган эди.

Композитор Мутал Бурхонов Ўзбекистон мусикаси маданиятини ривожлантиришда буюк хизматлари учун "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби", "Ўзбекистон халқ артисти" фахрий унвонлари билан тақдирланган, "Меҳнат шухрати" медали, Ўзбекистон, Тожикистон ва Белоруссия ҳукуматлари фахрий ёрлиқлари билан мукофотланган. 1999 йили Мутал Бурхонов Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг қўлидан "Буюк хизматлари учун" орденини қабул қилди.

2001 йил, 17 майда Алишер Навоий номидаги опера ва балет театрида композитор таваллудининг 85 йиллигига бағишланган юбилей концерти бўлиб ўтди. Шу муносабат билан у "Эл-юрт хизмати" ордени билан тақдирланди. 2002 йил 24 майда эса, Ўзбекистон давлат консерваториясининг катта залида Мутал Бурхонов таваллудининг 86 йиллиги катта концерт дастури билан нишонланди. Концерт дастурида композиторнинг илгари басталаган мусикий асарлари билан бир қаторда 2002 йилда яратган иккита янги асари: скрипка ва камер оркестри учун "Лирик поэма" Яйра Матёқубова ижросида ва Бухоро универсиадасига бағишланган дамли чолғу оркестри учун "Марш"ни Ўзбекистон ички ишлар вазирлигининг "Намунали" дамли чолғулар оркестри ижро этди. Мутаваккил Бурхонов 2002 йилда Бухоро шаҳрида ҳаёт билан видолашди.

Мардон ДЎСТОВ,  
Бухоро Давлат университети  
ўқитувчиси



озирги кўринишдаги барча театр бинолари ва сахна техникаси тарихи Қадимги Юнонистонга қадим бориб тақалади. Жумладан, XX аср бошларидан вужудга келган ва ҳозирги пайтларда ажойиб кошоналар сифатида намойиш бўлаётган театр бинолари ана шу қадимги анъаналарнинг бевосита давоми дейиш мумкин. Қуринадики, Қадимги Юнон театрлари тарихини ўрганиш маданиятимиз учун катта аҳамиятга эгадир.

Халқ кўпинча турли байрамлар, Дионис шарафига уюштирилган кўча намойишлари, спорт беллашувларига тўлланган. Шунинг учун бундай томошалар ҳаммага кўринарли бўлиши учун ҳўпроқ тепаликлар ёки тоғлар этагида ташкил этилган. Шунда томошабинлар ўзига қулай бўлган табиий ёндовларга жойлашиб, бемалол тадбирлар гувоҳи бўлганлар. Сўнгра томошабинлар учун ёғочдан махусус ўриндиқлар ташкил этилган. Эрамизгача бўлган IV асрда эса вақтинчалик томоша иншоотлари улугвор тош амфитеатрларига айланган.

Оммавий ижро учун мўлжалланган дастлабки драматик асарлар, назаримизда, эрадан аввалги V асрларда вужудга келди. Шаҳар-давлатларнинг ташкил этилиши фан ва санъат ривожланишида муҳим ўрин тутди. Демократик Афина шаҳри маданий ҳаёт маркази бўлиб қолди. Демократик минтақа фуқаролари ижтимоий-сиёсий масалалар муҳокамаларида фаол иштирок эта бошладилар. Бу масалалар фақат халқ мажлисларидагина эмас, балки театр сахналарида ҳам муҳокама қилинди.

Афинадаги Дионис театри Қадимги Юнонистонда қурилган дастлабки театр биноларидан бири бўлиб қолди. Бу театр унинг қарши-сидаги ибодатхона шарафига Дионис номи билан аталди. Театр эрадан аввалги IV асрда қурилди. Кейинчалик театр бир неча бор қайта қурилди. Амфитеатр тuzилиши ўзгартирилди, сахна майдони ҳажми ва ўрни ҳам бошқача бўлди. Сахна кенгайиши Шимолдаги Адриан ва Септимияда рўй берди. Даврлар оша театрнинг бунчалик ўзгариб кетишига қарамай, таъкидлаш жоизки, Дионис театри Қадимги Юнонистон учун кўпроқ хос бўлиб қолди.

Доира шаклидаги орхестр 13 секторга бўлинган 17 қаторли амфите-

атрнинг биринчи ярусини ўз ичига олади. Кенг ўтиш жойи билан ажратиб қўйилган иккинчи ярус 16 қатордан иборат. Унинг шакли учинчи ярус шакли (8 қаторли) каби тепалик юзасига боғлиқ равишда нотўғри, мураккаб шаклга эга эди. Ҳар учала ярусга 14-17 минг ва ҳатто 30 минггача томошабин сигар эди.

Амфитеатр қаршисида думалоқ сахна майдони – орхестри орқасида сценэ деб аталган тош қурилма қад кўтариб туралди. Дастлаб сценэ актёрлар кийим алмаштирадиган ва турли ашёлар сақланадиган ёрдамчи хона бўлган. Сўнгра сценэ янада кенгайди ва актёрлар рол ўйнайдиган майдонга айланган. Амфитеатр ва сценэ қурилмаси орасида орхестрга олиб ўтадиган иккита ён йўлак мавжуд бўлган. Бу йўлақлар парод деб аталди.

Ўша даврларда Қадимги Юнонистонда театр қурилишига катта эътибор берилди. Шу сабабли ҳам Афина, Оропос, Аргос сингари кўплаб шаҳарларда ўша даврларда қурилган театрларнинг қолдиқлари сақланиб қолган. Ҳаммаси бўлиб 55 дан ортқ театр иншоотлари бўлганлиги маъ-

лум. Аммо Эллин даври юнон театрларининг ёрқин намунаси бўлган эпидаврдаги театр ҳар томонлама такомиллашган театрлардан бири ҳисобланади.

Поликлет томонидан милоддан аввалги 40 йилларда қурилган ва 1881 йили қазиб очилган театр ҳозирги кунларгача ҳам жуда яхши сақланиб қолган.


Рангли тошдан ниҳоятда ажойиб қилиб қурилган катта коса шаклидаги амфитеатр худди Кинтортион тепаликлари чўққисидан ютқа тош тўсиқли доира шаклидаги орхестрга қараб оқиб тушаётганга ўхшайди. Амфитеатрнинг юқори поғоналаридан қараганда ажойиб қизғиш тошлар ва тепаликлар билан ўралган зайтунзор водий кўзга ташланади.

Амфитеатрнинг асосий қисми тепалик бағрида жойлашган. Энг юқоридаги қаторлар барча театрларда бўлгани каби тош қурилмалари устида жойлашган. Амфитеатр ҳаммаси бўлиб 52 қатордан иборат.

Театр қуришга киришаётган юнонларнинг бошқа халқлардан тажриба ўрганиш имконияти бўлма-

# Дунё

## ТЕАТРАРИНИНГ ИСТИДОСИ



Оранждаги театрнинг умумий кўриниши (Франция).



Басрадаги театрнинг умумий кўриниши (Сурия).

ган. Театр қурилишига тегишли бўлган барча муаммоларни ҳал қилиш уларнинг ўз зиммасига тушган. Театр қуриш ишларидаги дастлабки қадамлардан оқиб натижаларга эришилди ва бу тажриба яна бир қанча юзлаб йиллар давомида намуна вазифасини ўтади.

Юнонлар кашф қилган амфитеатр бутунки кунда тошдан элининг кенг тарқалган шакли бўлиб қолди, антик орхестрдан кенг саҳна сифатида фойдаланилганлиги. Саҳнанинг томошабинларга нисбатан марказда жойлашгани оммавий театрга жуда кўп одам сидириш имкониятини берди. Уринларнинг амфитеатр ҳолатида жойлашуви театрининг ижтимоий-давлат муассасаси сифатидаги хусусиятидан келиб чиқади. Бир спектакл ҳозирги театрга ўнлаб ва юзлаб марта ўйналишидан фарқли антик театрга спектакл бутун шаҳар фуқаролари учун бир мароғатга ўйналган. Уша даврларда театрга томоша тайёрлаш барча фуқаролар учун катта воқеа ҳисобланган, шунинг учун қадимги мейморлар кўп минг кишилик томошабин учун ҳам қўриш, ҳам эшитиш мумкин бўлган имкониятни яратиши зарур бўлган. Томошабинлар ўрнининг амфитеатр қўришида бўлиши ана шу энг мақбул имконият бўлиб қолди.

Саҳна шакли спектаклнинг мизансаҳна композициясига ўз талабларини қўяди. Театр тараққиётининг дастлабки йилларида орхестр актёрлар ва хор учун ҳам ягона ўйин майдони бўлган. Драматургнинг ўзи ўз пиесасининг ижрочи актёри бўлган юнон театрида орхестрнинг текис юзаси ўйин шароитига етарли бўларди. Хор одатда тўртбурчак бўлиб турар, майдон ўртасида актёр ўйнади. Аммо Эсхил бошқа актёрларни ҳам киритганидан кейин бир орхестр етарли бўлмади қолди. Шундай қилиб театр тараққиётининг дастлабки даврларида фақат биргина ясси майдон камлик қилди, уни ранг-баранг қилиш шакллари қидириш зарур бўлди. Спектаклни безаш томонларига ҳам эътибор қаратила бошланди.

Айрим бизгача етиб келган манбаларга кўра, антик спектакл безаги асосан ясси шитлардан иборат бўлди. Улар асосан ҳаракат жойини шартли аниқлашга хизмат қиларди.

Либос тайёрлаш катта маблагни

талаб қиларди, қаҳрамонларни саҳнага олиб чиқувчи араваларга ҳам катта маблаг сарфланарди. Спектаклнинг ташқи безаги юқори даражада бўларди.

Спектаклни саҳналаштиришда қаҳрамонлар ҳаракатига ёрдам берувчи турли механик мосламалар ҳам катта аҳамият касб этарди. Ҳозирги фуқаро эслатувчи ҳаракатдаги майдон қўлланганлиги эътиборни тортлади.

Рим театрлари юнон театрлари анъаналарини давом эттирди, шу билан бирга театр саҳнаси тузилишига ўзига хос ўзгаришлар киритди. Бу ўзгаришлар театрининг янги шароитини ва драматургиянинг янги хусусиятини аниқлади.

Милодан аввалги I аср яримларигача Рим театрлари халқ байрамлари ва талбирлари чоғида қурилган вақтинчалик ёғоч иншоотлардан иборат бўлди. Дастлаб Римда милодан аввалги 13-йилларда Марцелл ва Помпей театрлари қурилди.

Юнон театрларидан фарқли Рим театрлари текис жойда қурилди. Амфитеатр тошдан қурилган куббасимон иншоотларда қал кўтари, скенэ эса безакдор кўп қаватли бинолардан иборат бўлди.

Марцелл ва Помпей театрларидан сўнг яна кўплаб театрлар қурилиши амалга оширилади. Империя даври Рим театрларини Юнонистон, Испания, Африка, Яқин Шарқда учратиш мумкин. Айниқса, Оранждаги (Франция) театр яхши сақланиб қолган.

Оранждаги театр Марк Аврелий даврида қурилди ва анъанавий Рим мейморчилиги намунаси ҳисобланади. Уч погонали амфитеатр янги ора орхестрни ўраб туради, унинг орасида бакуват деворли скенэ қад кўтарган. Юнон театрига қараганда скенэга бойроқ мейморий ишлов берилган. Ён ва марказий деворлар уч погонали коринф устуналари билан қопланган, уларнинг орасидаги тоқчаларга ҳайкаллар ўрнатилган. Скенэ хоналаридан саҳнага олиб чиқилган уч йулак уйғун равишда жоқори погоналарда ҳам такрорланган.

Ўйналадиган майдон орхестрдан кўп ҳам бандан кўтарилмаган. Скенэнинг ён деворлари безакдор шифтлар билан ёпилган ва ниҳоятда ҳажмдор бўлган.

Саҳнанинг шифт билан ёпилганлигини скенэнинг юқори қисмидаги ўйиқ жойлар борлигидан билиб

олса бўлади. Уларга томни ушлаб турувчи тўсинлар келиб тушган. Шунингдек, ёпиқ саҳнадан дастлаб Қадимги Римда вужудга келганлиги таъкидланади. Ҳатто баъзи манбаларда келтирилишича, театрининг фақат саҳна қисми эмас, балки бутун амфитеатрнинг усти ҳам ёпилган. Театрлардаги чодирлар томошабинларни қўқш, шамол ва ёмғирдан ҳимоя қилар эди.

Яхши ҳид тарқатадиган чодирлар Помпей театрида ҳам бўлганлигини мейморчиликнинг кўпгина қисмлари, бир қатор ҳужжатлар кўрсатиб беради.

Томошабинлар ўриндиклари ва саҳна устининг ёпилиши дастлабки томли театрлар пайдо бўлаётганлигини аниқлади.

Рим театрида биринчи бўлиб парда пайдо бўлди. У саҳна тагидан кўтариларди, бунинг учун очиқ қисмида махсус тешик қўйилди. Парда саҳнани юқори қаторда ўтирган томошабин ҳам кўра олмайдиган қилиб кўтариларди. Шунингдек, парданинг вужудга келиши, албатта, саҳнада қандайдир безакдор бўлганлигидан дарак беради. Негаки, парда ёпилиб, улар алмаштирилганлиги табиий.

Антик театрининг жаҳон театр маданиятининг кейинги даврлардаги ривожига таъсир қилганлиги шубҳасиз. Турли мамлакатларнинг кўпгина режиссёри, рассомлари ва мейморлари юнонлар яратган ва минглаб йиллар давомида тақомиллашиб келган мейморчилик шаклларига мурожаат қилиб келди. Табиийки, яна узоқ йиллар давомида театрлар қадимги мейморлар тажрибасига мурожаат қиладилар.

Қадимги юнон ва Рим театри кейинчалик бутун дунёда театрлар вужудга келиши ва тараққиёти учун дастлабки замин бўлиб қолди. Ўзбек театрлари ҳам бундан мустасно эмас. XX аср бошларида европача театрлардан ўрнак олган зиёдиларимиз алоҳида ибратхоналарни вужудга келтиришга уриниб, ўзбек театрларининг тамал тошини қўйдилар. Ўзбек маданиятининг бир аср давомида юксак даражада ривожланиши ана шу ибратхоналар билан боғлиқлиги шубҳасиз.

**Болтабой ИБРОҲИМОВ,**  
Қамолдин Бехзод номидаги  
Миллий рассомчилик ва дизайн  
институтини доценти

Ҳар бир халқ нафақат тўқ-фаровон яшашни, балки тарих саҳнасида бутунлай йўқолиб кетмасдан, абадий яшашни ҳам истади. Ғарб космополитларининг башоратларига қарамай, миллатлар, аксинча, сон ва сифат жиҳатидан ўсиб келмоқда. Агар 1945 йили Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) тузилганда 47 мамлакат кирган бўлса, ҳозир бу ташкилотга 192 суверен давлат аъзо. Улар ичида камсонли, масалан 95 минг аҳолига эга Кирибати мамлакати билан бирга 1,8 миллиард аҳолига эга Хитой каби буюк давлат ҳам бор. Улар мустақил давлат сифатида ўз миллий маданияти, турмуш тарзи, тарихи, ўз байроғи, герби ва мадҳиясига эга бўлиб, миллий гурурини сақлаб келмоқда.

лар ишлаб, Россия, АҚШ, Хитой ва қўшни мамлакатларда 350 дан зиёд катта-кичик монографиялар, дарсликлар, ўқув қўлланмалари, рисола ва мақолалар эълон қилди. Унинг асарлари илмий жиҳатдан аниқлиги, аниқ мақсадга қаратилганлиги, ўз халқига катта меҳр ва садоқат, теран ва ўткир тафаккури,



# Умуг эҳтиром

Айрим миллат ва элатларнинг ўзига хослиги, уларнинг турмуш тарзи, миллий психологияси ва характерини ўрганганидан фан — этнографиянинг кейинги йилларда ривожланиб бориши тасодиф эмас. Мазкур фан соҳаси сиёсий-амалий жиҳатдан ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга, чунки у ўзимизнинг кимлигимизни билиш, тараққиёт йўлимизни англаш, миллий хусусиятларимиз ва анъаналаримизни сақлаб қолиш каби масалаларни ҳал қилишга ёрдам беради. Мазкур фан этник муаммоларни ўрганишда тарих, археология, социология, этнопсихология каби ижтимоий фан соҳалари ютуқларидан фойдаланиб, ўзаро ҳамкорликда талқиқотлар ўтказди.

“Ўзбеклар” номи асар муаллифи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, фалсафа фанлари доктори, халқ маорифи аълочиси профессор Исо Жабборовни республикамызда этнография фани билिमдони деса бўлади. Унинг мазкур фанга қизиқиши М.В.Ломоносов номи Москва университетига ўқиб юрганида пайдо бўлиб, 1949 йилда Сергей Павлович Толстов раҳбарлигидаги археология-этнография комплекс экспедиция аъзоси сифатида ишлаган давларида ушбу соҳага муҳаббат қўйди. С.П.Толстов экспедицияси кўп йиллик самарали меҳнати туфайли “қадимий Хоразм цивилизацияси”ни кашф этиб, ўлкамызни жаҳонга танитди. Шу билан бирга, экспедиция аъзолари археологик қазинмалар олиб бориб, маҳаллий этносларнинг келиб чиқиши ва этномданияти тўғрисида қимматли маълумотлар тўплаган эди. Бу ишда “Ўзбеклар” муаллифи ҳам фаол қатнашган.

Мазкур экспедициянинг энг катта хизмати, Хоразм антик юксак маданиятини кашф этибгина қолмай, миллат вакилларидан атоқли археолог, этнограф, социолог, нумизмат олимларни ҳам етказиб берди. Булар қаторида Исо Жабборов ҳам бор эди.

Исо Жабборов илм-маърифат соҳасида узоқ йил-

миллий анъаналар ва этномданиятга ҳурмат-эҳтирми билан ажралиб туради. Улар ёшларни ўз элига садоқат ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашга, амалий фаолиятида куч-гайратли бўлишга чорлайди. “Ўзбеклар” 2007 йили рус тилида, 2008 йилда эса ўзбек тилида чиққан. Асар олимнинг ижодий фаолиятида муҳим босқич бўлди. У бу китобни 80 ёшга тўлиш арафасида чоп этди.

Китобнинг номидан маълумки, унда ўзбек миллати тўғрисида гап кетади. Ҳар бир илмий асар икки томонлама баҳоланади — нима ҳақида ва қандай ёзилган. Аслида этнография фани анча ёш, яъни бошқа аниқ фанларга нисбатан кейин пайдо бўлган. Ҳозир у социологияга яқинлаштириб, этнология деган номда ҳам ишлатилади. Ҳозиргача бу фанда ноаниқликлар кўп, аиникса, айрим атамалар ва методологик масалаларда. Шунинг учун миллат тўғрисида талқиқотлар ўтказиш ва ёзиш анча жиддий масала.

Исо Жабборовнинг китоби кўп жиҳатдан янгича характерга эга. Унда умумий сўзлар ва абстракт тушунчалар кам учрайди, муаллифнинг фикрлари равшан ва аниқ. Унинг Хоразм экспедициясида ишлаганлиги ва талқиқотлар олиб борганлиги туфайли ўзбек халқи этногенези (келиб чиқиши) тўғрисида муҳим хулосаларга келганлиги диққатга сазовор. Муаллиф ўзбекларнинг этник илдизларини Хоразмда, “Авесто” пайдо бўлган Амударё қўйи оқимидаги қадимий давлат ҳудудидан ахтариш кераклигини тўғри қайд қилади. Албатта, ўзбек этносининг пайдо бўлишида “Авесто” ва зардуштийлик роли қандайлиги ҳали тўлиқ тасдиқланмаган. Аммо Хоразм ўзбекларининг маънавий турмуши ва маънавий маданиятида айрим зардуштийлик элементларининг ҳозиргача сақланиб келганлиги шубҳасиз.

Ўзбек халқининг ҳудудий жойлашувида омади келган. Унинг икки буюк дарёлар — Аму ва Сирдарё оралигида жойлаганлиги бунинг исботидир. Бу омад ўзбек

эли қалбида муқаддас Ватан тупроғига меҳр туйғуларини уйғотади. Икки дарё оралиғидаги табиат ҳолида ўзига хос куч-қувват, завқ ва истеъдод, ўзгача руҳий олам уйғотган. Муаллиф дастлаб Хоразмда ўнлаб километрларга чўзилган катта сув иншоотлари — каналлар пайдо бўлиб, ўзбек элига ўзгача ҳусн бағишлаганлигини қайд қилади. Бу тўғрида жаҳон матбуотида кўп ёзилган. “Сув — оби ҳаёт” деган бош тамойил ўзбекларга хос бўлиб, уларда меҳнатсеварлик, чидамлик, қўшниларга ҳурмат каби фазилатларни уйғотган. Ўзбек деҳқончилиги, асарда ёзилганидек, инсон характери-ни тарбиялашда буюк намунадир.

Муаллиф ҳунармандчиликни ҳам ҳурмат билан таърифлайди. “Айниқса, IX-XII асрларда ҳунармандчилик юксак даражада ривожланиб, қўшни мамлакатлар билан алоқалар учун кенг имкониятлар пайдо бўлган”, — деб ёзади у. Ўзбек ҳунармандлари бутун Марказий Осиёни ўз маҳсулотлари билан таъминлаганлар, минтақадаги барча элатлар ўз хўжалиғида ўзбек усталари яратган аъло сифатли, қулай ва чиройли буюмларни харид қилганлар. Нозик тилла буюмлар яратувчи заргарлар ўз маҳсулотларига зўр маҳорат ва ҳавас билан ишлов берганлар.

Муаллиф ўз асарига ниҳоятда зўр эътибор билан, ҳатто нозик ва нафислик билан ўзбек адабиёти ва фольклори тарихининг шаклланиши ва ҳозирги аҳволини, бой аъёналари, халқ ўйинлари, қўшиқ ва рақсларини зўр маҳорат ва ҳавас билан таърифлайди. Фикримизча, муаллиф ўзбек тилининг шаклланиш даврини қорахонийлар давлатида энг катта этник гуруҳ — қарлұқлар билан тўғри болаган. Бу фикрни атоқли этнограф Қарим Шониезов ҳам қайд қилган эди. Менимча, бу ерда ўзбек тилининг Тошкент

шевасига асос солган тухси ва чигил қабилаларининг ўзбек тилининг шаклланишидаги ролини қайд қилиш лозим.

Ўзбекларни бошқа этнослардан ажратиб турадиган турмуш тарзининг муҳим элементи маҳаллачилик аъёналаридир. Ўзбек маҳаллий менталитетини ёрқин ифодаловчи қадимий ижтимоий тузум қоидалари, маҳаллачилик ёшларни тарбиялашда, осойишталик, тинч-тоғув ва муросада яшашда муҳим омиллардан эканлигини муаллиф ишончли исботлаб берган. 1994 йили АҚШда сафарда бўлганимда, мени Юта штатидаги университетга таклиф қилишган эди. Бу ерда Тошкент номи махсус маҳалла борлигини билиб, бир санд бўлган эдим. Уни университет профессори Монтгомери Тошкент маҳаллаларидан бирида бир йил яшаб келгандан кейин ташкил қилган экан. Унда профессор ўзбекчилик аъёналарини тиклашга ҳаракат қилган.

“Ўзбеклар” ниҳоятда баланд дид билан, чиройли расмлар билан чоп этилган. Унинг муқоваси, безаги ва асардаги иллюстрация китоб мазмунига тўла жавоб беради. Ўзбекларнинг индивидуал типларини ифодаловчи расмлар нафақат антропологик кўрниши, балки миллатнинг олижаноблик характери, фозил табиатини ифодалайди.

Исо Жабборов 80 ёшини қаршилаш арафасида. Фикримча, республика жамоатчилиги ҳурматли олимнинг ўз халқига кўрсатган хизматларини қадрлаб, табарруқ ёшини муносиб нишонлайди.

**Г. ҲИДОЯТОВ,**  
Ўзбекистонда хизмат  
кўрсатган фан арбоби, профессор



# “АНДИЖОН МАКТАБИ”ДА ЎҚИШ БАХТИ

2007 йил 17 октябр. Бу менинг ҳаётимдаги энг бахтли ва омадли кунлардан бири сифатида қалбимдан абадий жой эгаллаган. Чунки, ўшанда мен, аввалдан ғойибона танийдиган, сермаъно нигоҳи-ю илм нурига тўла қалби билан ўзига ром эта олган, дунёда қанча камтарлик, қанча талабчанлик, қанча изланувчанлик бўлса, барчасини ортиғи билан юрагига жо қилиб олиб, уни шоғирдларига сингдириш ишгиёқи билан яшаётган инсон, меҳрибон мураббий, устоз — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, тарих фанлари доктори, профессор Рустамбек Темирович Шамсудиновни кўриш, у кишининг пурмаъно фикрларини эшитиш бахтига муяссар бўлдим.



Мен профессор Р.Т.Шамсудиновнинг Ўзбекистон тарихининг долзарб муаммоларига, очилмаган қирраларига, совет ҳукумати давридаги зўравонлик билан ўтказилган коллективлаштириш, азобли қулоқлаштириш, ваҳимали сургун, даҳшатли қатагон масалаларига оид асарларини ўқир эканман, Ватанимиз тарихида, халқимиз ўтмишида юз берган даҳшатли, ваҳшиёна, заҳматли, фожеали оқибатлар кўз ўнгимдан ўтаверди. Ўшанда, агарда шу фожеали лаҳзаларни ўқиб туриб юрагим даҳшатга тушган бўлса, бу сатрлар устиди қалам тебратган, бу сатрларни мисқоллаб терган, бу сатрларни не машаққатлар билан саралаганда, бу сатрларни ёзаётганда ёзувчининг қалбидан не ўйлар ўтган, бу сатрларни нашр этаётганда қандай ҳиссиётлар остида қолган экан, деган ўйлар, савол-

лар мени ажаблантирарди.

Энди эса... энди эса мен хурматли устозим профессор Р.Шамсудинов билан ёнма-ён, ҳаттоки битта кафедрада, битта хонада туриб бирга ишлаб, изланиб, фаолият юритмоқдаман. Энг қувонарлики, шу инсоннинг аспирантман. Бу ҳам менга берилган бахт ва омаддир. Зеро, бу каби улуг, баркамол инсон билан ишлаш, бу инсоннинг қалбига йўл топиш, унинг илмий ғоялари, илмий янгиликларидан баҳра олишининг ўзи бир илмий ютуқдир.

“Инсон қалбига йўл — аввало таълим-тарбиядан бошланади. Таълим-тарбия ҳақида гап кетганда ота-оналаримиз қатори биз учун энг яқин бўлган яна бир зот — устознинг олижаноб меҳнатини ҳурмат билан тилга оламиз”. Мухтарам Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг ушбу битиклари остида бир олам маъно-мантқ

бор. Президентимиз ўз сўзини давом этириб: — “Биз юртимизда янги авлод, янги тафаккур соҳибларини тарбиялашдек масъулиятли вазифани адо этишда биринчи галда ана шу машаққатли касб эгаларига суянамиз ва таянамиз, эртага ўрнимизга келадиган ёшларнинг маънавий дунёсини шакллантиришда уларнинг хизмати нақадар беқиёс эканини ўзимизга яхши тасаввур қиламиз”, — деб алоҳида таъкидлайди.

Дарҳақиқат, агар дунё иморатлари ичида энг улуғи мактаб бўлса, касбларнинг ичида энг шарафлиси ўқитувчилик, мураббийликдир.

Ҳали ҳамон эсимда. Мен илк бор Андижон заминига, Андижон Давлат университетига, Ўзбекистон тарихи кафедрасига қалам кўя эканман, қалбимда бу замин илму урфонидан баҳра олиш, одамларнинг таҳсинга лойиқ фазилат-

ларидан ибрат олиш, қолаверса, профессор Р.Шамсутдиновга тадқиқотчи сифатида шоғирд бўлишни мақсад қилган эдим. Кафедра эшикларини очар эканман, юзимга хонадан таралаётган илм зиёси урилганини, у ерда камтарона, атрофи китобу қоғозларга, архив материалларига тўлиб-тошган, ҳақиқат манзараларини ёзгандан қўллари қадоқ бўлган инсонни кўриб, унинг қўлларидан дуо олишга мушарраф бўлдим. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, аспирантуранинг кундузи бўлимига ўқишга кириш учун Навоий шаҳри ҳамда институтда ишлаётганимга қарамай ариза ёзиб, стол устига қўйганимни сезмай ҳам қолдим. Шу-шу Андижон заминиде, бобокалонимиз Мирзо Бобур юртида, илм аҳли орасида, устозим “мактаби”-да изланмоқдам.

Ҳа, профессор Шамсутдинов ўзига хос “Андижон мактаби” асосчисиدير. Бу мактабда ўқиб, уни аъло баҳоларда тугатиш — бу фахр, шарафдир. Зеро, бу мактабнинг мақсади ва бош гоёси — аввало, Ўзбекистон тарихининг долзарб муаммолари бўйича собиқ империя ва ватанимиз худудларидаги турли архивлардан махфий материаллар йиғиш, истеъмолга киритиш, мустабид даврда амалга оширилган коллективлаштириш, кулоқлаштириш, сургун ва қатагон сиёсатлари оқибатида қурбон бўлган, шахид кетган аждоғларимизнинг номларини тарих зарварақларига битиш, Президентимиз таъкидлаганидек, “Ватан ва халқ озодлиги учун жон фидо қилган минг-минглаб юртдошларимизнинг номларини тиклаш, абадилаштириш, улар ҳақида хотира китоблари яратиш”дан иборатдир.

Ҳозирги кунда давлатимиз раҳбарининг қатор қарор ва фармонлари, “Шаҳидлар хотираси” жамғармаси, “Мерос” илмий амалий экспедиция хайрия жамғармаси, “Қатагон қурбонлари хотираси” музейи, Андижон Давлат университети раҳнамолигида профессор Рустам Шамсутдинов ва шоғирд-

лари доцент Э.Юсупов, доцент А.Мамажонов, докторантлар Б.Расулов, С.Ҳошимов, М.Абдуллаев, техника фанлар номзо-ди Ў.Убайдуллаев, катта ўқитувчи М.Акбарова, тадқиқотчилар Э.Дўсमतов, У.Бекимметов, аспирантлар Б.Ботирова, Х.Қурбонов ва бошқалар томонидан ўнлаб асарлар, монографиялар, рисола-лар, архив ҳужжатлари ва мате-риаллари тўпламлари, ўқув қўлланмалари “Шарқ”, “Андижон” ва бошқа нашриётларда дунё юзини кўрди ва ўқувчиларга ҳаво-ла этилди.

Яратилган китобларнинг ил-мий аҳамияти унда битилган ян-гидан-янгиде маълумотлар, истеъмолга киритилмаган ҳужжатлар-нинг акс этирилиши, таҳлил қилиниши, фанга киритилиши-дир. Қолаверса, бу маълумотлар келажакда яратилажак магистр-лик, номзодлик, докторлик дис-сертациялари учун муҳим фактик манба бўлиб хизмат қилади.

Ушбу китобларнинг амалий аҳамияти XX асрнинг 20-30, ай-ниқса, 1937-1938 йилларда амал-га оширилган “Катта террор” дав-рида қатагон қилинган юртдош-ларимиз ҳақидаги маълумотларни топиш, тўплаш, уларнинг авлод-лари билан суҳбатлашиш, топи-лан маълумотларни эълон қилиш ва абадиятга муҳрлаш, пок ном-ларини оқлаш билан белгилана-ди. Қолаверса, айрим юртдошлар-имиз қалбини муҳрланган “ўғри”, “босмачи” “қулоқнинг авлоди”, “бойнинг боласи”, “халқ душманинг фарзанди”, деган тамғаларни истиқлол туфай-лигина “Ватан озодлиги, халқ фар-довонлиги учун қурбон бўлган аждоғларимиз”, деган “нишон” бил-ан алмаштирилди.

Президентимиз, “Бугунги кунда ўз ҳаётини ана шундай маъсулиятли соҳага бағишлаган кўп-лаб истеъдод соҳиблари юр-тимизда янги ҳаёт, янги жами-ятнинг маънавий асосларини му-стаҳкамлаш, комил инсонни тар-биялаш йўлида муносиб ҳисса қўшиб келмоқда”, деганда про-

фессор Шамсутдиновдек мураб-бийларни, устозларни назарда тутган бўлса ажаб эмас.

Рустам Шамсутдинов олий таълимда тарих фанини ўқитиш-ни такомиллаштириш, юқори ма-лакали илмий кадрлар тайёрлаш бўйича ҳам улкан ишларни амал-га оширмоқда. Унинг ташаббуси ва елиб-югуриши натижасида Ан-дижон Давлат университети Та-рих факултети қошида “Истиқлол ва тарих” Илмий семинари фао-лият кўрсатмоқда. Ушбу семинар-ларда ёш олимларнинг янгидан-янги диссертациялари, моногра-фиялари, китоб ва рисолалари му-хокама қилиниб, “оқ йўл” бе-рилади.

Р.Шамсутдинов республика миқёсида катта жамоатчилик иш-ларини ҳам олиб бормоқда. Халқ-имизнинг энг сеvimли журнали бўлган “Гулистон” журналининг таҳририят аъзоси сифатида унинг мазмунини янада бойроқ қилиш-да ўзининг самимий маслаҳатлар-ини бериб, журнал саҳифалари-да тарихнинг долзарб муаммола-рига бағишланган мақолалар, фикр-мулоҳазаларини эълон қилиб келмоқда.

Пойтахтимизда Юртбошимиз ташаббуси билан очилган ва ҳозирда қайтадан тўлдирилиб ян-гиланаётган “Қатагон қурбонла-ри хотираси музейи”нинг экспо-натлар билан жиҳозланишида профессор Р.Шамсутдинов ўз шо-ғирдлари билан фаол иштирок этди ва унинг талайгина матери-аллари музей пешқоқларидан жой эгаллади.

Бу фикрлар профессор Рус-там Шамсутдинов илмий ва амал-ий фаолиятининг айрим қир-раларини қамраб олади, холос. Лекин шу фикрларнинг ўзиёқ унинг миллий маънавиятимиз-нинг юксалиши йўлида қанча-лик улкан ишларни амалга оши-раётганига гувоҳлик бера олади, деб ўйлайман.

Хурийд ҚУРБОНОВ,  
Андижон Давлат  
Университети аспиранти

# Янги ур чолғуси

Инсоният яралганидан бери доимо бир-бири билан маданий мулоқотда, иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий алоқада бўлиб келган. Бошқа мамлакатлар билан алоқалари узилган давлат ёки миллат маданият, тафаккур, таълим, musiқа ва бошқа соҳаларда орқада қолган. Одамлар ўзаро фикр алмашиб, тажрибасини баҳам кўриб бугунги кундаги ривожланиш ҳолатига етиб келди. Бу фикр-мулоҳазалар маданият ва musiқа соҳасига ҳам тааллуқлидир. Musiқа шундай бир илохий қудратки, у инсонларни руҳий бошқара олади ва уларга кучли таъсирини ўтказишга қодир. Musiқани ҳосил қилишда муҳим ўрин тутан чолғу созларининг ўрни алоҳида аҳамиятга эга. Чолғуларнинг ихтиро қилиниши инсониятнинг энг буюк кашфиётларидан бири бўлиб, инсон тарбиясида муҳим омил ҳисобланади. Инсонлар musiқий чолғулар воситасида ўз фикр ва мулоҳазаларини, яъни дарду қувонч каби туйғуларини ифодалашга ҳаракат қилганлар.

Республикамизда мустақиллиги туфайли турли соҳаларда бўлгани каби илм-фан ва санъатга бўлган интилиш янада юксалиб, миллий чолғуларимизга бўлган эътибор кучайди. Musiқа санъатимиз ёш авлодни тарбиялаш ва musiқа шинавандаларининг маънавий дунёқарашини шакллантиришда муҳим мавқега эга. Бу борда халқимизнинг маънавий бойлиги бўлмиш musiқа чолғуларини ўрганиш, талқин қилиш ва келажак авлодга етказиш муқаддас бурчдир.

Бизга яхши маълумки, қайси миллат ёки халқнинг маънавий пойдевори мустақкам бўлса, ўша ерда маданият ривож топади. Ҳар бир халқ ўзининг миллий musiқа меросини сева, уни муносиб тарзда ўзлаштирса ва қадрига етса, ўзга халқлар санъатини ҳам баҳолай олади. Ўзбек халқининг musiқа маданиятида миллий чолғулар ўзининг ранг-баранглиги ва мукамаллиги билан алоҳида ўрин тутлади.

Республикамизда, жумладан, уд чолғуси бўйича ижрочилик санъатини таълим жараёнига татбиқ этиш, уни янги поғонага кўтариш, musiқа дунёсининг дурдона асарларини кенг орасида тарғиб этиб, чолғучилик санъатини ривожлантириш ҳамда ва моҳир созандаларни тарбиялаш борасида муҳим амалий ишлар кўзга ташланмоқда.

Халқ чолғуларини таъмирлаб тақомиллаштириш мақсадида, 1960 йилларда Тошкент Давлат консерваторияси musiқа чолғулари лабораториясида профессор А.И.Петросянц бошчилигида усталар А.Абдугофуров, С.Муҳиддинов, К.Оганесян, Н.Рнохинлар томонидан уд сози дастасига пардалар боғланган.

Бу чолғу ҳозирда Ўзбекистон давлат консерваторияси музейидан жой олган. Сўнгги йилларда уд созида musiқа ижро этиш янада оммалашиб борди. Ҳозирги кунда уд сози musiқа ва санъат коллежлари, лицейлари, консерватория ва Маданият институтида чолғу син-



фи сифатида ўқув жараёнига киритилган.

Эндиликда ул сози ўзининг ёқимли оҳанги билан халқ чолғу ансамбллари қаторидан мустақкам ўрин эгаллади ҳамда яккахон ижро этидиган чолғу сифатида янада кенг қўлланила бошлади.

Ўзбекистон Давлат консерваториясида ул синфи 1968 йилда очилган. Дастлаб, ушбу чолғуда С.Тахалов дарс берган. Ҳозирда “Анъанавий ижрочилик” кафедрасида профессор Рифатилла Қосимов, “Халқ чолғулари” кафедрасида доцент Зулхорбек Туропов талабаларга ул чолғусидан сабоқ бериб келмоқда.

Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институти “Халқ ашула ва рақс ансамблига раҳбарлик” ва “Чолғу жамоаларига раҳбарлик” кафедраларида ул синфи 2005 йилда очилган бўлиб, ул чолғуси бўйича Орифжон Ҳакимов талабаларга таълим беради.

Ҳамза номидаги мусиқа коллежи “Анъанавий созандалик” бўлимида Шерзод Кенжаев ул чолғуси бўйича ёш ўқувчиларга дарс бериб келмоқда.

Андижон санъат коллежида анъанавий йўналишдаги ул синфи мавжуд бўлиб, ўқувчилар ул чолғуси сирларини пухта ўрганиб келмоқда.

Бухоро санъат коллежи “Анъанавий ижрочилик” бўлимида Шоди Шарипов дарс бермоқда.

Шунингдек, Фарғона санъат коллежида ҳам ул синфи мавжуд.

Ёш авлоднинг иқтидорли, истеъдодли бўлиб камол топишида, уларни ўзбек миллий ҳамда жаҳон муамтоз мусиқа санъатининг ноёб дурдоналари билан таништиришида мусиқа ва санъат мактаблари ўз ўрни ва нуфузига эгадир. Шу маънода Республикаимиз президенти И.Каримовнинг “Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустақкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида”ги қарори бу борада айни муддао бўлиб, болалар мусиқа ва санъат мактабларини ривожлантиришга қаратилган ишларни янада юқори даражага олиб чиқишига шубҳа йўқ.

Ушбу қарорга асосан, яъни болалар мусиқа ва санъат мактабларига эътиборни кучайтириш борасидаги фикрларга таяниб, мусиқа ва санъат мактабларида ул чолғусини ўргатиш анча мураккаблигини инобатга олиб, Ўзбекистон Давлат консерваторияси қошидаги “Миллий чолғу” илмий-ишлаб чиқариш экспериментал лабораториясида сақланаётган № 1595-сонли ул чолғуси асос қилиб олинган ҳолда уста Козимжон Низомиддинов ҳамкорлигида пардали ул чолғуси яратилди. Ушбу пардали улда ижро этиш ва уни ўрганиш бошланғич мусиқа ва санъат мактаблари, лицейлар, мусиқа ва санъат коллежлари ўқувчилари учун анча қулайдир. Умида Тошматова раҳбарлик қилаётган Юнусобод туманидаги 13-болалар мусиқа ва санъат мактабида илк бора болаларга тажриба сифатида пардали ул чолғуси бўйича сабоқ бериш кенг йўлга қўйилди. Бу хайрли ишларнинг барчаси мустаққиллигимиз шарофатидандир.

Тоҳир ЙЎЛДОШЕВ,  
Абдулла Қодирий номидаги  
Тошкент Давлат маданият  
институти профессори

دوستدار

موسیقی

Узоқни кўзлаганда  
кўзингга қараб юр, қоқилиб  
кетишинг мумкин.

\*\*\*

Ўзингни бозорга солаверма,  
сотилиб кетишинг мумкин.

\*\*\*

Бургани “тақалаган”  
устаи — замон,  
Нина тешигидан ҳам  
ўтар соғ-омон.

\*\*\*

Йўлбарсни томоша  
қилиш мароқли,  
фақатгина бўлса у  
қафасда қўлфлогли.

\*\*\*

Хусн ва бойлик қаватма  
— қават,

Гоҳида бахт-култирар, гоҳида  
— кулфат.

\*\*\*

Ҳеч қачон ушалмас орзу бу  
шоирлар орзусидир.

Шаркнинг буюк алломалари Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоий эътиқоидига кўра, мансаб мартабага кўнгил боғламаган киши оқилдир, олийҳимматдир.

Мансабга бепасандлик, амал курсисидан ўз ихтиёри билан воз кечиб ёки мансаб таклиф қилинганда уни чин кўнгилдан рад эта олиш — саховат. Саховат эса химмат аҳлининг касбидир ва бу улғу сифат покиза кишиларга хосдир: Алишер Навоий “Махбуб ул-қулуб”да «Химмат аҳлигадур саховат ихтисоси ва бу икки шариф сифат — валоят хоси» дейди. «Валоят» сўзи валийлик, авлиёлик, азизлик, худога яқинлик маъноларига эга.

Кўринадики, Алишер Навоий нафси озурда тутган, қаноатли, мансабу амал ҳирсидан озод, «молу жоҳ хаёли риштасини кўнгилдан узган» кишини валийлик мақомига кўтариб, мадҳ қиладилар. Шундай талқин Алишер Навоийнинг қатор насрий асарларида кузатилади. Алишер Навоий даврининг доврўқли воизи Мавлоно Муиннинг акаси Мавлоно Низомиддин ҳақида «Мажолис ун нафоис»дан ўқиймиз: «Ва оғаси Мавлоно Низомиддинким, до-нишманд ва муттақий ва дарвеш ани деса бўлурким, икки қатла Ҳирий шахрининг қазо-син таклиф била анида бердилар. Иккаласи қатла ўзин азл қилди. Умид улким, бу қатла қабул қилгай ва азл (рад — Ш.Х.) қилмагай». Алишер Навоий икки марта Хуросон давлатининг пойтахти Ҳирот шахрининг қозилик лавозимини рад қилган Мавлоно Низомиддиннинг учинчи марта бу таклифга рози бўлишини чин қалбдан истайди. Нега?! Чунки йирик давлат ва жамоат арбоби, қатта ҳаётий ва амалий тажриба соҳиби Ҳазрат Навоий наздида айнан шундай мансабни яхши кўрмайдиган, муттақий, донишманд ва дарвештабиат кишилар ҳокимиятни бошқарса, мамлакат равнақ топади, эл-улус фаровон яшайди.

Одатда, бундай кишилар кўнгли қаттиқ, шафқатсиз, қамчисидан қон томадиган амал-параст кимсалардан тўбдан фарқли равишда виқорли ва ҳилмли бўладилар.

Мансаб севгиси одами тошюрак қилиб қўяди. Амал кетидан елиб-югуриш, уни муҳофаза қилиш ва умрини чўзиш, яна қаттароғига кўтарилиш орзуси инсонни беҳалолат, айрим ҳолларда дағал ва газабкор қилиб, юз куйга солади.

Мансабга ҳирс қўйишдан тийилган инсон эса амал курсисиде ҳам ботамкин ишлайди. Чунки бундай киши учун амалдорлик ва амалсизликнинг оғирлик ва енгиллиги бирдак. Аниқроғи, мансабдорликдан кўра, мансабсизлик маъқулроқ. Кўнгилда молу жоҳ хаёли йўқлигидан қалб таскин топиб, руҳ ҳузур ҳаловатга тўлади: Ҳадисда таъкидланганидек, «Дунё муҳаббатини кўнгилдан чиқаринг дилга роҳат беради. Дунёга кизиқиш эса ғам ва ташвишни кўпайтиради, тошбағир қилади». «Мажолис ун-нафоис»нинг тўртинчи мажлисидан ўқиймиз:

«Мир Сарбараҳна — Туркистондир. Хуш таъб ва хуш машраб ва хуш сўҳбат ва ширин қалом кишидур. Атиқ ул-рахмон Шайх Луқмон (қуд-диси сирриху) мазорида йигирма йилга яқин шайх ва мутавалли эрди. Йил бўлдиким, юз минг, юз эллик минг олтунга яқин анинг авқофидин ҳосил қилиб андоқ масрифига еткурдиким, худо ва халқи худо қошида муст-тахсан тушуб ҳеч киши ҳеч навъ айб топа олмади. Сўнгра худ

# РУХ,

а

а

л

о

в

а

т

и

садорат масканида мутаммаккин бўлуб, улви химматдин андоқ олий мансабдин ўз ихтиёри била истефо қилди» (115).

Шон-шавкат қидириб ўзини ўтга-чўққа урадиган, мансабга эришиш учун турли фитна-фасод, нарх-наво, воситачи-ҳомийларни ишга соладиган айрим кимсалар учун қанчалик ибрат бор ажодларимиз ҳаётидан келтирилган бу лавҳаларда!?

«Хамсатул-мутаҳаййирин»да маълумот берилишича, Алишер Навоий Хуросон давлатига қарашли Андхуд ноҳиясида экан, Абдурахмон Жомийдан мақтуб олади. Улуғ дўстнинг Навоийга меҳру муҳаббат билан тўлик нома-си куйидаги қитъа билан хотима топган эди:

*Зийрак у кишики, дунё харобасида,  
Сирлар хазинасининг эшигини қоқайди.  
Қисқа (умрли) мансабни оёқ остига ташлаб,  
Қўли узун давлатга (яъни иждоий ишларга) уради.  
(Порсо Шамсиев таржимаси).*

Муршиди комил ҳақ. Ҳар қандай мансаб ҳам абадий эмас. Шундай экан, Ҳазрат Навоий таъкидлаганларидек, «Ҳар неким бебақодур, анга кўнгул боғламоқ хатодур».

Авлодларнинг бахтиёр ҳаёти, башариат истиқболи учун хизмат қила оладиган ишгина боқийдир.

Шахсий гаразлар қолипни синдириб, эл-улус иши учун курашаётган, тафаккури ва орзу-истаклари миллату мамлакат тақдирини билан уланган инсон баркамолдир.

Шавкат ҲАЙИТОВ,  
Бухоро Давлат Университети ўзбек  
адабиёти кафедраси доценти

# КОМПЬЮТЕР ЛИНГВИСТИКАСИ

Фан ва техника жадаллик билан ривожланаётган айти шу пайтларда глобаллашув, илгор педагогик ва ахборот технологиялар кенг жорий этилаётган соҳаларда, айниқса, тилшуносликда ҳам янги-янги муаммолар ўртага ташланмоқда. Ҳозирги вақтда жаҳон миқёсида кечаётган интеграция ва глобаллашув жараёнида ўзбек тилини дунёвий тиллар даражасига олиб чиқиш ҳаётий заруриятлардан бири бўлиб қолди. Ушбу мақсадни амалга оширишда компьютер технологияларига, хусусан, компьютер лингвистикасига бўлган эҳтиёж яна ҳам ортиб бормоқда. Чунки айнан КЛ ўзбек тилини жаҳон миқёсига олиб чиқишда, ўзбек тилининг ҳам дунёвий тиллардан бирига айланиши, уни ўрганиш ва ўргатиш ишларининг такомиллашуви учун зарур имконият яратади. Шунинг учун мустақиллик

йилларига келиб мамлакатимиз олий ўқув юртлири филология факультетлари ўқув режаларига “Компьютер лингвистикаси” деб номланган ўқув фани киритилди.

КЛнинг ўзи нима, унинг асосий мақсад ва вазифалари нималардан иборат? КЛнинг асосий мақсади лингвистик масалаларни ечишнинг компьютер дастурини ишлаб чиқиш ва уларни ҳаётга татбиқ этишидир.

Ҳозирги кунда КЛ тилшуносликнинг мустақил бўлими бўлиб, компьютер ёрдамида матнларга ишлов бериш билан боғлиқ кўпгина мураккаб вазифаларни бажариш учун хизмат қилади. Бу соҳа учун муҳим бўлган асосий вазифалар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

а) тил (она тили ва чет тиллари) ўқитишнинг оптимал усулларини аниқлаш ва уни ҳаётга жорий этиш;

**Я**йдок кенгликлар туғаб, қишлоққа кираверишда яп-янги автобус катта йўл ёқасида пишиллаб тўхтади. Ундан фақат бир киши — шаҳарча пўрим кийинган, йўл сумкасини эгнига ортмоқлаган йигит тушди.

Йўл чеккасидан шабадада майин дуррасини елвиратганча яёв кетаётган ёшгина жувон автобус тўхтаган томонга боқди. Дафъатан тушиб қолган йўловчинини танимади, кейин эса нигоҳидан ўт чақнади. Қадамлари на тезлашди, на сустлашди. Сиртдан қараганда энгил одимлаб кетаётгандай кўринса-да, унинг барча галаёни кўнглида кечаётган эди, юрагига тош осилгандай бамисли.

Кутлуғ ҳам автобусдан туша солиб уни учратаман деб ўйламаган эди. Бир муддат унинг ортидан тикларкан, хотиралар кўз ўнгидан титкилангандай бўлди.

Сулув билан улар бир маҳаллада катта бўлишган, бирга мактабда ўқишган, бирга қатнашган, болаларга хос жанжал-

лашиб ҳам туришган, албатта. Бироз бўйлари чўзилгач эса, орзулар осмонига ҳам бирга бўйлашадиган бўлишди. Икковлон шаҳарга ўқишга боришни, яхши ишларда ишлашни мақсад қилиб юришди. Қиз кўз ўнгида эканига қарамай, Кутлуғнинг ўй-хаёли доим у билан банд бўлиб қолди. Шундай кунларнинг бирида синфга янги ўқувчи келди. Янги ўқувчилар ўзи одатда синфдошлар диққатини тортади. Бирок бу шаҳарлик олифта икки ҳисса кўпроқ эътиборни тортаётганга ўхшарди. Қизларни-ку гапирмаса ҳам бўлади. Аммо бу Талъат деганларининг “муборак” назари Сулувга тушган кўринади. Нуқул унга гап қотади денг. Бу ҳам майли, Сулувнинг у билан гаплашганда эврилишиничи. Бунга энди чидаб бўлмасди. Кутлуғ хар гал бу мавзуда сўз очса, қиз “ҳеч гап йўқ” дейишдан нарига ўтмасди. Шунга қарамай бирор чорасини кўришни дилига тугди.

Кунларнинг бирида Сулув катта йўлдан уйига қайтаркан, Кутлуғ

изидан етиб олди. Бугун кўнглидагини рўйи-рост айтади. У ёқ-бу ёқдан гаплашиб кета туриб бирдан жойида таққа тўхтади.

— Сулув, — деди дабдурустан. Сулув томон юзланди. Тараддудланиб бироз жим қолган Кутлуғнинг нима демоқчилигини англади. “Гапирмагани маъқул”, ўйлади қиз. Унга жавоби тайин. Бирок бу жавоб унинг кўнглига озор етказиши мумкин.

— Ие, — деди қиз йўл четига бурилганча узоқлашаркан, — қара, янтоқ гуллабди, бирам нафиски! — гўё янтоқ гуллаганини энди кўраётгандай.

— Ха, — деди хўрсиниб Кутлуғ, қизнинг суҳбатдан атай чалғийганидан, — жуда нафис, фақат тиконларга обдон ўралиб олган... Сулув, гаплашиб олишимиз керак.

— Кераги йўқ Кутлуғ, кераги йўқ. Қиз йўлида давом этди, суҳбат узилиб, йўлнинг у ёғига жим кеттиди.

Вақт ўтиб борар, аммо бу Кутлуғнинг фойдасига эмасди. Олифта Талъат билан Сулувнинг

- б) билимларни текшириш (баҳолаш);
- в) матнларни турли жиҳатдан автоматик таҳрир-лаш;
- г) машина таржимаси учун мўлжалланган дастурларни ишлаб чиқиш;
- д) лугатни ҳамда компьютердаги ҳар қандай матнни лингвостатистик таҳлил қилиш, шу асосда алфавитли-частотали, частотали, чаппа лугатлар, ўқув лугат-минимумлар яратиш, конкорданселар тузиш ва ҳоказо.

Қўринадика, катта ҳажмдаги ахборотни қайта ишлаш зарурияти КЛни яратган. Буларнинг ҳар бири ҳозирги кунга келиб КЛнинг ўзига хос йўналишлари, соҳалари сифатида ривожланмоқда.

Агар биз бу йўналишларнинг моҳиятига чуқурроқ кириб борсак, филолог талабаларга унинг моҳиятини чуқурроқ сингдирсак, ўзбек амалий тилшунослиги учун нақадар ҳаётий зарур иш қилган бўламиз.

Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат университети “Ўзбек тилшунослиги” кафедрасининг профессори, филология фанлари доктори Бекмурод Йўлдошевнинг яқинда нашр этилган “Компьютер лингвистикаси” асарида ана шундай муҳим масалалар ўзининг содда ва илҳам баёнига эга. Маълумки, инсон ўз фикрини оғзаки ёки ёзма шакллантиришда турли грамматик ва лексик воситалардан фойдаланади, у ўз нутқида фразеологизм, ҳар хил иборалар, баъдий тасвир воситаларини қўлайди, яъни бу жиҳатдан ҳар бир инсоннинг нутқи ўзига хос ва тақдорланмас хусусият-

га эга. Аmmo ахборот ва технологиялар асри бўлган XXI асрда компьютер услуби учун бундай воситалар бир оз ортиқчалик қилади, яъни баъдий услубнинг вази-фавий жиҳатдан кенглиги бутунга кун талабларига, хусусан, компьютер услуби талабларига унчалик жавоб бермайди. Чунки компьютер ёрдамида маълумот узатишда қисқалик, лўндалик, қолипчилик зарур. Биз ўзбек тилининг барча имкониятлари, маъно бойлиги, асрлар давомида шаклланган лугат захираси, унинг гўзаллиги Арабша Навоий ҳазратлари таъкидлаганидек, бошқа тиллардан устун жиҳатлари билан ҳақли равишда фахрланамиз. Аmmo компьютер услубида баъдий тасвир воситаларига, турли нутқий жиҳодлар ва ўзига хос ибора ва окказионализмларга ўрин бўлиши мумкин эмас.

Компьютер услуби жаҳон андозалари талабларига монанд ҳолда фикрни аниқ, қисқа, лўнда, компью-терда қайта ишлашга мослаштирилган бўлади. Шундай услубни яратмас эканмиз, мамлакатимиздаги турли идора ва муассасаларда ўзбек тилида тўлиқ иш юри-тишга ўта олмаймиз. Бизнингча, баъдий услуб билан боғлиқ ҳолда компьютер услубини ҳам мактабларда, лицей ва коллежларда ўқитишни бошлаш зарур. Шунда ўқувчилар ҳам ўзлари учун оптимал бўлган вариан-тни танлаб олиш имкониятига эга бўладилар: қайси-дир ўқувчи ҳаётий эҳтиёжлари асосида санъат услуби-ни, баъдий услубни, бошқа ўқувчи эса компьютер услубини чуқурроқ ўрганган.

Хуллас, Бекмурод Йўлдошевнинг “Компьютер лин-

# Янтоқ гули

(кичик ҳикоя)

муносабатлари кун сайин илик-лашиб бораётган эди. У Сулувни бир куни ёлғиз учратиб қатъий деди:

— Уни яхши билмайсан. Сени унга бериб қўлмайман.

— Тагин нима, — деди қиз унга тикилиб, — ўзингни ким деб ўйлаясан, дўст эканми деб қандай яшашни ҳам ўргатасанми энди?

— Демак, биз дўстмиз, унда у ким?

— Уми... — қиз индамади, сумкасини силкитганча орқасига ўгирилиб кетди. Шу кетганча ораларидан гап қочди. Мактаб-ни тугатиш арафасида эса им-тихонлардан кейин иккаловининг тўйлари экан деган гап тар-қади ва бу ҳақиқат бўлиб чиқ-ди. Аълога ўқиган қизнинг ой-

дин орзулари шу ергача бўлди.

\*\*\*

Қутлуғ шаҳарга ўқишга ёлғиз кетди. Талаба бўлгач, таътил пай-ти ора-сирада келиб турди. Улар-ни деярли учратмади, буни хоҳ-ламасди ҳам. Тальятнинг даст-лабки йили қайсидир олийгоҳга ўқишга кирганини, кўп ўтмай ўқишни ташлаб қайтганини-ю ҳозир ҳам қишлоқда тайинли бир-ор иш қилмаётганини шу ерга келиб эшитди.

Сулувнинг эса Қутлуғ олийгоҳ-ни тугатиб йўлланма бўйича қўшни вилоятдаги заводда ишла-ётгани, унга ўша жойдан доимий ишлаш учун яхшигина иш таклиф қилишгаётгани қулоғига чалинган эди. Уларнинг қишлоқлари қўшни вилоят билан шундоққина чега-радош.

Қутлуғ собик курсдоши, ҳозирда сода заводидида ўзи би-лан бирга ишлаётган қизга яқин орада уylanаркан. Онасига “энди багрингизга қайтамиз, заводга ўйдан қатнаб ишлайвер-раман. Қишлоқдан ҳам ишхонам бир қадам” деганмиш.

“Ҳа, бир қадам, — деди Су-лув ўзига-ўзи. Бир пайтлар уларнинг оралари ҳам бир қадам эди. Қандай авайлаб-ас-рарди уни Қутлуғ. Шу Тальятни деб барча орзуларидан воз кеч-ди, у эса хануз таралабедод қилишдан бўшамайди. Муҳаб-батдан кўр кўз очиларкан, фа-қат жуда кеч...”

Унинг хаёллари пароканда эди ушбу кез...

Ширин СОБУРОВА

гвистикаси” асарида тўғри таъкидланганидек, ўзбек тилининг компьютер услуби яратишнинг асосий мезонлари сифатида қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- а) аниқлик, қисқалик, лўндалик, бир қийматлилик;
- б) жаҳон андозалари талабларига мос келиш;
- в) барча учун бирдек тишунарлилик (муайян бир фикрнинг умум томонидан объектив қабул қилиниши);
- г) турли бадиий тасвир воситаларидан холилик (шу жумладан, синонимлар, уларнинг турли вариантлари ҳам компьютер услубига киритилмайди, фақат синонимик қаторларнинг доминантаси танлаб олинади.

Кўринадики, ўзбек тилининг компьютер услубини яратиш ҳаётимизда инқилобий ўзгаришларнинг юз беришига асос бўлади. Зеро, компьютер услуби айнан КЛ бўйича мутахассислар, компьютер дастурчилари ва филологлар ҳамкорлигида яратилади. КЛнинг ижобий жиҳати ҳам айнан шунда кўринади. У филолог ва компьютер мутахассисларининг бирга, ҳамкорликда ишлашнинг тақозо қилади.

Тошкентда ёки Самарқандда наридан бери ёзилган, ўзбек тилининг ички қонуниятларига, сўзларнинг бирикувчанлик хусусиятига тўғри келмайдиган жумлалар, имловий хатоларга тўла рекламалар кўпайиб кетган. Уларни қим яратмоқда? Ўзбек тилини чала-чулла билладиган мутахассислар яратишмоқда. Уларни назорат қилиш, рекламаларни саводли, тишунарли қилиб яратиш ва шу орқали моддий манфаатдорлик кўриш қўлимиздан келмайдими? Тилшунослар ўзбек тилининг

фақат назарий жиҳатларини тадқиқ қилишдан бир оз чекланиб, унинг амалий томонларига ҳам катта эътибор беришса, максалга мувофиқ бўлади. Қуруқ назарий фикрларга тўла тадқиқотларни салгина чеклаб, халқимиз учун фойда келтирадиган компьютер дастурлари — матнларни тахрирлаш, автоматик таржима қилиш, тилларга ўргатиш каби дастурларни ишлаб чиқишда фаол иштирок этишлари лозим, деб ўйлаймиз. Зеро, бу ишларни амалга оширишда компьютер дастурчилари лингвистик таъминга жуда катта эҳтиёж сезадилар. Уни эса филологлар, аниқроғи, тилшунослар, шу соҳанинг етакчи билимдонлари яратиб беришлари зарур. Кўринадики, КЛ тилшунослар учун ҳам маънавий, ҳам моддий бойлик манбаидир.

Ўқорида саналган долзарб вазифаларни ҳал қилиш, яъни ўзбек КЛ сини янги йўналишларда ривожлантириш мақсадида ЎЗМУ компьютер технологиялари мавжуд факультетларида 2001 йилнинг сентябрида КЛ лабораторияси ташкил этилган эди. Лабораторияда ўзбек тилининг математик ва компьютер моделларини яратиш, ўзбекча матнларни тахрир қилиш, инглизча-ўзбекча ва ўзбекча-инглизча компьютер таржима дастурларини ишлаб чиқиш бўйича илмий ва амалий дастурлар асосида муайян база яратилган ҳолда КЛ бўйича кадрлар тайёрлашга ўтилди. Лаборатория аъзолари ўзбек, рус, инглиз, турк тилларини мукамал билувчи ёш, изланувчан кадрлардир. Бугунги кунда ЎЗМУнинг ўзбек ва хорижий филология факультетларида КЛ алоҳида ўқув фани сифатида ўқитилмоқда. Бу лабораторияда

## Мабуат мактаби



Май ойида боғлардаги катта ариқ бўйида ўсган дарахтларда аjoyиб куш овозини эшитиб қоласиз. Худди кимдир най чалаётгандай туюлади. Бирдан шу овоз эшитилаётган жойдан бошқа ёқимсиз товушлар таралади, қулоңгизини бекитиб олсангиз ҳам фойдаси бўлмайди, гўё думи босиб олинган мушукнинг овози. Бу икки хил товушни бир куш чиқаради — Зарфалдок.

Кизиқ, қандай куш экан у?! Аммо уни кўриш осон эмас — у ҳар доим қалин барглار орасига яширинади. Ҳатто бу куш жанубдан учиб келадиган бошқа кушларга қараганда анча кечроқ — дарахтлар қалин барг ёзиб, улар орасига бекиниш мумкин бўлган пайтларда учиб келади. Бироқ бу кушчани кўриб қолсангиз, унинг нега қалин барглар орасига яширинишини билиб оласиз. Унинг ранг-баранг патлари товланиб, кўзга аяқол ташланиб туради. Шунинг учун ҳам улар ўзларини кўздан панорак туттишади.

Зарфалдоқлар ўз уяларини дарахтларнинг ингичка айри шоҳларига моҳирлик билан уя-саватча шаклида ясайдилар. Уяга пат тўшаб, устидан ўша дарахт рангига мос пўстлоқ ёпишади.

Майнинг охири ёки июннинг бошларида уяда 4-5 та тухум пайдо бўлади. Сийрак қора ёки жигар ранг холи бу тухумларнинг пўстлоғи ок, ўзи нотўғри шаклда бўлади.

Зарфалдоқлар жуда фойдали куш. Улар боғ ва ўрмонлар учун зарарли бўлган, лекин бошқа паррандалар ёқтирмайдиган захарли сертук капалак куртлари, дарахтларда яшайдиган кўнғизлар, қандалалар ва чигиртка билан озиқланади.

НИГИНА

лингвистикага доир масалалар билан бир қаторда адабиётшуносликнинг компьютер билан ҳамкорликдаги вазифалари: бадийи асарни рефератлаштириш, “дунё компьютер кутубхонаси”ни яратиш, асарларни тартибга солиш, жойлаштириш, топшига оид тадқиқотлар ҳам амалга оширилмоқда. Бундай лабораторияларда нафақат компьютер тилшунослиги, балки компьютер адабиётшунослигига оид ишлар ҳам олиб борилмоқда. Бизнингча, худди шундай лабораторияларни, математик ва компьютер лингвистика кафедраларини мамлакатимизнинг бошқа олий ўқув юртларида, жумладан, СамДУда ва СамДЧИТда ҳам ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Чунки бундай кафедралар ҳозирги вақтда мамлакатимиздаги барча олий ўқув юртларининг филология факультетлари ўқув режаларига киритилган “Компьютер лингвистика”, “Олий математика”, “Матнни ўрганишнинг лингвостатистик методлари”, “Лингвостатистика”, “Компьютер лексикографияси” сингари ўқув предметлари ва ихтисослик фанларидан дарс беришни, маъруза матнлари ва ўқув қўлланмалари яратишни ҳам ўз зиммасига олган бўларди.

Маълумки, 2003 йилда ЎзМУ томонидан тuzиладиган 52220100-филология (ўзбек филологияси) таълим йўналиши бўйича ўқув дастурларига “Математик ва компьютер лингвистикаси” фани ҳам киритилган эди. 2006 йилдан бошлаб бу фан “Компьютер лингвистикаси” деган ном билан ўқув дастуридан ўрин олди. Бу янги фан бўйича I-курс талабаларига 28 соат маъруза ва 40 соат амалий машғулотлар ўтказиш мўлжалланган.

Мамлакатимизда ана шу фан бўйича ўзбек тилида ўқув-услубий қўлланмалар тузиш ишлари эндигина бошланди. СамДУ профессори Б.Йўлдошев ана шу фандан беш йилдан буён талабаларга машғулотлар ўтказиб келади. Ана шу машғулот материалларини умумлаштириб, профессор Б.Йўлдошев яқинда “Компьютер лингвистикаси” номи услубий қўлланмани нашр эттирди.

Услубий қўлланма 118 бет ҳажмга эга бўлиб, “Кирриш”, “Математик ва инженер лингвистикаси тарихидан”, “Математик мантиқ элементлари”, “Мулоҳазалар алгебраси ҳақида тушунча”, “Конъюнкция ва дизъюнкция амалларининг тилдаги ифодаси”, “Формулалар. Тенг кучли формулалар”, “Мулоҳазалар ҳисоби”, “Предикатлар мантиқи”, “Алгоритмлик назарияси”, “Математик лингвистикаси ва унинг асосий методлари”, “Тўпلامлилик ва унинг қўринишлари”, “Автоматик таҳлил методи”, “Компьютер тилшунослигида матни автоматик таҳрир қилиш учун яратилган дастурлари ҳақида”, “Тил ўқитишда компьютерлардан фойдаланиш муаммолари”, “Ўзбек лингвистик автоматини яратиш муаммолари”, “Компьютер лингвистикасининг келгуси вазифалари ҳақида” каби мавзуларни ўз ичига олади. Ҳар бир қисмда мавзулар содда, ихчам тарзда баён қилинади, конкрет мисоллар келтирилади ҳамда бу мавзун янада мустаҳкамлаш учун зарур бўлган назорат саволлари ва илмий адабиётлар рўйхати келтирилади.

Суннатулла РИЗАЕВ

## СЎЗ ВА ИШ БИРЛИГИ


**Президентимиз ташаббуси билан 2009 йил юртимизда “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” деб эълон қилинди. Асосий мақсад қишлоқ инфратузилмасини янада ривожлантириш, уй-жойлар, йўл ва коммуникация тармоқларини қуриш ҳамда янгилаш, аҳолини ичимлик суви, табиий газ билан таъминлашни яхшилаш, одамлар саломатлигини муҳофаза қилиш, лўнда қилиб айтганда, қишлоқ аҳлининг турмуш тарзини юқори даражага кўтаришидир.**

Қуйи Чирчиқ тумани хусусий амалиёт билан шуғулланувчи идора томонидан қишлоқ аҳолисининг онги ва фуқаролик масъулиятини ошириш бўйича ҳуқуқий тарғибот ишлари, амалий ёрдам кўрсатиш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Туманда фаолият кўрсатаётган 600 дан зиёд фермер хўжалиқларига ҳуқуқий ёрдам кўрсатилиб, уларга тушунарсиз бўлган саволларга жавоб берилиди, дала шийпонларига бориб, улар билан давра суҳбатлари ўтказилади. Ҳозирги кунда жуда кўп учраётган ҳоллар фермер хўжалик раҳбарлари соғлиги ёмонлашганлиги сабабли, яшаш жойини ўзгартирган ёки яна бошқа сабабларга кўра фермер хўжалиги бўйича раҳбарликни бошқа шахс-

га ўтказиш бўйича мурожаат қилганларида, уларга Ўзбекистон Республикаси “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонуннинг 21 моддаси тушунтирилади. Шу сабабли фермер хўжалиги раҳбарлари вафот этмагунга қадар хўжаликни, хўжалик мулкни бошқариш ҳуқуқини бошқа шахсга ўтказишга йўл қўйилмаслиги, мабодо фермер хўжалик раҳбари касал бўлса ёки меҳнат таътилига чиқса, хўжаликни вақтинча бошқариш учун бошқа шахсга нотариал тартибда тасдиқланган бир марталик ишончнома бериш мумкинлиги тушунтирилади.

Туманда болаларнинг бўш вақтларидан унумли фойдаланишлари ва жисмонан соғлом бўлиб улғайишлари учун “Тошовул” қишлоқ фуқаролар йиғини худудида болалар спорт зали қурилиши бошлаб юборилди. Демак, амалга оширилган ва оширилажак ишларда мақсад муштараклиги яққол намоён бўлмоқда. 2009 йилда амалга оширилаётган ислохотлар қайси соҳада бўлмасин, инсон ва унинг манфаатларига хизмат қилаётганлиги ва асосий мақсадимиз бўлмиш эркин ва фаровон ҳаёт кечиришимиз учун мустаҳкам замин яратилаётгани натижасидир.

Шоҳида МУҲАММАДЖОНОВА



**Тошкент шаҳар 1-педагогика коллежи  
спорт ҳаётидан лавҳалар**

# БАЗМДАН КЎНГЛИНГИЗ ТЎЛДИМИ?

Тўй қилишни орзу қилмаган ўзбек хонадони бўлмаса керак. Аслида тўй халқимиз маънавиятининг узвий бир қисми бўлиб, севишган жуфтликнинг катта ҳаётга кириб келаётгани ҳақидаги билдирув, яқин кишиларнинг гувоҳлигида ўтказиладиган энг гўзал маросимлардан биридир.

Кўпинча ташқаридан нигоҳ ташлаган бошқа миллат вакиллари тўйларимизнинг ўзига хос анъаналаридан келиб чиқиб, шу халқнинг маънавий даражасига баҳо берадилар. Демак, тўйлар ва маросимларимиз нафақат миллийлигимиз рамзи, шу билан бирга, қайсидир маънода миллатимиз ҳақидаги тавсифнома ҳамдир.

Ҳўш, бугун ўзимизга яқин бир биродаримиз, қўшнимиз ёки қайсидир юртдошмиз нимагадир эҳтиёмжанд бўлиб турган бир пайтда манманлик билан пул сочишларимиз, исрофгарчиликларимиз, маст-аласт кишиларнинг тўйда кўтарган тўпалонлари унинг юрагини тирнамайди-ми? Наҳот, сен дабдаба билан тўй қилиб пул сочаётганинда маҳаллангдаги қаровчисини йўқотган кекса қўшнинг кўз олдингдан ўтмаса? Агар шундай бўлса миллий урф-одатларимиздан, мусулмончилигимиздан анча йироқлашган бўлмайми?

Яқинда хизмат сафари боис, бир дабдабали тўйда иштирок этишга тўғри келди. Олган таасуротларимни қоғозга туширсам, балки, баъзи камчиликлар бартараф этилар...

Тўйхонага айтилган вақтда етиб келдик. Мезбонлар илтифотлар билан меҳмонларни кутиб олиб, уларни безатилган столлардаги тўй дастурхонларига таклиф қилишарди. Биланд пардаларда айтилаётган куй-қўшиқлар сизни тўйхона руҳига мослаб қўяди.

Хизмат қилиб юрганлар орасида бир танишимиз бизларни дераза тагидаги кенг, ёруғ столлардан бирига таклиф қилди. Даврада ўтирганлар билан сўрашдик. Кўпчилигини танирканман: маҳалла оқсоқоли, маънавият маркази раҳбари,

мактаб директори, ҳожи бобо, институт домчалари, нуруний отахонлар... Хуллас, тўйда яқинлар билан кўришишнинг ўзи катта қувонч бағишлайди. Қўшни столдаги аёллардан, коллеж директори, ФХДЁ мудираси, тўй эгалари қудалари билан ҳам бош ирғаб сўрашдик.

“Тўйлар муборак!” куйи билан базм бошла-ниб кетди. Микрофон баланд бўлгани учун ўзаро сўзлаша олмадик. Барчамизнинг диққатимиз ҳар уч қадамда тўй аҳлига “келин салом” қилиб ўтаётган келин-куёвга, улар ортида келин дугона-лари, куёв жўраларига қаратилди. Ишхона раҳбари келин-куёвларни табриклагач, тўй эгасининг омади чопган, ажойиб инсон, тенги йўқ мутахассис эканлигини айтиб, мадҳ эта бошлади. Улардан андоза олган кейинги сўз олувчилар ҳам уни кўкларга кўтаришда давом этди. Аслида тўй эгаси камтар, ҳоқисор келин инсон эди. Чама-си, бу олқишлар тўй эгасигагина эмас, ҳеч кимга ҳам маъқул эмасди.

Эндиликда сўзга чиқиб, ўзида йўқ сифатлар билан кўкларга кўтариш, назаримда “тост” айтишни замон кўтармай қолди. Аммо тўй, базмларда сўз берилса, гапирмасанг ҳам бўлмайди...

Бу биланд шовқин-суронларга кўника олмаётган даврамиздаги кексалардан бири кетишга рухсат сўраганида, оқсоқол ундан кўзгалмай туришни илтимос қилди. Сал ўтмай у яна: “Минг бор узр, шовқинга қон босимин кўтарилиб, ўзимни ёмон ҳис қиламан”, дея аҳволини туншунтирди. Унга рухсат берилди.

Бир дилрабо куй чалиниб, тўйхонага баҳор чечаклари билан безанган мусаффо тонг насими ила хиром этиб, раққоса кириб келди. Шўрва ичаётганлар қошигини, суҳбатлашиб ўтирган йигитлар ошигини ҳам қўйиб, капалакдек учаётган ўйинчига тикилишди. Раққоса даврамизга яқинлашгач, қариялар бош кўтаролмай қолишди.

Замон ўзгарса-да бу ёски тўй ҳали ҳам ўзгармабди. Кексалар яхши билишади: эллингичи йиллари “комсомолча тўй”ларда келин-куёв столга чиқарилиб, “тост” айтиши, қадаҳлар уриштирилиб, ичиш каби ғайри миллий одатлар киритилган эди. Кейинчалик “пул қистириш” пайдо бўлди. Фармонбигга ўхшаш номусли оналаримиз ўз “отарчи” фарзандларини бундай йўлдан қайтара олмадилар. Ёшлар ҳаётида зарарли одатлар урчий бошлади. Ҳаёсиз ўйинчилар ҳам шу тоифага кирарди.

Базма ярим яланғоч раққоса кексалар олдидан тезда узоқлашмасди. Нариги столдаги қудалар ва онахонлар юзидан раққосани қувиб юбориш йўлини топа олмаётгани сезилиб турарди. Ҳожи бобо зарур иши борлигини ай-

тиб, кетишга рухсат сўради. Маҳалла раиси, уни тўхтатиб, бошқаларнинг ҳам базм ниҳоясигача сабр қилиб туришини илтимос қилди. Бу ердаги меҳмонларга зарур гапи борлигини ҳам айтди.

Кўк сомса, тортлар, турли пишириқлар зиёда, тандир кабоб, яхна гўшт ва спиртли ичимликлар бисёр эди. Дастурхонга нўхат шўрва, кабоб, кейин қовурма тортилди.

Ширакайфлардан бири, пиёлаларга спиртли ичимлик қуйиб, ичишга ундай бошлади. Яхшиям хизматдагилардан бири уни узоқлаштирди.

Куй-қўшиқлар баланд янграб, кўпчилик рақсларга тушиб кетишди. Базмхонада биров билан бировнинг иши бўлмай қолди. Бирдан чекка столда бошланган ғала-говур ҳамманинг диққатини жалб қилди: Кайфи ошган икки йигитча “ринг”га тушишган эди. Бири ўзини ўта мерган кўрсатса, иккинчиси гўё учар қиличбоз эди.

Қаҳрамонлар тўқнашуви “бостирилган”дан кейин жимлик бошланди. Базм ниҳоясида кайфи ошган бошловчи тўйни ёпиб, келин-қуёвларга рухсат беришга ҳаракат қилар, лекин гапи-гапига уланмасди. Унинг ҳожи бобога кўзи тушгач, микрофони келтириб, базмни ёпиб беришни сўради. Ҳожи бобо ёшларни чиройли дуо қилиб, уларнинг кетишига рухсат бериб,

базмни яқунлади.

Маҳалла раиси даврадагиларга: тўйларнинг ўтиш тартибига амал қилинмаётганининг гувоҳи бўлдингиз. Қандай қилсак базмимиз тартибли ўтади? — деб савол сўради.

Ҳожи бобо, биз кексалар базмларга қатнашмайлик деса, қариялардан бири: “Аксинча, биз базмларда иштирок этсак, ёшлар истиҳола қилиб, тўй тартибини бузмайдилар”, деди. Институт домаларидан бири, базмларни қатъий сценарий асосида ўтказиш лозимлигини, ундан ташқари чиққанларга жарима солиш керак, деган фикрни айтди. Бошқа бири, албатта, тўйларни ўтказиш тартибига қатъий амал қилиш ва тегишли кишиларнинг назорати зарурлигини алоҳида уқдирарди...

Тўйхонадан чиқар эканмиз, кузатувчи тўй эгаларидан бири кайфиятимиздан ниманидир илғади чоғи. “Базмдан кўнглингиз тўлдими?” — деб сўраб қолди.

Биз дастурхон атрофида ўтириб, шу саволга жавоб изладик, дедик.

Азиз журналхон! Нега тўй ва миллий урф-одатларни ўтказиш тартибига риоя қилинмаяпти? Ана шундай базмлар ҳақида сиз нима дейсиз?

Абдурауф РАҲИМҚУЛОВ



# Ижрочиликнинг сирли дунёси

Муסיқа инсон маънавиятини юксалтирувчи беназир маъво эканлиги барчага аёнди. Инсон ҳаётида муҳим ҳарим тутган соҳалар каби муסיқа ҳам муайян тур ва сифатларга эга ҳисобланади.

Муסיқанинг илк унсури товуш бўлса, оҳанг, куй ва асар унинг мазмун-моҳиятини ташкил этади. Одатда, “сўз ожиз бўлган онларда муסיқа тилга киради” деб унинг сеҳрли қудратига таъриф беришади. Дарҳақиқат, товушлар уйғунлиги асосида пайдо бўладиган куй-оҳанглардан муайян маъноларни ифода этувчи асарлар дунёга келади. Ҳар бир куй ўзининг характери ва маъносига эга. Уларнинг мукамал ижроси ҳар қандай куй, асарнинг сеҳрини англаштишга қодир бўлади. Зеро, куй оҳангларда ифодаланган муסיқавий фикрдир. Бир шакл доирасида мавжланган, турланган, тусланган ва бир ғоя асосида ривожланиб яқунланган куй асардир. Шу боис ҳар қандай асарнинг маънан қай даражада эканлиги ижро орқали инсоният онига етказилади.

Аслида, инсониятнинг муסיқа ижрочилигини ривожлантириш ва мукамал даражага етказиш йўлидаги саъй-ҳаракатлар натижасида муסיқий чолғу, муסיқий асар, йўналиш ва жамланган беҳисоб маданый мерос юзга келган. Муסיқий мерос инсониятнинг ҳаёти, қувончи, қайғуси, орсуси ва умиди, ўтмиши ва келажаги, миллий қадрияти ва юзи десак адашмаган бўлаемиз. Шу боис, муסיқанинг барча мезонлари қаторида ижрочилик масаласи доимо миллийлик, моҳирлик ва маданый савияни англайти турувчи омил сифатида алоҳида эътиборда бўлиб келган. Бу ўтмишдан санъат-

корлар тарбиясида муҳим аҳамият касб этиб келган устоз-шогирд тизими асосида қадрланиб келинган. Унинг заминида муסיқий меросни англаб идроклаш, ўзлаштириш ва муносиб ижросига эришиш каби муҳим жараёнлар ётади. Шундагина Ҳазрат Навоийнинг “созанда ва хонанданинг ҳар иккисига ҳиссиётга берилган кишилар ва аҳли дардлар жон фидо қиладилар” (“Маҳбуб-ул қулуб”) — каби таърифига сазовор бўлиш мумкин.

Бизни ижрочилик дунёсини англашга ундаган ҳам айнан муסיқанинг сеҳри, ўтмиш алломаларнинг амаллари ва замонавий ижрочилик амалиётида кечаётган мезонлардир. Шу боис, бизнинг наздимизда “ижрочилик” деб тушуниладиган соҳанинг зоҳирий ва ботиний маъноларини ва амалиётдаги аҳамиятини ўрганиб, ўқувчилар билан ўртоқлашишга аҳд қилдик. Бундан мурод, шояд замонавий созандалар, аҳли куй халқимизни муסיқа оламидан баҳраманд этишда устозлар анъанасига амал қилсалар.

“Ижрочилик” муסיқа санъатининг асосларидан бири сифатида унинг борлигини ифода этувчи жараён ҳамда маҳорат даражасини аниқлаб берувчи омил десак адашмайемиз. Чунончи, ижрочиликда зоҳирий томонларини кўз билан кўриб, маъносини қалбан ҳис этиб, баҳраманд бўладиган бу жонли жараёнда куй ва ашулаларнинг юзга келиши учун муҳим ҳисобланган бир қатор сифат ва хусусиятлар уйғунлашган. Муסיқий ижрочиликнинг асосий кўринишлари хонандалик, чолғучилик, созандалик ҳамда рақс йўналишларида намоён бўлади.

Ижрочилик азалдан инсониятнинг ижтимоий ҳаёти билан боғлиқ ҳолда ривожланиб келган. Унинг қамрови шу даражада кенги, оддий ҳаётий шарт-шароитларга боғлиқ куйлардан — йирик монументал асарларгача хилма-хил кўринишларда ўз аксини топади. Муסיқий асарларнинг парда, усул ва шакл асослари, ижодиёт ҳамда унинг амалий тақдими ижрочиликни бир-бирига боғлаб турувчи жараёнлардир. Азалдан муסיқий маданият савиясини белгилаб, ҳайратга солиб, муסיқашунос олимларнинг илмий-назарий тадқиқотлариغا асос бўлган омиллар ҳам айнан шулардир.

Муסיқа ва унинг ижрочилик масалалари билан боғлиқ жараёнлар нафақат соҳа мутахассислари, балки замон тафаккур аҳли — олимларнинг назаридан четда бўлмаган. Унинг сирли олами доимо инсоният наздида ўзини намоён этиб келган. Шу боис унинг ривожидан нафақат ижодкор ва унинг талқинчиси, балки тингловчисининг ҳам муносабатлари муҳим аҳамият касб этиб келган. Бунга биз Ал-Фаробий, Ибн Сино, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий ва Абдурауф Фитрат яратиб қолдирган ижодий меросларидан гувоҳ бўлаемиз.

Қайд этиш жоизки, ижрочиликда доимо уч жиҳат муштарак ривожланган: ижод, талқин ва тингловчилар билан ҳиссий (психологик) боғлигани. Ижро савияси ана шу жиҳатларнинг мутаносиблигига бевоСИТА боғлиқдир. Ижрочининг масъулияти маҳорат ва талқин каби унсурулардан, эшитувчининг ҳолати эса унинг тажриба ва кўникмаларидан келиб чиқади.

Авлоддан авлодга ўтиб келаётган ва мусиқий меросимиздан муносиб ўрин олган намуналар ҳам айнан мана шу ижодиётнинг уч босқичда тобланиб, халқнинг тафаккурига сингган асарлар десак муболага бўлмас. Қайд этиш жоизки, бу омил халқ мусиқа меросининг иккинчи касбий мусиқа қатламига ҳосидир. Шу боис унинг муайян ижодкори, билимли ва маҳоратли ижрочиси ҳамда мухлис деб аталмиш тингловчиси мавжуд.

Демак, ижрочининг амалдаги асосий мезони куй ва ашулаларни латиф ва зариф шаклларда ижро этиш ва шу билан тингловчиларга таъсир ўтказиш. Навоий таърифи билан айтганда "...Модомики, улар мулоийм тарона билан куйлар эканлар, эшитувчининг нақд ҳаёти унга фидо бўлса не ғам?".

Биз биламизки, товуш мусиқанинг негизидир. Лекин товуш зоҳирий кўриниш эканлиги ҳамда унга турли ҳаракатлар билан эришилиши барчага аёндыр. Энг муҳими товушнинг чиройли, гўзал, маъноли, дардли тараннум этишдир. Тагин, Навоий айтганидек "...кўнгил хуш

оҳангдан қувват, руҳ эса хуш овоздан озик олади". Уз ўрнида бу — ижрочиликнинг моҳиятини очиб берувчи мезонлар ҳисобланади.

Ижрочи учун товуш ҳосил қилиш бу "инъом", яъни неъмат десак муболага бўлмас. Ижрочида маъноли тараннум этиш қобилияти мавжуд бўлганда ҳам, билим, маљава ва маҳоратнинг уйғунлиги ва бармоқларнинг қалб билан туташ муносабатлари ҳамоҳанг бўлиши жуда муҳимдир. Санъатимиз даргаларидан бири, олтин ноҳун соҳиб Турғун Алиматов мусиқани "... чолғучининг қалби билан тингловчи қалби орасидаги кўприк" — деб таърифлаган эдилар.

Одатда, ижрочилик, бевосита мусиқий асарларнинг талқини билан боғлиқ бўлган бир қатор табиий, назарий ва амалий жиҳатларни ўзида мужассам этади. Қобилият, билим, созандалик, ҳофизлик, жўр бўлиш маҳорати, бадиҳаўйлик маҳорати, сабоқ, ижодий ёндашиш, талқин кабилар шулар жумласидандир. Ҳолбуки, мана шу жиҳатларни ўз ижросида мужассам эта олган ҳар қандай ижрочи, албатта моҳир

ҳамда билимдон ижрочилар қаторидан жой олади. Шубҳа йўқки, бу жиҳатлар ижрочиликнинг амалий мезонларидир.

Демак, ҳаётимиздаги мавжуд соҳалар каби ижрочилик ҳам ўзининг амалиётда шакланган, авлоддан-авлодга ўтиб чархланган назарий ва амалий аъёнларига эгадир. Аъёнларга содиқ қолиш, уларни ўзлаштириш ва ривожлантириш мумтоз ижрочиликнинг жонли ҳаракатини намоён этади. Замон билан ҳамнафас эканлигидан далolat беради.

Биз ижрочиликнинг асосий моҳиятига бир назар ташлагандек бўлдик ва бу соҳани созандалик орқали тасаввур этиб кўрдик. Бу масаланинг хонандалик тармоғи адабиёт билан уйғунликда янада пурмаъно, улкан ва серқирра эканлигига шубҳа йўқ. Энг муҳими, ижрочиликнинг авлоддан-авлодларга ўтиб келадиган аъёнларини келажак авлодга етказишда энг аҳамиятли жиҳатларига содиқ қолишдир.

Соибжон БЕГМАТОВ,  
мусиқашунос

## Йўлдаги эртақлар

(Шу номли китобдан)

\* \* \*

Маишатбоз даврага бир оқил йигит қирди қолди.

— Эй, май ичмайдиган, наша тортмайдиган, "ҳалигидай..." донишманд бола, деди, уни масхаралаб давра кимсалари, — ақли бошингни бу майиноб билан ювмасимиздан, бир сўз айт-чи, нима учун ичамиз?

Вазиятни тез фаҳмлаб олган оқил йигит деди:

— Ҳамма айтилган яхши сўзлар учун!

Ичиб юбордилар, маишатбозлик давром этди. Оқил йигит кетишга қулай фурсатни кутди. Буни сезган даврабоши: — Кетмоқчи бўлаяпсан, аммо тагин бир қадаҳ сўзи айт-чи, энди нима учун ичамиз?

— Ҳамма айтиладиган яхши сўзлар учун!

Давра аҳли қийқириб ичишди. Оқил йигит даврадан сирғалиб чиқиб кетди.

\* \* \*

Бир куни котиба бир кучоқ қоғозни Вазирнинг столидан олар экан, эркаланибгина Вазирдан сўрабди:

— Вазир жаноблари, тўрт унсурни биласизми?

— Ҳа, биламан, нимаиди?

— Билсангиз, айтинг-чи?

— Ҳа, мени синамоқчимисан, таннозхон. Ҳаво, тупроқ, олов, сув-да...

— Бешинчисини ҳам биласизми?

— И-е, бешинчиси ҳам бормикан?

— Бор-да, бешинчиси, мана, бу қоғоз бўлади!..

\* \* \*


— Вазир жаноблари, — деди котиба, — қоғозлар жуда тўпланиб кетди, уларни ташлаб юборсам бўладими?

— Ҳа, бўлади, — деди Вазир пинагини бузмай, — фақат улардан нусха кўчириб қўйишни унутма.

# БУЖОРО

## тақтублари

(Давоми. Боши ўтган сонларда).



Бир йилда 10 минг сўм даромад қилган икки савдогарнинг биридан 100 сўм ўрнига 200 сўм закот олдинс, иккинчиси 25 сўмдан кам билан ҳам кутула олади. Ҳисоб-китобнинг ҳаммаси фақат қора ақд билан юритилади. Дафтар ва муҳосаба каби нарсалар йўқ. Савдогарларга закот тўлатиш баҳонаси билан бир қанчаларининг ҳисобидан ёздириш ва бошқаларидан ашуро олиш баҳонаси билан кўллаб кишиларнинг бутун моьяларини талаб кетиш Бухоро амирлигида одатий ишлардандир.

Бахил маъмурлар томонидан солинган ашуро сабабли кўпгина давлат ерларига эътибор берилмай, экилмай қолган. Эгалари кўчиб кетган. Маъмурлар истаган кишининг бутун молини ва мулкани мусодара қилишлари мумкин. Бундай куч ва қудратларидан жуда яхши фойдаланадилар. Ҳукуматнинг фойда ва чиқимлари аниқ ҳисоб билан юритилмайди, ақча кимнинг қўлига кирса, нақ ўшаники.

Ҳамманинг кўз олдида рўй берган бу адолатсизлик ва зolimликлар аҳолининг қонини қайнатади ҳамда зolimларнинг роҳатгина ётишлари учун таҳаммул — сабрга ун-

дайди. Лекин ночорликлари ва кучсизликлари сабабли тинч турадилар. Бу зулми тугатишга бошловчилар бўлмагач, халқ кўзгалмай туради. Тақдирда ёзилган қисматларига рози бўлиб, бирин-кетин қабр ёқасига яқинлашадилар.

“Халқ сабр қилса-да, унутмайди”, дейдилар. Бир қалқиниш ва баҳона билан зolimларга қарши кўзғолон кўтарувчилар майдонга чиқади. Кўпдан бери тиш қайраб турган авом уларга кўшилади. Шу сабабли ўч олиш пайида бўлади. Эл ғазаби жуда ёмон шафқатсизликни ўртага чиқаради. Бу ашурога Бухорода тўкилган қонларнинг туб сабаби, менинг билишимча, зулм ҳамда халқнинг ушбу зулми даф этишга чора излашадидир. Сиёсий тарбия кўрмаган авом халқ бу зулми битириш учун зolimларнинг қувватдан кетиши кифоя, деб ўйлайдилар. Асл ёмон-

ликнинг сабаби бошқарувда эканини тушуна олмай, шахсларга қарши исён қиладилар. Халқни хушламайдиган тўраларга қарши бўлган бу исён қандай қилиб сунний ва шиа ихтилофи номини олгани ёки бошқача ибора билан айтганда, сунний-шиа орасидаги маънавий ихтилофлардан қандай қилиб тўраларга қарши исённинг келиб чиққани ҳақида бундан кейин тафсил этилажак.

## IV

**Ашуру фитнасини келтириб чиқарган сабаблар.**

*Бухоро халқининг ажнабийларга қарашлари. Бухорода шиалар. Остонақулнинг сийсати. Мотам тутган шиалар билан ҳукумат шиаларининг бирлашуви.*

Бухорода шиалар қадим замонлардан бери яшаб келганлар. Маъзаб жиҳатидан ислом мамлакатига яхдудий, насорога қаршилик кўрсатиш жоиз бўлмаганидек, ақли қибла бўлган шиаларга озор бериш, албатта, мақбул қўрилмайдди. Шу сабабли шиалар Бухорода тинч яшаганлар. Бироқ қора халқнинг баъзи мутаассибларидан қўрқанлари учун ибодат ва мотам маросимларини бироз яширинча амалга оширганлар.

Бухоро амирлигида шиалар 36 йилдан бери қўшбегичлик мансабини эгаллаб келганлар. Бухороликларнинг ўзларига қардош бўлмаган киши улардан мол йиғиш учун энг маъқул “қурол” ҳисоблангани каби амирга доимий сالدоқатлик қўл бўлиши ҳам маълумдир. Шу сабабли Бухоро амирлари ҳам қадимги ислом подшоҳлари каби вазириларни бошқа миллат вакилларидан тайинлаганлар. Ҳуқуқсиз халқ ажнабийларнинг ўзларига бош бўлишларига қаршилик билдира олмаганлар.

Бухоронинг эски одати бўйича ҳоким ва амирлар амир ва қозикалонга тобе бўлганлар, қўшбегги хазиначилик лавозимини адо этгани сабабли, бухороликлар ўзларининг этиқодларига кўра бошқа маъзаб ҳисобланган шиаларнинг шарият ҳукмларига амал қилиш жоиз эмас, деб эътироз билдиришларига ҳам ўрин қолмаган. Эскидан қўшбегги доимо қозикалоннинг ҳукми остида бўлиб, амирнинг биринчи ёрдамчиси сунний олимлардан бўлган. Шунга кўра олимлар ва халқ шиа қўшбегига қарши чиқмаганлар. Аммо ҳозирда лавозимдан бўшатишдан қўшбегги Остонақул ўзининг шахсий қобилияти, табиий бўлган нуфуз севгиси ҳамда аҳолининг ёрлами билан ўзининг қувватини олдинги қўшбегиларникига қараганда кўп орттирган: Бадриддин қози вафот этгандан сўнг, Остонақул бу мансабга ўзининг айтганидан чиқмайдиган бир кишини қўйиб, чиндан ҳам қўшбегининг даражаси қозиникидан юқори бўлган. Мамлакатнинг молиявий ишлари қўшбегги қўлида бўлгач, унинг амирга яқинлашуви ҳам, сўзини ўткази олишига ҳам ажабсинмаса бўлади. Шундай тарзда бу қўшбегги бутун мамлакатга ҳокими мутлақдек бўлиб қолган.

Ўз маъзабига ҳимоятли бўлган олимлардан ва ҳасад қилувчи тенгдошлардан унга тиш қайроғичлар бўлиши аниқ. Шундай бир пайтда Эронда инқилоб бўлиб, қарши ҳаракат тарафдорлари мамлакатдан қочишга мажбур бўлганлар. Улардан жуда кўпи Бухорога келиб қолган ва яхши кутиб олинганлар. Эронда ўз мамлакатларини сева олмаган мутаассиб мухтаждилар, маъмурлар, сийёсий савдогарлар Бухорога келиб ўзлари учун табиий бўлган ҳаракатга киришганлар. Боқуда арман-муслмон урушида қатнашиб, у ерда яшаши имкони қолмаган жангчиларнинг баъзилари Бухорога келиб жойлашган. Бир томондан қўшбегги Остонақул бу маскан қардошларига шафқат, яхшилик кўрсатиб, иккинчи томондан улар орқали ўз

қувватини ҳам орттирган. Олдинда ўзини жиддий тутиб, Бухоро унга ўз ватанидек бўлиб, қавм-қабиласи орасида чулганги яшагач, ўзини эркин ҳис қилиб, ҳукумат хизматларига ўз яқинларининга қўя бошлаган. Энг пулдор зўр жойларда закотчи, мироб, тўқсабо, кабир (аскар бошлиги) ҳаммаси эронликлар бўлиб, улар ҳам ўз навбатида яқин-атрофига эронликларни ишга қўйган. Ҳатто суннийларнинг бир улushi улуғ мансабга интилиб, шиаларга тарафдорлик кўрсатганлар, уларга тақдир қилганлар: ашуру мотамчиларига ён босувчиларнинг анча кўп бўлгани расмий сўроқларда ҳам қайд этилган. Савдогарларга ҳам ҳар турли ҳимоя кўрсатилиб, моёяна сарват эронликлар қўлига ўтиб боргани ҳар ишда ўзини аён этади.

Аҳволнинг шу тарзда бўлиши яъни савдогарлар, сунний маъмурлар, уламо ҳаммани шиаларга қарши қўйиб, шиа бостирилишининг асосий сабабчиси қўшбегги Остонақул бўлгани учун умумий исён унинг қўл остидагиларга қаратилган. Сунний – шиа маъзабларига бир хил қараб келган яхдудийлар шиалар тасаллотига қарши туриб, қон қайнаганда суннийларга қурол ва ақча улашганлар. Сўнгги йиллардаги сийёсий ва иқтисодий аҳвол Бухоро умумий фикрларининг қўшбегги ҳокимлигига яширин ҳаракат сифатида ўз йўлида давом этганда ашуру фитнаси келиб чиққан. Газетамизни ўқиб келувчиларга маълумдирки, Бухоро шиалари бу ашурода мотам расмини кўчада ўтказганлар. Ўтган йилга қадар шиаларга мотам расмини ўтказишга Бухорода руҳсат берилмаётган эди.

Бу мотамда қатнашувчилар турли тўқмоқ ва нақллар таъсири остида қизишиб ўз-ўзларига жароҳат етказишлари, табиийки, томошабинларни ўзига жалб этган. Томошабинлар орасида бир неча муллабаччалар ҳам бўлган.

Бухоро халқи, хусусан, муллалари фикҳ китоблари ва одат таъсирида ажнабийларга тақдир кўзи билан қараганлар. Масалан, бир яхдудийни хўрлаш улар учун унча ҳам ахлоқсизлик ҳисобланмай, жазага лойиқ қўрилмайдди. Яхдудийларга қамситиб қараш сифатида кийим остида белларига киндора боғлаш бугунги кунгача ҳаммага маълум. Бегона маъзабдагиларни шундай қамситишга одатланган талабалар учун шиаларнинг расмий мотамлари устидан қулиш ва уни мазах қилишдан осони йўқ.

Мотам тутувчиларнинг этиқодларига қараганда ўз жонларини аямай кўкракларига, бошларига ханжар билан уриб, худшдан кетар даражага келганларида уларни мазах қилувчиларга қизиқишлари жуда табиийдир. Шу қизиқишлари билан бир талабани ўртага олганлар, дўшпасланлар, тартибга кўра эшикдан ичкарига киргизиб ўлдирганлар. Ҳазрати Ҳусенга қайғурувчиларнинг устидан қулган бу ҳарифни ўлдирувчилар ўзларини “язидни” ўлдирувчилар ҳисоблаб, балки шодланганлирлар ҳам. Ўлдирилган талабанинг ўртоқлари шиаларга қарши жанжал кўтарганлар. Аммо қўлларидан ханжар ва личоқ каби қуроллари бўлган шиалар билан кўп ҳам тортишмай, қайтиб кетишга мажбур бўлганлар. Мадрасага қайтиб: «Шиалар муллабаччаларни ўлдирмоқдалар!», деб бақира бошлаганлар ва ёрдамга чақирганлар. Шунда минглаб талабалар йиғилишиб «Уруш, газот, жиҳод, шиалар муллабаччаларни ўлдирмоқдалар!» деб бутун шаҳарни оёққа турғизганлар.

Бир гурӯҳ муллабаччалар ўлдирилган талабанинг қонли қўйлагини олиб, аввал, муфти билан қозининг ёнига, сўнг саройга, қўшбегги олдига борганлар. Қўшбегги уларни шаҳарда фитна чиқарувчилар деб ўйлаб, 18-20 тасини қаматган. Бундан қони қайнаб кетган талаба-

лар қўлларига қилич, милтиқ, таёқ, темир-терсақ олиб “жиҳод”га чиққанлар. Шиаларнинг ёнига бориб, ўлдирилган талабанинг жасадини сўраганлар ва шунда икки томондан ҳам уруш бошланиб кетган. Қўшбегии амир вакили сифатида бетараф-ҳолис бўлиш ўрнига, шиаларнинг ёнини олгани сабабли, бир талабанинг интиқомо учун йиғилган ўн мингларча талаба бир зумда душманга айланиб қолган. Булар орасида Остонақула илгаридан кучли адоват бўлганлар ҳам бори эди. Улар бу фурсатдан фойдаланиб, кўчадаги саллали оломонни қўшбегига қарши кўзгатиб, ашуро фитнасига сиёсий тус берганлар. Жунбушга келган талабалар эса кўча халқининг бақир-чақир остида шиалардан ўч олиш, шиаларни лавозимидан туширишни талаб қилганлар. Шиалар кўзғолончиларга қарши туришга ҳаракат қилганлар. Ўз жонларини сақлаш учун қуролга ёпишганлар. Қўшбегии ёнидаги хизматкорлар шиаларга қурол улашганлар: шу лаҳзада ҳукуматдаги шиалар билан мотамчи шиалар қўшилишиб, урушнинг бир томонида турганлар. Кўчада авж олган урушда шиалар ўзлари томонда бўлган тўраларга ишониб, суннийларни яна ҳам ғазаблантирганлар. Кўзғолончилар “Остонақул даврида шиаларнинг пусиб яшашлари етар энди...” каби сўзлар билан амирни ҳам унутганларини билдириб, Остонақула ишонмасликка чақирганлар. Уруш бир кўтаририлган, шиаларга қарши ҳар турли давбат бир-бирига қўшилиб, умумий бир мақсад ҳосил қилган. Масалан, шиаларни ўлдириш, «улар кофирлардан ҳам ёмон, эронлик келгиндилар, бизга ҳўжа бўлдилар, биттасини ҳам қолдирмай ўлдиришга...”. Талабалар эса: «ўртоқларимизнинг қони учун қон олишга жонимиз фидо...» каби сўзларни такрорлаганлар. Қўшбегии Остонақула нисбатан илгаридан йиғилиб келган душманликлар билдан майлонга чиқиб, унинг олови маъзаб давбоси билан ёлқинилган, Бухорода сунний-шиа уруши номли бир фитна тинч шаҳарнинг кўчаларини қон билан бўятганидан сўнг тарих саҳифаларини қоралган.

Тарихда айтилган кўп фитна ва урушларнинг сабаби билан асл сабаб бошқа бўлганидек, бу Бухоро фитнасида ҳам туб сабаб зулм ва ажнобиёларга маъқумият бўлгани учун маъзаб давбоси унинг устини қоплагандир.

**V**

**Бухоро шаҳри**

Араб шоирларидан бири айтган: шаҳарлар одамлар каби бахтли ва бахтсиз бўладилар. Бахтсиз шаҳарлар дафтарга қайд қилинганда биринчи навбатда эски мусулмон шаҳарлари тизилади. Бухоро буларнинг бошида туради. Ҳозирги бухороликларнинг боболари илм йўлига шу қадар кўп куч ва пул сарфлаб, шу қадар вақф қолдирганларки, бутун Бухоро мадрасалар шаҳрига айланган. Бундаги юксак биноларнинг барчаси мадрасалар бўлиб, бошқалари паст ва лойдан ясалган уй-иморатлардир. Мадрасалардагидек тошдан уй қуришга ҳеч кимга руҳсат берилмаган. Мадрасаларнинг вақфлари жуда кўп бўлиб, мударрислари жуда бой яшаган, талабаларнинг яшаш жойлари ва еб-ичишлари яхши таъминланган. Бухорода илм аҳлининг ҳаёти шунчалик зўр бўлганки, дунёнинг ҳеч бир еридан бу даражага эришилмаган. Илм аҳли бўлмаган одамларнинг барча ҳуқуқлари олиниб, олимлар қўлига топширилган. Мадрасаларнинг ҳаммасида кутубхона бўлиб, китоблар билан тўлдирилган. Бироқ бутунги бухороликларнинг илм таъминига тиришчилари — талаб этилган натижани бермайди, ҳамма мадрасанинг вақф бўлимлари қўлдан-қўлга сотилиб туради, бундан судхўр мударрислар ва бошқа савдогарлар фойдаланадилар. Вақфлар тегишли жойларга

сарфланмайди. Кутубхоналарнинг китоблари сотиб ейилган. Бу кутубхонага тушадиган маблағлар тегишли бўлмаган кишилар томонидан талон-тарож қилинган.

Машхур «Дорух-шифо» мадрасаси ўз вақтида тиббиёт учун бино қилинган бўлиб, вақфлари шунга ва амбулаторияларга сарфланган. Гавкушон мадрасасининг вақфлари махус ҳадис-тафсири ўқитиш учун мўлжалланган. Ҳозир эса Дорух-шифо, Гавкушон мадрасаларида муқаддимот ва шарҳ ҳошияларидан бошқа ҳеч нарса ўқитилмайди. Энг муқаддас ҳисобланган вақф шартлари асло эътиборга олинмайди. Олимларнинг энг юқоридагиларидан бошлаб дарс берувчиларининг энг пастдагиларига қадар вақфни тўғри қўллашда гуноҳқордирлар. Боболари қолдирган яхшиликларни ҳаром йўл билан еб, қақ-хуқуқлар, Аллоҳ ҳуқуқларига жиноят қиладилар. Ҳаром бўлган пора ва судхўрлик олимлар ва ҳокимлар орасида шу қадар “машхўр”ки, буларнинг “қиймати”ни билишга тиришган бир киши ҳам йўқ.

Бухоронинг кўчалари тор, нотекис, тош ётқизилмаган, ёруғ тушмайди, уйлари лойдан, деразалари бинонинг ички ҳовли қисмида.

Шаҳар ичидаги мазордан ҳар доим ёқимсиз ҳид аниқиб туради. Бухороликлар ўликларни ер остига қўймай, ер устида қўмадилар. Емирилган қабрлар устида итлар ва қушлар тўла бўлади.

Ҳукумат фақирлардан ҳар йил неча миллион пул йиққани ҳолда, мамлакат ва шаҳар учун бир пул ҳам сарфланмайди. Шаҳарда полиция йўқ. Гигиена қоидаларига эътибор берилмагани, касалларга тиббий ёрдам кўрсатилмагани учун Бухорода ўлим жуда кўп бўлиб, мамлакат халқи кундан-кун камайиб бормоқда. Бу охир замоннинг бир белгисидир.

Бухорода кўпгина савдо-сотiq ишлари яхудиёлар қўлида бўлиб, мусулмонларнинг кўпчилиги вақф еб кун кўрадилар. Эски Бухородан ўн бир чақирим наридаги Янги Бухоро шаҳри руслар томонидан қурилган. Бу ерда кўчалар кенг, ёруғлик жиҳозлари ўрнатилган, деразалар қўча томонга қараган бўлиб, шаҳарни қабристондан айиради. Шаҳарни полиция кўриқлайди, гигиена қоидаларига амал қилинади. Бир шаҳар учун лозим бўлган барча нарса мавжуд. Бу кичкина шаҳарда пахта заводлари кўп бўлиб, Эски шаҳарда битта ҳам йўқ. Маданиятнинг энг биринчи кўрсаткичларидан бўлган наشريёт Янги Бухорода бир яхудиёл томонидан очилган, Эски шаҳарда эса йўқ. Эски шаҳар аҳолисининг нуфузи ҳамда кўчалар сони маълум эмас, ном ҳам қўйилмаган. Бухоро ўрта асрларда маданий ривожланган шаҳар бўлгани ҳолда ҳозирда яхши бир нарса орттирмаган. Аксинча, тобора харобага айлантирилмоқда. Мадраса, масжид вақфлари кўп бўлса-да, тегишли жойга сарфланмайди. Хожа Баҳовуддин Нақшбандий зиёратхоналари ҳар йили юз мингларча зиёратчиларни жалб қилиб, у ерда кўп ақча йиғилишига қарамай, қабр устига чамбарқ қўйилмаган. Ташқи ёзувлари сургиниб ўчиб кетган. Мозорни тартибга келтириш учун бир тийин ҳам сарфланмаганлиги кўриниб турибди. Аммо ушбу мазордаги хароба ўринлар мингларча сўмга сотилиши ҳаммага маълум.

Бухоронинг ҳозирги халқи унинг олдинги даражасини ва шухратини сақлай олмаган, бобосининг зўр эски чакмонига ўраниб олган ёш болага ўхшайди.

*(Охири келгуси сонда).*

Татар тилидан **Шермурод СУБҲОН** таржимаси



# Б АДИЙ ТАҲЛИЛ ТАМОЙИЛЛАРИ

80-йиллардаги бадий ижода юз кўрсатган янгилашни жараёни унинг назарий қатламларида ҳам сезила бошлади. Фарб адабиётшунослигида адабий-назарий қарашларнинг моҳияти, мумтоз адабиётимиздаги бадий ҳодисалар таҳлил қилинган мақолалар, монографиялар сони сезиларли даражада ошди. Ўзбек адабиётшунослигида ўзларининг дадил қарашлари билан адабий-бадий таҳлилга янгича бир ғарб олиб кирган олимлар сафи кенгайди. Улар адабий танқид ва адабиётшунослик илмида устувор бўлган публицистик услуб ўрнига академизм услубини олиб кирдилар. Улар сафида жалид адабиётшунослари фаолиятига янгича қарашлар руҳи билан ёндошган Бегали Қосимов, фольклоршунос-назарийчи Баҳодир Саримсоқовлар ҳам бор эдики, улар мафкура зугумлари кучайган пайтларда ҳам санъат деб аталмиш буюқ ҳилқатнинг сеҳрини соф илм йўли билан таҳлил-талқин эта олдилар. Шунинг билан бирга бу заҳматқаш олимлар ўзларининг атрофига фидойи, санъатнинг ва бадийнинг нозикликларини англайдиган ёшларни ҳам тўплай олдилар. Бугунги кунда устоз олимларнинг шоғирлари адабий жамоатчилик ўртасида ўзларининг кенг мушоҳадалари қарашлари ва матбуотдаги чиқишлари билан алоҳида эътиборга сазовор бўлмоқда.

Узоқ Журақулов юқорида номлари келтирилган икки буюқ алломанинг шоғирди, улар бошлаган эзгу ишларни амалга ошираётган ёш олимлардан. Унинг адабиётшунослик методологияси, адабий оқимлар, фарб адабиётшунослигидаги эстетик ҳодисалар ва бугунги адабий жараён ҳақидаги чиқишлари кўпчиликка яхши таниш. У Журақуловнинг "Худудсиз жилва" (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси "Фан" нашриёти, Т., 2006 й.) тўпламидан ўрин олган мақолалари бугунги адабиётимизда янгилик сифатида баҳоланаётган адабий-эстетик қарашлар таснифи, бир қатор фарб ва рус адабиётшунослари ва файласуфлари Сент — Бёв, Дамирон, Лакомб, Ренар, Макс Верли, Виктор Жиро, Валтер Мушг, Д.Штолниц, Андре Моруа, Г.О.Винокур, Б.М.Кедров, М.Г.Ярошевский, Б.С.Мейлах, А.Машковскийларнинг адабий-назарий қарашлари шарҳланган. Шарқ мумтоз поэтикасидаги шу каби қарашлар билан чоғиштирилган, баъзи ўринларда ўзининг муносабати билдирилган.

Олимнинг "Худудсиз жилва" деб номланган мақолада экзистенциализм таълимоти, ундаги абсурд тушунчасининг моҳияти очиб берилди. Инсоният шуурида мавжуд бўлган бу хусусиятнинг чегаралари қадим замонларга бориб тақалиши, унинг илдиэлари Шарқ халқлари адабиётида ҳам мавжудлиги, XX асрдан бошлаб Э.Ионеско, С.Беккет, Ж.П.Сартр, А.Камю, Ф.Кафка, М.Пруст, Ж.Жойс, А.Роб—Грийе, А.Жене, А.Адамов, Б.Виана, Ж.Тарде, Д.Бушцати, Э.Эрико, Х.Пинтер, Н.Симпсонлар ижодида юқори босқичга кўтарилгани таъкидланади. "...абсурд инсон умрининг ҳар қандай замонида ва макониди, шунингдек, ҳам индивидуум, ҳам универсум ҳаётининг исталган нуқталарида мавжуд бўла олади. Зотан, инсон табиатан қанчалик улугвор бўлса, шунчалик майда ҳамдир. Даҳшатли бўронларга, турмушнинг оғир синовларига мардона бардош бера олган Одам авлоди баъзан биргина муштунининг ўлгани боис "ҳаёт яшашга арзимаиди", деган хулосага келиши мумкинки, бунинг ҳеч бир ажабланарли жойи йўқ", — деган фикрларни билдиради. Олим Альбер Камюнинг "Бегона" қиссаси ҳақида тўхталар экан "...мен "Бегона" қиссасини абсурд асар эмас, балки абсурд фалсафасининг муқаррар ҳалокатини ифода этган адабиёт намунаси дейиши мойилман", — деган фикрларида катта маъно бор. Зеро адабиётнинг, санъатнинг вазифаси, унинг инсоният олдидаги фалсафаси эътиборга олинса, бу хулосанинг моҳияти янада равшанлашади. Шунинг учун "абсурд ҳеч қачон инсоният ҳаёти учун хос фалсафа бўла олмаганидек, ҳеч қачон универсал бадий ҳодисага ҳам айлана олмайди". Абсурд тушунчасининг шарқ адабиётида воқеаланмаганининг асл сабаби қилиб ислом оламида "тавҳид аталган маъни"нинг мавжудлиги кўрсатилади.

Шўро адабиётида инсонларни синфларга ажратиш тамойилининг мавжудлиги биографик метод тушунчасининг биринчи ўрганилишига сабаб бўлди. Устоз Абдугафур Расулов тўғри таъкидлаганидек: "Фарзанд, табиийки, ота-онага ўхшамаслиги мумкин эмас. Бадий асар санъаткор фарзанди экан, унда ёзувчининг руҳий ҳолати, қарашлари, кайфияти акс этмаслиги мумкин эмас".

Узоқ Журақулов биографик метод ҳақида фарб адабиётшунослигидаги мавжуд қарашларга тўхталар экан: "био-

график методнинг марказий концепциялари, илмий назарий принциплари, метод сифатлиги ўзига хос жиҳатлари, бошқа тадқиқ методлари, фан соҳалари билан алоқдорлиги масалаларини умумлаштирувчи методологик тадқиқотлар мавжуд эмаслигига” эътиборни қаратади. Дарҳақиқат, XX аср ўзбек адабиётшунослигида бир қанча ижодкор ёзувчи ва олимларнинг адабий портретлари яратилганлигига қарамай, методнинг назарий томонлари жуда кам ўрғанилган. Биография методининг янги концепцияларини, специфик жиҳатлари, “уни ижоднинг ҳар қандай тури (амалий, назарий) ва ҳар қандай шакли (фан-техника, санъат, сиёсат, маданият)га нисбатан қўллаш мумкинлиги” эътиборга олинса, кўтарилаётган муаммонинг долзарблиги кўзга ташланади. Мақолада биография методининг бир қанча омиллари — генетик, ёзувчининг интим ҳолати, ижодкорнинг маъшиий турмуши, ижодкор фалсафаси, муаллифнинг психологик ҳолатлари ҳақида батафсил орқали билдирилади. Бинобарин, мунаққид биография методига “гегемонлик вазифини филологик омил” бажаришини тўғри уқтиради. Чунончи, “Бадиий асарда ҳар қандай поэтик фикр, ҳар қандай ноёб ҳиссиёт ифодаланишидан қатъий назар, бу жараён сўз воситасида амалга ошади”, — деб таъкиллади.

Санъат асарларининг сеҳри қадимдан кишиларни ўйлашга, мифологик олам ва реал бориқ ҳодисаларининг боғлиқлиги ва айрича чегараси қаердалиги қизиқтириб келган. Ваҳоланки, мифологик ва реалистик ижод намуналарида бирдек тасвир этилувчи эзгулик ва ёвузлик, яхшилик ва ёмонлик, муҳаббат ва нафрат, вафо ва бевафолик, садоқат ва хиёнат каби тушунчалар доимо асосий мавзу бўлиб келаётганининг сабаби нимада?

“Худудсиз жилва” тўпламидан жой олган “Миф ва ижодий жараён” деб номланган мақолада муаллиф бу каби абадий ва давомий саволларга жавоб топишга ҳаракат қилган. Муаллиф “хаос” ва “космос” тушунчаларининг истилоҳларини шарҳлаш орқали санъатнинг пайдо бўлиш жараёнига муносабат билдиради. “Тартибга беистисно риюя қилиш, сўзни қатъий мазмун ва шакл қолипига бўйсундириш орқали классицизм, сўз функциясини мумкин қадар татлим-тарбияга йўналтириш орқали маърифатчилик, сўзга қаноат боғлаб самовий идеалларни ифодалаш орқали романтизм, унга тушқунлик либосини кийдириш ва сўзни фожиа, зулмат оҳанглари билан ўраш орқали сентиментализм ҳамда барокко, сўзни мутлақ рамзга айлантириш орқали символизм, сўз устида ҳаёт ҳақиқатини шафқатсиз ва аник ифодалаш мажбуриятини юклаш орқали танқидий реализм ҳамда реализм, сўз тўзонига мутлақ эрк беришга интилиш орқали модернизм адабиёти туғилади”, — деган фикрларни билдирадигли, булар адабиётшунослик илмида адабий оқимлар ва йўналишларга берилган энг қисқа ва лўнда таърифлардир.

Кейинги йиллардаги бадиий талқинларда психологик таҳлил, Фрейд назарияси, психоанализ тамойиллари каби истилоҳлар бот-бот учраб туради. Бироқ бу истилоҳларнинг назарий асоси, умуман Фрейд назарияси билан боғлиқ қарашлар ҳақида мукаммал мақола ёки фикрларга дуч келмаймиз. Зигмунд Фрейднинг психологияга бағишланган қарашлари файласуф-психологлар томонидан умумтушунча ҳолатида ўқитилди. Бироқ унинг бадиий-эстетик моҳияти ўзбек китобхоналарига унчалик таниш эмас. Олимнинг “Психоанализ ва бадиий ижод” мақоласи З.Фрейд назарияси, Фрейддан кейинги психоанализнинг йўналишлари, умуман Фрейднинг психологиядаги янги кашфиётини очишга қара-

тилган. З.Фрейд ва унинг издошлари томонидан ривожлантирилган қарашлар ва тушунчалар Шарқ фалсафий тафаккури билан чоғиштирилади.

Мунаққид З.Фрейд назариясини таҳлил қилар экан, инсон фаолиятини намоён қилувчи уч тушунча Ид, Эго, Суперэго муносабатларини таҳлил қилади. “Ид соф биологик, Суперэго — соф ижтимоий асосга эга бўлса, Эго ҳам биологик, ҳам ижтимоий омилларга эга бўлган тушунча” эканлигини таъкиллади.

Олимнинг З.Фрейд назариясининг бу хусусиятларига кенгроқ тўхталишининг мантиқий асоси бор. Бу ҳам бўлса, ҳозирги адабий таҳлилларда инсон фақат ижтимоий мавжудот сифатида эмас, унинг биологик хусусиятларига ҳам эътибор қаратилаётганлигидадир. Бироқ инсонга фақат биологик ёндашув доим ҳам ўзини оқлайвермайди. “Фрейдизмнинг энг ноҳилис ва инкор этинишга маҳкум жиҳати инсонга фақат биологик мавжудот сифатида ёндашганидир”, — дея таъкиллади муаллиф. Инсон руҳиятига мавжуд бўлган “фариштавий” ҳислатлар яратган томонидан берилган бўлиб, уни тадқиқ қилишга, турли “изм”лар исканжасига солишга уринишлар бефойда бўлаверди. Муаллиф тўғри айтганидек: “психоанализ доимий танқидий ёндашувни тақозо этади”.

Китобдан жой олган “Мимесис” мутлақ назариями?” деган мақолада Аристотель томонидан тақдим этилган назарий қарашлар, хусусан, мимесис истилоҳига муносабат билдирилган. Маълумки, адабиётшунослик назариясига оид китобларда “санъат табиатга тақлид” деган Аристотель томонидан айтилган фикр ҳали ҳам мутлақ саналди ва адабий турларни белгилашда “тақлид”нинг ҳолати ҳисобга олинади. Мақолада санъат тўғридан-тўғри “табиатга тақлид” эмаслиги, санъат иррационал идрок маҳсули эканлиги, фарб адабиётигади култеранизм, концептизм, “66 лар гуруҳи”, боринтки, биргина модернизм номи билан айтилаётган символизм, экзистенциализм, абсурдизм, формализм, футуризм, сюрреализм, далаизм, кубизм, ташизм, абстракционизм сингари фалсафий-адабий оқимлар Аристотельнинг мимесис назарияси қолипларига тушмаслиги айтилади.

Олим ўзбек адабиётшунослигида Б.Саримсоқов томонидан илгари сурилган тўртинчи адабий тур “паремик” истилоҳи, яъни “...ҳикматли гап, ибора ва сўз маънолари” мустақил адабий тур ва жанрларга мансублиги, бироқ бу янгилик эътибордан четда қолаётганлиги тўғрисида куюнчалик билан ёзди.

Мақолада Шарқ ва Фарб поэтик тафаккури эстетикаси ўртасида тафовут борлигини айтиб, “Фарб поэтика илмини тўғридан-тўғри татбиқ этиш анъанаси ўзининг ҳукмронлик вазифини ўтаб бўлди”, — деган хулосасини билдиради. Унинг “Шарқ адабиётида ҳаётни ақс эттириш эмас, уни маърифий-бадиий талқин этиш усули етакчилик қилади” — деган фикрларини мумтоз адабиётимиз намуналари исботлаб турибди.

Муаллифнинг “Янги эстетиканинг шаклланиши” деб номланган мақоласи XX аср бошларидаги жадид боболаримизнинг адабий-назарий ва эстетик қарашларининг шаклланиш жараёнларига бағишланган. Мақола ҳажман катта бўлиб, бир неча — а) миллий адабиёт ва умумназарий талқин муаммолари, б) санъат тушунчасининг назарий талқинлари, в) адабиёт сўз санъати сифатида, г) тил ва услуб масалалари, д) ижодий жараён, е) адабий тур ва жанрлар масаласи, ё) фольклор каби кичик мавзулардан иборат. Мавзуларнинг номланишиданоқ сезилиб

туриблики, мақолада адабиёт назариясига оид қарашлар таҳлилга тортилган. XX аср бошида адабиётимиз ва санъатимизнинг назарий тамал тошини қўйган А.Фитрат, В.Маъмур, М.Шермухаммедов, А.Саъдий, М.Бехбудий, А.Авлоний, А.Чўлпон каби ўз даврида нисбатан тасвир доираси юқори бўлган ижодкор ва олимларнинг қарашлари талқин этилади, жадид эстетикасининг моҳияти кузатилади.

Олим “Санъат адабий-назарий муаммо сифатида” мақоласида А.Фитрат, А.Авлоний, А.Саъдий, О.Ҳошим каби жадид намояндларининг адабий-бадий танқиддаги қарашлари, санъатнинг инсон ҳаётидаги ўрни, моҳиятини белгилашдаги қарашларига тўхталган. Унда санъат ҳақидаги Шарҳ ва Ғарб эстетик тафаккури тасвири, шу даврда оммалашгаётган марксистик қарашларнинг тасвири кузатилади.

Абдурауф Фитрат XX асрда шаклланиб келаётган янги адабий-бадий ва эстетик ҳодисаларнинг тадрижийлигини сақлашга интилган, унутилмиш арафасига келиб қолган адабий ёдгорликларни миллат болаларига етказишга ҳаракат қилган буюк алломадир. Марксистик мафкура тасвирида ўтмиш адабиётини ялпи йўқ қилиб, янги адабиёт барпо этиш ҳаракати авж олган паллада ҳам, у ўз масъаладан кечмаган. “Худудсиз жилва” тўпламига кирган “Фитрат ва эски турк адабиёти”, “Фитратнинг илк ёзма адабиётимиз тарихига оид тадқиқотлари”, “Ясавийшунослик сарҳаллари” мақолаларида Фитратнинг эзгу ўринишлари, тарихий обидаларни таҳлил қилишдаги ўзига хослик ва бирёқлама қарашлари ҳолислик билан ёритиб берилган. Шунингдек, илмий манбалардаги нотўғри, ғализ, чалқаш қарашларга муносабат билдирадики, бу олимнинг мақола ёзиш жараёнида жуда катта манбалар билан танишиб чиққанлигидан далолат беради.

Китобнинг учинчи бўлими “Илмий-адабий жараён” деб номланган. Бунда ҳозирги адабий жараёнда кечаётган бадий-эстетик изланишлар, эпик ва лирик тафаккурда юз бераётган ўзгаришлар, шунингдек, бадий талқиндаги ўзгача оҳанглр ҳақида фикр билдирилади.

Абдулла Ориповнинг О.Мавзусига бағишланган туркум шеърлари ҳақида мунаққидлар ҳўб ва кўп ёзишган, турлича талқинлар ҳавола этилган. Тўпламга киритилган “Армон талқинлари” мақоласида шoirнинг О.Мавзусидаги шеърлари таҳлилга тортилган. Аҳамиятли томони шундаки, мунаққид шеър маъносини ижодкор руҳиятида зухур бўлган ҳолатлар билан изоҳлайди. Шеър бўлиmlарга ажратилиб, онг ости қатламларида кечаётган изтироқ аломатлари билан онг усти, яъни “ақл механизми” тасвирида содир бўлган жараёнлар муқоаса қилинади. Ҳақиқий шеър руҳият маъсули. Бугунги шеърый асарлар таҳлилида маҳоратнинг устуворлиги эмас, балки шoir истаълодининг қуввати талқин қилинаётганининг сабаби ҳам шунда.

Ҳаётда ҳар қандай янгилик осонликча қабул қилинвермаслиги исботланган ҳақиқат. Бунинг сабабини турлича изоҳлаш мумкин. Бадииятда юз кўрсатаётган ноъанавий тасвирлаш услуби ҳам турли баҳс-мунозараларга сабаб бўлди. Олимнинг “Асл адабиётнинг наъшу намоси” деб номланган мақоласи адабиётимиздаги ноъанавий йўналиш, яъни модерн усули ҳақида бир гуруҳ ижодкорлар ва олимларнинг баҳсларига қаратилган. Шўро мафкураси Ғарб адабиёти намояндларининг бир қанча асарларини гоъвий зарари деб таъқиқлаганлар. Бир қарашда ғализ жумла, қора рангларнинг қуюқлиги, фожеавий ҳолатлар, тушкун кайфият, бадбўй ҳил тасвири модерн

адабиёти ҳақида ғалати таассурот уйғотиши мумкин. Бирок ғализ жумла қатида сермаънолилик, инсон сийратига дучаётган ботиний ҳолатлар тасвири фикр юритган ўқувчига аён бўлиши мумкин. Алқисса, “Файласуфлар эзгулик билан ёнма-ён келгувчи қора рангларга ҳам ҳаёт учун нормал ҳодиса сифатида қарайдилар”. Мунаққид таъкидлаганидек: “Даврлар, миллатлараро фарқланди. Бирок ижодкор ҳамон асл адабиётнинг наъшу намоси йўлида ёзишини кўймади. Руҳни шаклга эмас, шаклни руҳоний оҳангга мослади. Буларни классицизм, барокко, реализм, сентиментализм, модернизм тарзида таснифлаш кейинроқ расм бўлди. Аксинча, руҳ шаклга кирмади” — деган фикрни билдирадики, асл санъат асарлари ҳар қандай “изм”лардан ҳили. Уни назарийчиларгина ўзлари ёқтирган андозалар билан ўлғайдилар.

“Исмсиз макон синоати” мақоласи билан олим юқоридеги баҳсга Шодиқул Ҳамронинг “Қора кун” қиссасининг таҳлили орқали ўз муносабати билдирган. “Қисса ўзига хос кўп сюжетлилик асосида қўрилган. Бу ўзига хослик асар қурилишда марказий устун вазифасини бажарган макросюжет ва микросюжетлар аро нозик муносабатда намоён бўлган” — деган фикр билдириб, макросюжет ва микросюжет маънолари асар матни орқали далилланган. “Қора кун” қиссаси ноъанавий асарлар сирасига кириб, уни янгича талқин призмаларидан ўтказиб таҳлил қилинмаса, ташқи маъно орқали ёзувчининг мақсад ва ниятини англаб олиш мушкул. Мақола муаллифи янгича таҳлил йўлидан бориб, ўз кўзлаган мақсадига ета олган.

Узоқ Журақулловнинг Фозил Зоҳид ижоди ҳақидаги “Шарқона назар”, адабиётшунос олим Қозоқбой Йўлдошевнинг “Алпомиш талқинлари” рисоласи ҳақидаги “Руҳафзодлик инкишофи”, “Ўзбек ойим нега “огма”?” номли “Ўткан кунлар” романи ҳақидаги ҳайратлари, япон адаби Синъитиро Накамура ижоди ҳақидаги мақолаларида инсон зоҳири ва ботинида зухур бўлувчи ҳусусиятлар, миллий ва шарқона муносабатлар синчковлик билан кузатилади ва талқин қилинади.

Олим “Феномен”, “Олим” мақолаларида устоз адабиётшунос олимлар Бегали Қосимов ва Баҳодир Саримсоқовларнинг олим ва инсон сифатидаги нозик харақтерларини тасвирлаганки, бунда шoirнинг устозлик билан чексиз ҳурмати ва эҳтироми яққол сезилиб туради.

Бадиий тафаккурдаги ўзгаришлар янгича қарашларни ҳам тақозо этмоқда. Энди ўқувчини ҳам бевосита одамнинг ташқи томони эмас, ички олами қизиқтира бошлади. Йиллар давомида китобхон ўрганиб қолган ёруғлик ўрнини қоронғулик, турфа хил ифкорлар ўрнини бадбўйлик, маҳлўқотнинг энг олий тоифаси ҳисобланган инсоннинг ёзувчилигини тасвирлаган бадиият намуналари яратилди. Бугунги адабиётшунослик илми ўз зиммасига бадий-эстетикадаги янги ҳодисаларни таҳлил-талқин ва танқид қилиш мажбуриятини ҳам олишга мажбур. Шундай экан бугунги адабиётшунос дунё адабиётшунослигидаги назарий қарашлардан боҳабар бўлмоғи даркор. Биз фикр юритган Узоқ Журақулловнинг “Худудсиз жилва” китоби ана шу мажбуриятнинг талаби натижасида яратилган. Китобнинг адабиятшунос томонлардан энг муҳими шундаки, олим адабиётшунослик фани олдига ечимини қутаётган муаммоларни қўйган. Илмда муаммонинг кўтарилиши эса, ечим сари қўйилган илк қадамдир.

Дилмурод ХОЛДОРОВ,  
ЎЗМУ катта ўқитувчиси



## ДАРДЛАРИМГА ТЕГМАНГ...

Жаҳонгир Мирзонинг шеърларини илк бор кўрганимда, “дарди” борлигини сезгандай бўлдим. У дардини “пардозламас”, ўзбекка хос борини айтиши билан ажралиб турган эди. Дардманд кўнгил изҳорларини ўз ҳолида ўқишга қарор қилдим. Чунки, унинг баъзи шеърлари “Дардларимга тегманг” деяётгандай эди. Жаҳонгирнинг шеърлари ҳаёт синовларида товланган ўзи каби очиқ, самимий. Ўқувчини алдамайди, чалғитмайди.

Чунончи, “Дард бошқа, дардмандлик бошқа” деганларидай, баъзи шеърларни ўқувчи ўзи ёлғиз қолганда хиргойи қилиб кўрсин. Юрак торлари чертилиб, куйлаб юборганини билмай қолади.

Мен, Жаҳонгир Мирзонинг келгусидаги ижодига равнақ тилар эканман, аввало унга мустақкам соғлиқ, шеърят бўстонида ўз сўзи, ўз ўрнини топишида букилмас ирода тилаб қоламан.

Жамоллидин МУСЛИМ,

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси,

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими аъlochиси

### МЕН ЁҚМАГАН ДЎСТЛАРГА...

Ҳаёт ўтиб бормоқда, эсиз,  
Манзил сари кетмоқда сўзсиз,  
Не қилмоқчи эдингиз бизсиз —  
Уэр, мен ёқмаган дўстларим  
Қайтиб олай ботган сўзларим...

Балки бизсиз ҳаёт ўзгарар,  
Бир кам дунё бут бўлиб қолар,  
Балки сизнинг кўнглингиз тўлар?  
Уэр, мен ёқмаган дўстларим  
Қайтиб олай ботган сўзларим...

Сиз айтганча яшай олмадик,  
Кўнглингизни биз ололмадик,  
Балки сизга қўл бўлолмадик,

Уэр, мен ёқмаган дўстларим  
Қайтиб олай ботган сўзларим...

Энкайганга энкайиб ўтдик,  
Кеккайганга кеккайиб ўтдик,  
Лекин сизга энкаёлмадик,  
Уэр, мен ёқмаган дўстларим  
Қайтиб олай ботган сўзларим...

Бизсиз майли, мақсадга етинг,  
Яшанг тўйиб, юз ёшдан ўтинг,  
Сиз тўймайсиз, биз нега тўйдик?  
Айтинг, мен ёқмаган дўстларим  
Қайтиб олай ботган сўзларим...

### ТАНҚИД

Тақдирга тан бериб яшайман,  
Нолимасдан ўз қисматимдан.  
Бошимга гар келса балолар,  
Мен кўраман ўз қилмишимдан.

Кетса дўстим гар қўлин силтаб,  
Ўйлайман бу дағаллигимдан.  
Қочса давлат ҳамда омадим,  
Бу кўргулик манманлигимдан.

Ўз-ўзимни қиламан тафтиш,  
Умрим борки, ўзни излайман.  
Кўнгил олиш мендаги ташвиш,  
Қалбингизда қачон сўзлайман?

### КУЙГАН КЎНГИЛ

Тўхмат бўстонининг “булбулча”лари,  
Сайраб эзгуликни булғаб юборди.  
Карнайнинг мазмунсиз акс-салолари,  
Сурнай ноласидан, кўр, устун келди.

Дерлар: ҳар қўшиқ ҳам мухлиси билан,  
Мухлиси бўлмаса, қўшиқ не даркор?  
Қулоққа кирмаса Ушшоку ўлан,  
Демакки, карнайчи даврада саркор!

Қулоғим қизиди, бошланди гийбат,  
Кимгадир ёқмади яна сўзларим.  
Етар чеккан заҳмат, тортган уқубат.  
Десам сўзла, дейди кўрган кўзларим.

Соф ниятли булбуд, сайра кўнглим оч —  
Боссин ноланг зогнинг нағмаларини.  
Унинг тиккан кўзи чувалчанг омон,  
Куйлайсан осмоннинг нолаларини.



### ТУШУНМАДИМ

Ечолмаган жумбоқларим,  
Аслим менинг тупроқларим,  
Бевафодир гул боғларим,  
Мен дунёни тушунмадим.

Осмон тўла тунда юлдуз,  
Тун ортидан қувар кундуз,  
Неча аср ой ҳам унсиз —  
Сузишларин тушунмадим.

Табиату дарахтлар жим,  
Денгизлару дарёлар жим,  
Бетоқатин инсон билдим,  
Мен дунёни тушунмадим.

Тоат қилиб ойдин тунда,  
Худони ҳам алдар кунда,  
Барча корлар пул учунда,  
Мен дунёни тушунмадим.

Ҳайриятки, филмас инсон,  
Тўйдиради бир бурда нон,  
Аммо фил ҳам дейди ҳайрон:  
Мен инсонни тушунмадим.

Ёлгон-яшиқ матолари,  
Ўтар шоҳу гадолари,  
Аммо сўнги оҳ-воҳлари  
Не наф бера тушунмадим?

Жаҳонгир МИРЗО

“Уч ўлчовли дунё” дейдилар. Дарҳақиқат, оламнинг қай буржигга қараманг, ўзига хос учликни кўрасиз: жисмининг уч ўлчови (бўйи, эни, баландлиги), замоннинг уч шакли (ўтган, ҳозирги ва келаси замон), шунга мувофиқ инсоний онгининг энг муҳим уч таркибий қисми (хотира, идрок, тасаввур), шу шакл-шамойилларнинг тўлақонли инсоний оилаларида, улардаги уч авлод (ота, бола, набира)да ўзига хос тарзда бирикуви... Бундай бирикмасиз инсоний оила ҳам, онг ҳам алланечук синиқ, шикаста, номуккамал...

Моддий оламдаги энг мустақкам шакл учбурчаклиги башариятга қадим-қадим замонлардан буён яхши маълум. Шу боис, дейлик, қадимий Миср эҳромларининг чор тарафи учбурчак, Тошкент телеминораси уч оёқда мустақкам...

Муаззам Шарқ фалсафасига кўра, бу олам чор унсур (ҳаво, сув, тупроқ, олов) асосига қурилган. Ҳазрати Инсонга келсак, олов унинг юрагида, лекин жисмининг асосий қисми сувдан иборат ва у аввало ҳаво билан тирик, энг муҳими — бу жисм оқар сув билан учар ҳаводан эмас, абадиятга дахлдор бўлган тупроқдан бино этилган. Одам боласининг абадиятга қай даражада дахлдорлиги эса, унинг юрак ёлқинига боғлиқдир.

Инсон жисмидаги ҳар бир аъзо байини мўъжиза! Айниқса, кўз, мия, юрак!.. Ҳар бирининг ўз вазифаси борлигини, баъзиларининг вазифаси битта эмас, иккиталигини айтмайсизми! Лекин унда шундай бир аъзо (томоқ, бўйин, кекиртак...) борки, у битта-иккита эмас, бирваракайига учта вазифани адо этади: луқма ютиш, нафас олиш, дилдаги гапни тилга чиқариш! Айни вазифаларига кўра бу мўъжизавий аъзо тилимизда тагин уч хил номланади: жигилдон, гирибон, ҳалқум. Инсоннинг тириклиги ва унинг қанчалик комил инсонлиги, аввало, Луқманиннг Ҳалоллиги, Нафасининг Эркинлиги ва Сўзнинг Ҳақлиги узвий боғлиқдир.

Сўзда акс этган Ҳақиқатнинг энг қадимий шакли, албатта, ривоятдир. Ривоят қилишларича, Умумжаҳдон тўфонидан кейин башариятни ҳалоллик, эркинлик ва ҳақгўйлик йўлларига — шундай ўзига хос “борса келар”, “борса хатар”, ва “борса келмас” йўлларга бошлаган Нух алайҳиссалом, Иккинчи Одам алайҳиссаломнинг уч ўғли бўлган. Хомдан — ўн саккиз тилли ҳиндилар, Сомдан — ўн саккиз тилли Араб ва Ажам, Ёфасдан

— ўттиз олти тилли турклар ўсиб-улкан.

Башарият руҳий оламида ҳам учликлар силсиласи беҳисоб. Чунончи, инсоний руҳнинг уч мустақкам таянчи бор: сезги, ақл, туйғу. Шунга мувофиқ, инсоний руҳнинг санъатда зухур кўрсатиши йўсини ҳам уч хил: тасвир, таҳлил, ифода. Шунга биноан барча санъат турларини учга бўлиб тасниф қилиш мумкин: тасвирий санъат, таҳлилий санъат, ифодавий санъат. Азал-азалдан санъаткорлар орасида, айниқса, уч хил санъаткор: мусаввир-рассом, бастакор-ҳофизлик салоҳиятига, манзара чизиш ва оҳанг яратиш қобилиятига ҳам эга бўлган.

Сўз воситасида руҳни ҳам тасвир, ҳам таҳлил, ҳам ифода қилишга қодир бўлган санъат сўз санъатининг ўзи қадим-қадимдан уч муҳим турга бўлинган: драма, лирика, эпос.

Муаззам Шарқда драманиннг асосини сўз йўсини, хусусан, латифа билан аския, лириканиннг асосини шохбайт ташкил этган бўлса, эпос — бу дoston демакдир.

Буюк Туроннинг қадимий ёзма ёдгорликларидан бири — Кулгетин тошдаги ёзувларида энг кўп қўлланган уч сўз бўлиб, улар “Тангри”, “Кулгетин” ва “Турк” сўзларидир.

Буюк Турон кўп ҳолларда учга бўлиб тилга олинган: Шарқда — Ота Туркистон, Фарба — Бола Туркистон, шу икки ўрталиқда — Ота Туркистон. Баъзан у бошқачроқ ҳам айтилган: Шарқий Туркистон, Фарбий Туркистон, Марказий Туркистон.

Бу уч Туркистон, бугунги кунда кенг жаҳон айвонида яшаб турган жамик туркий халқлар уч асосий илдиздан ўсиб-унган: қорлуқ, ўғиз, қипчоқ. Ҳозирги уйғурлар — қорлуқларнинг, ҳозирги усмонли турклар, озорбайжонлар ва туркманлар — ўғизларнинг, ҳозирги қоқоқлар, қирғизлар, қорақалпоқлар, татарлар, бошқирлар — қипчоқларнинг авлодларидирлар. Туркий халқлар орасида фақатгина ҳозирги ўзбеклар шунинг учун ҳам қадимий Турк Отаниннг Ўз Бегилирки, улар шу уч қадимий илдиэин ўзларида бирлаштирганлар. Чунончи, Фаргона водийсида асосан қорлуқ ўзбеклари, Хоразм воҳасида — ўғиз ўзбеклари, Зарафшон воҳаси, Сибирь ва Дашти Қипчоқда эса, асосан қипчоқ ўзбеклари яшаганлар.

Бу уч илдиэин ўзига хос тарзда муҷассамлаштирган туркий ёзма адабиётнинг уч сарчашмаси бўлиб, булар Юсуф Хос Ҳожибининг “Қутадғу билиг” дostonи, Аҳмад Ясавийнинг “Девони ҳикмат” китоби ва Аҳмад Югнакий — Адиб Аҳмаднинг “Ҳабиат-ул-ҳақойиқ” дostonидир. Улар орасида, айниқса, Адиб Аҳмад дostonи шуниси билан ҳайратомузки, у чингизийлар ҳукмронлиги даврида туғма кўр шоир яратган қарийб ягона дostonдир.

Буюк Турон — Улуғ Туркистон, айниқса, Ота Туркистон, яъни, Марказий Туркистон босқинчи зотини кўп кўрган. Искандар Зулқарнайин бошлиқ юнонлар, хитойлар, жуңғорлар, форселар... Босқинчилар ора-

# Уч ўлчовли



сида, айниқса, учтаси бу Ватанга бемисл талофатлар, кулфатлар, офатлар келтирди: Кутайба бошчилигидаги араб босқинчилари, Чингизхон, Жўжи, Чигатои бошчилигидаги мўғул босқинчилари, Черняев, Скобелев, Кауфман ва бошқа чор генераллари бошчилигидаги Россия империяси босқинчилари. Аждолларимиз дастлабки йккита мустамлакачилик асоратларидан вақти келиб ана ўша босқинчиларнинг ворислари қойил қоладиган даражада халос бўлиб, халқона ибора билан айтганда, зўрдан зўр чиқдилар. Чунончи, араблар босқинидан сўнг бир ярим асрача ўтиб Абу Наср Форобий араб тили, фани, санъати, фалсафасини шу қадар чуқур ўзлаштирдики, устозлари Ал Киндий ва Ибн Рушдлардан ўзиб, Арастудан кейинги иккинчи муаллим — “муаллими соний” сифатида жаҳонда доврғу қозонди. Орадан тагин бир ярим асрача ўтиб, Аҳмад Ясавий турк тилида шундай шеърый ҳикматлар битдики, бу шеърый ҳикматлар “Қурьони туркий” сифатида улуғланади, “Мадинада — Муҳаммад, Туркистонда — Ҳўжа Аҳмад” деган гап кент тарқалди. Ниҳоят, орадан тагин бир ярим — икки асрача ўтиб Соҳибқирон бобомиз Амир Темур бир томонда — араб, яна бир томонда — мўғул босқинчилари қолдирган асоратлардан юртни халос этиб, Самарқандкек бугунги кунда ҳам оламни ўзига маҳлиё этгулик шаҳар — “ер юзининг сайқали”ни бунёд этди. Мазкур шаҳар теварагидаги қишлоқларга эса, Богдад, Париж, Дамашқ каби ўз вақтининг энг машҳур шаҳарлари номини қўйди... Башариятнинг кейинги икки ярим минг йиллик тарихида ўч соҳибқирон (Искандар Зулқарнайн, Муҳаммад Алайҳиссалом, Амир Темур) ўтган бўлса, уларнинг кенжаси, эрамининг иккинчи минг йиллигида яшаб ўтган ягона Соҳибқирон Амир Темур бобомиздир!

Амир Темур барпо этган улук салтанат халқимизга, айниқса, уч буюк сиймони етиштириб бергани билан алоҳида қадрлидир: Мирзо Улуғбек, Алишера Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур.

Уч бобурий шаҳзода — Ҳумоюн, Акбар, Шоҳ Жаҳоннинг Ҳиндистон тарихидаги ўрни беқиёсдир.

Бобурийлар инглиз мустамлакачиларининг мислсиз зулми остида хонавайрон бўлган Ҳиндистонни уч мутафаккир миллий озодликнинг нурафшон йўлига олиб чиқди: Махатма

Ганди, Рабиндранат Тагор, Жавоҳарлал Неру.

Ҳар бир халқ ва ҳар бир жамяятнинг истиқболи энг муҳим учта ижтимоий табақанинг аҳвол-руҳисига боғлиқ: деҳқон, хунарманд, зиёли.

Маълумки, халқимизнинг энг пушқимат эртаги — “Уч ога-ини ботирлар”да кечанинг биринчи қисмида Тўнғич ботир пойлоқчилик қилиб Аждаҳони ўлдирди. Кечанинг энг оғир қисмида — сўбҳи козибда пойлоқчилик қилган Кенжа ботир эса, подшо саройига кўз тиккан қирқта ўғрини ўлдирди. Эртанинг пушқиматлиги шундаки, мазкур мумтоз асардаги Арслон — жаҳду жаҳолат арслони, Аждаҳо — нафе илони. Қирқ қароқчи — инсон руҳини гораг этувчи ғафлат, ҳасад-хусумат, ҳаромхўрлик, ёлғончилик, залолат ва бошқа шулар каби жами қирқта руҳий иллатлардир. Эртандаги Кенжа ботир саройини ўғрилардан халос этибгина қолмайди, балки ўзини ҳам, икки акасини ҳам мурод-мақсад манзилга етказди: уч ога-ини подшонинг уч қизи — уч маликага уйланиб, мамлакат тахтига Кенжа ботир ўтириб, ҳаммалари мурод-мақсадларига етдилар.

Агар қоризм истилоси ва Шўро зулми қадимий Туркистонимиз ва унинг ўзига хос ўзаги бўлмиш жонажон Ўзбекистонимизда ҳўкм сурган зимистон кечанинг икки қисми десак, унинг учинчи — энг оғир ва ҳал қилувчи қисми, айтиш мумкинки, “қайта қуриш даври” сифатида тарихда қолган 1985-1989 йиллар бўлди. Бу сўбҳи козибдан кейин, 1989-1991 йиллардаги ўзига хос сўбҳи содиқ ўзбек халқи ва бутун Ота Туркистонимизни мустақилликнинг ёруғ кундўзига олиб чиқди. Не бахтки, мана, ўн саккиз йилдан буён жонажон Ўзбекистонимиз мустақил давлат ва буюк бир халқ сифатида жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини тобора мустаҳкамроқ эгалламоқда.

Бугунги дориломон замонда “Туркистон” саройи, “Туркистон” газетаси ва бошқа шулар каби “Туркистон” деган қутлўғ ном билан аталувчи даргоҳлар талайгина. Лекин жуғрофий ҳудуд сифатида ҳозир ҳам учта Туркистон бор: Шарқий Туркистон (яъни, Хитой Халқ Республикасининг Уйғур автоном райони ёхуд Қашқар), Фарбий Туркистон (яъни, Туркия) ва шу икки ҳудуд оралиғидаги Ота Туркистон заминида қарор топган бешта мустақил давлатлардан бирида — қардош Қозғистон Республикасидаги Чимкент вилоятига қарашли бир

қадимий шаҳар Туркистон деб аталади. Кўз қорасида ватан қилган мардумдек, Ота Туркистоннинг қоқ марказидаги яна бир ўзига хос Ота Туркистоннинг қоқ марказидаги яна бир ўзига хос Ота Туркистон, “Туркистон элининг шайхул-машойихи” Аҳмад Ясавий ҳазратларининг хоки пойи, ер юзидagi жамки туркий халқларнинг ўзига хос зиёратгоҳи бу!

Агар шу муқаддас шаҳар теварагида туғилиб ўсган икки қалам заҳматқаси — Миртемир домла билан Одил Ёқубовни Тўнғич ва Ўртанча ботир десак, Кенжа Ботирнинг беқиёс имконияти, худди Ота Туркистон заминидаги бешта қардош республикадек, жами тўрт нафар қаламқанда парчаланиб ётибди, дейиш мумкин: ёзувчи-публицист Суннатулла Анорбоев, болалар ёзувчиси ва таржимон Носир Фозилов, ёзувчи ва драматург Муҳаммад Хайруллаев, ҳажвчи ва тарихнавис ёзувчи Саъдулла Сиёев...

Хулласи калом, халқона иборалар ҳам яққол далолат бериб турибдики, “Хайр учгача”, “Учдан кейин пуч”... “Уч” сўзи рақамдан ташқари учбурчакнинг учи ва учиниси (“учмоқ” фельнининг буйруқ шаклини) ҳам ифодалайди. Тилимининг, Фитрат домла таърифлаганидек, “жаҳонда тенгсиз” бир тилсимлигини шу бир сўзнинг ўзретиқ қатрадаги қўёш аксидек аён кўрсатиб турибди.

Ҳегел триадаси, насронийларнинг троисиаси, русларнинг тройкаси, Бермуд учбурчаги... худлас, бу жаҳон айвонида учга боғлиқ бошқа тилсимлар ҳам бехисоблигини айтмайсизми!

1984-1989 йилларда ўзимча миёмда пишийтиб, 1989-1993 йилларда қорғозга туширилган, худлас, қарийб ўн йиллик қалб кўрим аёвсиз тўкилган мақолада бу чексиз оламни кўнгилидагидек тўкис-туғал қамраб олишга ўзимча уриндим. Хусусан, Туркистон кенглиklarини инжа кўнгилар ва қоп-қора кўзлар, бу кўзларнинг қорачиқлари — қора чўғларига жо-жаб қилишга ҳаракат қилдим. Уринишларим, ҳаракатларим, орзу-интилишларим самараси қандай бўлди — бу саволга жавоб Сизга ҳавола, албатта. Лекин менинг излай-излай топган йўлим ҳолимга яраша бўлди: донишмандликда беназир халқимизнинг энг пушқимат эртаги “Уч ога-ини ботирлар”нинг руҳий оламига имкон қадар чуқурроқ кириб, кўнгиларига йўл топгим келди...

ОТАУЛИ

# Шукроналик

Оллоҳ бандаларини яратаётганда қатор фазилатларни вужудига сингдирар экан. Чунки ушбу хислатларсиз инсон табиатда ҳеч ким бўлолмайди, жумладан, аёлни яратаётганда пешонасига, эҳ-ҳе, нималарни битмайди дейсиз. Бировни тақдир денгизига текис сузувчи, бировни тўлқинлар гирдобиде синагучи, бировни денгиз балиқларига ем қилгучи... шу зайл ўзи берган ирода, бардош, қаноат, омад, бахт каби фазилатлар қай даражада сақлаётганини имтиҳонга олгучи экан, ушбу имтиҳондан ўтиш эса мушкулотдир. Чунки бунни ҳаёт дейдилар.

Лола опа Эшиметова ҳаёт кемасига бир олам умид ва ишонч билан қадам қўйди. Турмуш ўртоғи кон изловчи Асомиддин ака билан турмуш завқ ва ташвишларини биргаллашиб бошдан кечирди. Бугун кечагидан, эртага бугунгидан яхшироқ яшашга интилди. Бардош ва маътонатли, сабрли ва иродали бўлди. Ҳар сафар фарзанд кўрганда онасининг “этагинг тўла бола

бўлсин” деган сўзлари ёдига тушарди. Ўзини гуноҳдан нари тутишга уринарди. Оллоҳ ато этдими демак ёруғ дунёга келсин, насибасини берсин дерди у. Шу зайл ўн бир фарзандни вояга етказишди. Эри геолог эмасми, ҳали Қўнғирот, ҳали Ашхабод, ҳали Бухоро, хуллас, шаҳарма-шаҳар кўчиб юришганда бирини кўтариб, бирини етаклаб тарбия қилишди. Асомиддин ака вафотидан кейин уларни оёққа турғизиш ўзига қолди. Хайриятки, тўнғичи қанотига кирди. Оғирини енгил қилди.

Лола опа Оллоҳ берган фазилатларни ўзида мужассам этгани учун ҳаёт кемаси тўлқинларини мардонавор енгди. Тақдир уни ярлақайди. Бугунги кунда ўн бир фарзанди истиқлол ша-рофатидан баҳраманд бўлиб, эл-юрт равнақи йўлида самарали меҳнат қилишмоқда. Онахон уларнинг камолидан мамнун ва масрур. Пирубадавлат онахон яқинда таваллуд кунларида ўзининг шукроналигини фарзандларига шундай изҳор этади!

*Бисмиллоҳ дея бугун  
Қўлимга қалам олдим,  
Оналик туйғуларим  
Қоғозга тўкиб солдим.*

*Ота-онам иноят-ла,  
Аташган Лолахоҳ деб.  
Бахтим баркамол бўлди,  
Пайгамбарнинг қизидек.*

*Асомиддин ака эди,  
Таг-туғли, аслзода.  
Ўн бир фарзанд ўстирдик,  
Турмуш деган бу боғда.*

*Ёшим етмишдан ошди,  
Шукур шу кунга етдим.  
Камалингизни кўриб,  
Юракдан шундай дедим:*

*Лутфиддинжон қанотим,  
Сенсан уйимда сарбон.  
Отанг қолдирган боғда,  
Ўзингсан асил болбон.*

*Отанг насиҳатларини,  
Дилиннга муҳр қилдинг.  
Васиятим бажариб,  
Чин ота ўғил бўлдинг.*

*Дилдан ташаккур айтиб,  
Дуо қиламан доим.  
Фарҳодим дунё-жаҳон,  
Ишда фидойи ҳар он.  
Қадр-қиммат бобиде  
Фидо қилади у жон.*

*Боғим ичра Нарғизим,  
Ақлли, доно бирам.  
Қадамидан ўт чақнар,  
Шундан кўнглим хотиржам.*

*Азизам нигоҳида,  
Мисли баҳор балқади.  
Юрагида эл-юртинг,  
Меҳри сувдек оқарди.*

*Саида чаққон қизим,  
Қош-кўзлари кундузим.*

*Фарзандларинг тўйида  
Ўзим бош бўлай, ўзим.*

*Кенжатай Аидахон.  
Мен билан бир тан, бир жон.  
Ака-опаларингдан,  
Кам бўлма дейман, ҳар он.*

*Фарзандлар саодати,  
Истиқлол шарофати.  
Элу юртга садоқат,  
Келажак кафолати.*

*Ўғил-қиз фарзандларим,  
Ҳар бирингиз дилбандим.  
Гул ҳаётим мазмуни,  
Барчангиз асал-қандим.*

Муқаддас АБДУСАМАТОВА,  
Ўзбекистонда хизмат  
кўрсатган маданият ходими

# Номаълум аёл мактуби

1832 йилнинг 2 феврал кuni буюк ёзувчи Оноре де Бальзак конверт четига “Одесса” деган почта мўҳри бошилган ғаройиб бир мактуб

олади. Ёзуви дастлаб бу мактубга унча эътибор бермайди. Чунки у ҳар кuni мухлисларидан келган кўплаб шундай мактублар билан танишар, аммо буларнинг ҳаммасига ҳафсала билан жавоб қайтаришга вақт топа олмасди.

Айниқса, парижлик танноз олимчалар ўша йиллари кўлма-кўл ўқилаётган “Ўттиз ёшли аёл” романининг муаллифи билан танишиб, у билан сўхбат қилишни жуда-жуда хоҳлашарди. “Сиз, — деб ёзарди улар буюк ёзувчига эҳтирос ва интизорлик билан, — аёл қалбини бошқалардан кўра ноziк-роқ тушунасиз ва қалб кечималарингизни оловли сатрларда, кўтаринки рўҳда шоирона ифодалай olasиз”.

Одессадан келган мактуб эса бошқача, аниқроқ айтганда, киши кўнглида дафъатан эзгин хотираларни кўзга юборар эди. Тўғри, аёл ўз мактубида ёзувчининг истезьодини кўкларга кўтариб мақтаган, аммо мактос сўзлари самимий, ифода услуби эса ўз қадрини яхши биладиган зодагон аёлларники каби нафис эди. Мактуб сўнггида: “Номаълум аёл”, деб чекилган имзо янада таажжубланарли эди.

Ёзувчи, таассуфки, “номаълум аёл”га жавоб мактуби йўллай олмасди. Чунки мактубда аёл ўзи яшайдиган почта манзилни кўрсатмаган эди.

Ўша кундан эътиборан буюк адибнинг ороми бузилди. Ўзини кўярга жой тополмай қолади. Аёл мактуби унинг қалбини тамомлаша забт этган эди. Фақат менинг асарларимни Париждан ташқарида, чет элларда ҳам

ўқишар экан-да, деган болаларга хос бегубор туйғу кўнглига бироз тасалли берар, кейин илҳом билан яна ижодга шўнғиб кетар эди.

Ёзувчининг болалик йиллари у қадар муҳим тарихий воқеаларга бой эмас, аксинча, машаққатли кечган.

Оноре де Бальзак 1799 йил 20 майда Франциянинг Туре шаҳрида таваллуд топади. Камбағал оилдан чиққан онаси уни туғилган кунидан бошлаб унча хуш кўрмайди. Бола тўрт ёшга тўлганча ўз ҳолига ташлаб қўйишади. Саккиз ёшга тўлганда ота-онаси уни монастыр йўналишидаги Вандом коллежга топширишади.

Коллежда ўқув интизоми шафқатсиз назорат остида олиб борилар эди. Шундан сўнг ўз фарзандига бемехр она олти йил давомида ўғлидан бор-йўғи икки марта хабар олади. Кейинчалик Оноренинг соғлиги туйқус ёмонлашгач, коллеждаги устозлари унинг онасини қақришга мажбур бўлишади. Ниҳоят, боласини учинчи марта кўришга келган она, ўғлининг афт-ангорига кўзи тушгач, кўрқиб кетади.

Илгари хўппа-семиз бўлган ўғлининг кўзлари энди ичига чўккан, эти устихонига ёпишиб қолган алфозда эди.

Бальзак коллежни тарк этиб, уйда даволанади. Орадан кўп ўтмай соғлиги тикланади ва Париждаги мактаблардан бирига ўқишга кириб, юриспруденция бакалаври унвонига эга бўлади. Лекин у ўз мутахассислиги бўйича ишладан воз кечиб, бутун умрини адабиётга бағишлайди.

Бир кеча-кундузда ўн беш соатлаб тинимсиз ижодий меҳнат ўз самарасини бера бошлайди. “Сўнгги Шуан”, “Никоҳнинг ахлоқий қиёфаси” романлари илк бор ёзувчига шўҳрат келтиради.

Ҳаммаси бўлиб тўқсонта романдан иборат “Инсон комедияси”нинг дастлабки китоблари — “Сағри тери тилсими”, “Евгения Гранде”, “Горю ота”, “Йўқолган орзулар” ва бошқа асарлари бирин-кетин нашрдан чиқади. XIX асрнинг 30-йилларида олдий леҳқон фарзанди Оноре қўсқа даврда жаҳоний шўҳрат қозонишини хаёлига ҳам келтирмаган эди.

Кизиги шундаки, ҳаётда эришган ютуқлари ошган сари, унинг атрофида парвона оқ билак олимчалар сони ҳам кўпая боради. Улар орасида Парижнинг манаман деган машҳур аёллари — қиролчининг туттинган кизи, император маршалининг собиқ жазмани, герцогиниялар, графинялар бор эди. О Бальзакнинг доимо порлаб турувчи чиرويلى кўй кўзлари ҳамда ҳамма ҳавас, ҳатто ҳасад қилидиган адабий истезьоди бу қандай аёлни ўзига ром этмасдан қолмасди.

Афеуски, адибнинг шон-шараф чамборига бурканган шўҳратига кутиммаганда тажовву уюштирилади. Томирда қирол Спюарт қони ўдуриб турган маркиза, ўзининг ишва-ю нозларига белисанд муносабатда бўлган ёзувчидан ўч олишга жазм қилади. Шоҳона базмлардан бирида, маркиза ҳамма эшитадиган қилиб, унинг паст табақадан чиққанига ишора қилади. Казо-қазолар даврасида қаттиқ мулзам бўлган Оноре, юрагини чангаллаганча даврани тарк этади. Аёл макри қирқ туяга юк бўлади, деб шунга айтсалар керак-да...

Ўшбу нохуш воқеадан кейин орадан бир йил ўтган, ёзувчи “Номаълум аёл”дан иккинчи бор мактуб олади. Бироқ бахтга қарши бу гал ҳам аёл ўзининг почта манзилни кўрсатмаган эди. Бальзак бундай интизорлик тафсилоти қандай хотима топишини сабрсизлик билан кута бошлайди.

Ниҳоят, навбатдаги учинчи мактубни олганда ёзувчининг кўнгли бироз таскин топандек бўлади. Чунки унда аёлнинг манзили кўрсатилган, агар ёзувчининг хоҳиши бўлса, ёзишмаларни давом эттиришга изн берилган эди. Шунча кутми ва итизорлик онлари беҳуда кетмади. Аёлнинг розилигидан боши осмонга етган Оноре ўша заҳотиёқ кўлига қалам олиб, номаълум аёлга нисбатан ғойибона муҳаббатини оппоқ қоғозга эҳтирос



билан тўқа бошлайди. Адиб аёлга йўллаган биринчи мактубидек уни: “Бундан буён Сиз лаззатли ҳаёлларим шамчиросисиз”, дея эрка сўзлар билан шарафлайди.

“Ғойибона бўлса-да, Сизни севиб қолдим. Бу тошу тарозили дунёда Сизсиз яшашимни тасаввур ҳам қила олмайман”, деган мазмундаги дил изҳоридан сўнг, қўшиб қўяди: “Дунёда фақат Сизгина мен ғарибни бахтли қила олишингиза мумкин. Ишонинг, қаршингизда тиз чўкканча, афтода ҳолда турибман, юрагимнинг ягона ҳўқмдори ҳам энди фақат Сиз. Майли, рози-ман, мени қайғу ва изтиробла қолдир-гандан кўра, бир зарб билан ўлдинри! Сизни бутун борлигим, мутаассир қал-бим ва олов янглиг алангаланаётган вужудим-ла севаман! Ўтинаман, мени мана шундай бахтиёрлик ва гўзал ор-зулардан бебаҳра қилманг!”

Алал-оқибат, аёл узундан-узок ишқий ёзишмалардан сўнг ёзувчи билан учрашишга розилик билдиради. Учрашувни қачон ва қаерда ўтказиш-ни мактубларидан бирида батафсил кўрсатиб ўтади.

Бахтдан, ҳаёлий орзуларининг ни-ҳоят ушалаётганидан юраги ҳаприққан ўттиз тўрт ёшли Оноре, оёғини қўлига олганча, Швейцария қайласдан, деб йўлга отланади. Аммо бу ҳақда ҳеч ким-га, ҳатто ўз яқинларига, дўстларига ҳам миқ этиб оғиз очмайди.

Улар Швейцариянинг Навшател шаҳридаги меҳмонхоналардан бирида учрашади. Аёлга қўзи тушган ҳамон, ёзувчи шу пайтгача “лаззатли ҳаёл-ларининг шамчироси” янглиг тасавури-да яшаётган ҳаёлий тисмол, аслига узукка қўз кўйгандек мос эканидан ҳай-ратта тушади. “Унинг қиёфасида, — деб

ёздади адиб кундаликларида, — ўзига хос мустақиллик ва гурур, бироз такаббури-лик, бежирим лабларида эркак зотиға хос қайноқ эҳтирос бор эди”.

Аёл ўзини Эвелина Ганская, деб таништиради. Сўхбат чоғида унинг асл исми-шарифи графиня Ржевусская экани, ҳозирда рус фуқаролигини қабул қилгани, ёши йигирма еттида (аслида 33 ёш), энди ёшли эрининг Украина-да минг нафардан ортиқ крепостной деҳқонлари борлиги маълум бўлади. Эвелина ўзи ҳақда сўзлар экан, орада Верхове қалъасида эри билан кечаёт-ган ҳаёти эрикарли эканини қистириб ўтади. О.Бальзак ҳам ўзи ҳақда, дўстла-ри, келажакдаги режалари тўғрисида сўзлаб беради. Бир неча соатга чўзил-ган учрашув бир лаҳзадек ўтиб кетади.

Мактубларда тугилган чин муҳаб-бат, кейинги учрашувларда мустаҳ-камланди боради. Эвелина вақтинча эри билан Женевага кўчиб келганда, ёзувчи уларнинг уйига дўст сифатида тез-тез ташриф буюриб турарди. Ёзув-чи энди уйда бир кунда 15 беш соат эмас, 20 соат ижод билан машғул бўла бошлайди.

Рождество байрами арафасида Оноре яна Ганскийларниқига меҳ-монга келади. Ўзига ажратилган меҳ-монхонадан қимматбаҳо совға — ол-мос кўзи орасига Эвелинанинг бир қирқим қора сочлари беркитилган каттакон узук топиб олади. Ёзувчи бу совға қимдан эканини яхши биларди. Шу сабаб, уни умрининг охиригача қўлига тақиб юради.

Женевада Бальзак ўзининг эҳти-росли мактублари билан Эвелинани қўлоқларигача кўмиб ташлайди. Ҳа, ўттиз тўрт ёшли навқирон аидининг орзулари ушалган эди: “Суюкли фа-риштам! — деб ёздади у мактубларидан бирида. — Сиз мени ақлу ҳўшимдан айирдингиз. Ўзимни бошқа ҳаёллар бил-дан ҳарчанд чалгитсам-да, фикран бир зум бўлса-да, кўз ўнгимдан кетмайсиз! Сиз кўз ўнгимда ҳозир ҳам худди кеча кўрганимдек гўзал, илоҳий гўзал қиёфасиз! Кеча тун бўйи телбалар-дек ўзимга ўзим, қуйдаги сўзларни такрорлаб чикдим: “Эвелина меники!”

Аслида, ҳаётда Бальзак тажриба-ли жазманлардан эди. Шу сабабли ўзи-нинг оловли сатрлари, беором юра-гиндан лавалек отилиб чиқаётган эҳти-росли сўзлари билан Эвелинанинг қалбига йўл топа олганди. “Фақат сиз-дек буюк санъаткоргина аёл кишига ҳақиқий лаззат бахш этиши мумкин”. — дея эркаланарди Эвелина, зориқиб кутилган учрашувларда.

Тақдир азал дейсизми ёки бунинг

ўзга сабаблари борми, ҳар ҳолда бир-бирига талпинган қайноқ қалблар бах-ти узоққа чўзилмади. Бир-бирларига ин-тизор ниғоҳлар-ла боққан кўзларининг учрашувлари етти йил узилиб қолади. Ганскийларнинг турли мамлакатлар бўйлаб уюшгирган саёҳатлари чўзилиб кетди. О.Бальзак эса, Парижда ижод билан қизгин банд. Муҳаббат эса етти йилгача ифодаси бир-бирдан гўзал ва эҳтиросли мактубларда яшарди.

Бунинг устига, қутилмаганда Эве-линадан келаятган хабарлар тўхтаб қолади. Ҳадиқ-хавотирга тушган Оно-ре унга мактуб устига мактуб жўната-ди. Ниҳоят, у 1842 йилнинг 5 январи-да, Украинадан мактуб олади: “Вен-цеслав Ганский дунёдан ўтди...”

Эвелина эрининг вафотидан кей-ин баъзи чала ишларини йўлга қўйиш учун Петербургга кетган бўлиб, унинг мактубларига жавоб бе-ролмаганини маълум қилган эди. Бу хабарни эшитган Бальзак Питерга от-ланади. У бир неча ойда Эвелинадан никоҳдан ўтишга розилик олғач, хур-санд ва хотиржам кайфиятда Париж-га қайтади. Севишганлар яна беш йил аҳён-аҳёнда учрашиб туришади. Учра-шувлар орасини эса яна шундай эҳти-росли мактублар тўлдириб, айрилик дамларига таскин беради.

Эвелина, ниҳоят, подшоҳ Нико-лай I дан никоҳларига рухсатномани қўлга киритганда, оғир хасталик Оно-рени тўшақка михлаб ташлаган эди.

Хаста ҳолида бўлса-да, 1850 йил 14 март кун, Бердичев шаҳридаги муқддас Варвара ибодатхонасида улар никоҳдан ўтишади. “Мен ўзим севаган, ҳозир ҳам сувоқли бўлган ва умримнинг охиригача севадиган, мен учун дунёда ягона ҳисобланмиш аёл-га уйландим, — деб ёздади у кунда-ликларига. — Бу ниҳонни шум тақди-рим, қилган меҳнатларим ва ҳаёт си-новларига кўрсатган сабр-бардошим учун Яраттанинг ўзи ато қилди. Мен ҳаётда бахтли болалик нима эканини, гулларга бурканган баҳорнинг ним-алигини шу пайтгача билмай яшадим. Энди эса менинг қўшели ёз кўларим, олтин кўзларим олдинда”.

Афсуски, Оноре де Бальзак ўзи-нинг “олтин кўз” кунларига ета ол-мади. 1950 йилнинг 18 август тонгида буюк ёзувчининг юраги уришдан тўхтади.

Шу тариқа, ўн саккиз йил давом этган муҳаббат мактублари аччиқ хо-тима топди...

Маъжур ТЕНГЛАШЕВ,  
филология фанлари номзоди

# НЕВАРА

(Хикоя)

Тўнғиз йилининг киши жуда қаттиқ келди. Ярим қулоч қалинликда қор ёғиб, ҳамма ёқ музлади. Қирқ йилда бир келган ҳам қиш ҳаммани қараёт қилиб қўйди. Авваллари икки киши учрашиб қолди дегунча, “Ё тавба, бу қанақаси, қиш чилласида на совуқ бўлади-ю, на қор ёғди...” дея нолишарди. Энди бўлса сўхбат мавзуси нуқул қаҳратонга бағишланар, доимо нималандир норизо юрадиганларнинг кунин тукқан, улар “бу совуқ эмас, офат!” дея алоҳидно солардилар. Совуқ қаҳқатдан ҳам жуда қаттиқ, бола-чаққа, қари-қартангнин уйда тиқилиб ўтиришга мажбур этарди.

Носир бобо ҳам қақшаб оғрийдиган оёқларини кўрпага ўраб, уззу-кун дераза ёнида ўтирар ва табиат нақалар мукамаллиги-ю инсон зотининг ношуқур, бегоҳлиги қаҳда тинимсиз хаёл сурарди. “Эҳ, одамлар, одамлар, на иссиғина чидайси, на совуғина. Ахир, иссиқ ҳам, совуқ ҳам табиат ҳодисаси-ку! Шундоқ экан, нима қиласиз, лоду фарёд солиб? Аслида, ҳамма ноҳақлиги номардикларга инсоннинг ўзи сабабчи. Табиат нотанглик қилмайдиган, унинг алоқалти тақвимида ҳеч қачон Баҳор ўрнини Ёз ёки Куз эгалдла олмайди. Одамлар эса бир пуллик манфаат деб авжи баҳорини қаҳратон қишга айлантиришга уринишадилар.”

Дераза ойналарини муз қоплаган, ундан кўчани кўриш хийла мушкул дегин чол хирогина кўзларини узгис келмас, “тиқ” этган товушга қулоқ солиб, кенжа невараси Одилбекнинг мактабдан қайтишини кутарди. Аслида у серфарзанд, невара-чеварларининг сон-саногини йўқ эди-ю, аммо шу Одилбек қурмағурнинг бобосига меҳри булалак. Бувиси вафот этган, онаси, опа-акаларига ҳам ишни бўлмади, севимли бобожонининг иссиқ-совуғидан ўзи хабар оларди. Бобо-невара қалин дўст эдилар. Бола эндиғина олтинчида ўқийётган бўлса-да, ақлли, сермулоҳаза, унинг меҳрибонликларидан бобонинг кўнгли ийиб кетар, “Худо умрини берсин, ўзимга тортган” деб кўради шукроналик билан.

Носир бобо кампири ва тенгурларидан айрилган, ўзини хийла олдириб қўйди. Яқин ҳам, шу Одилбек бор экан, қариянинг тобора заифлашиб бораётган ҳаёт шабини алангадлаб турибди. Бобо-невара дарвозахонага туташ мўъжазгина кужрага бекнинг олиб, алланималарининг режасини тузишар, бу сирни ўзларидан бўлак ҳеч ким билмасди. Эрта баҳорда Носир бобо еттинчи, Одилбек биринчи мучал ёшига тушлиди. Шунга бобоси юрта ош бериш ниғятида. Улар катта оила-

нинг бошқа аъзоларидан яширинча пил йигиштипти. Бобоси пенсиясидан, бола отаси мактаб учун берадиган пулидан бир сўм-арим сўм четгириб қўяди.

Носир бобо совуқ хонада кўнишиб ўтирганича юртга бериладиган ош харажатларини чамалайди. Энг аввало, илжи бўлса, эртага бозор кунини кўк кўчор сотиб олиш керак. Кўк кўчор, арпа еб турса, гўшти тоғли бўлишини, чол яқши билди.

Кўчор семирғач, Носир бобо бир қоп гуруч харид қилади. Ундан кейинги харажатларини бир амалласа бўлади...

Ниҳоят, совуқдан қулоқ-бурунларни қизарган Одилбек мактабдан қайтиб, бобосининг ҳужрасига бош суқди. Чолнинг серсоқол юзига юзларини босиб, хузуранди, сўнгра чой дамлаб келди, дастурхон ёзди.

Чой устида улар эртага мол бозорига бориш режасини туздилар. Бу режа ҳам одатлагидек “маҳфий” эди. Ўғиллари билди қолишса, қаҳратонда оталарини мол бозорига боргани қўйишмайди, ўзимиз олиб келамиз дейишлари турган гап. Лекин улар танлаган кўчор чолга маъкул бўлармиди? Бу мишиқлар кўчор танлашнинг эмас, унинг гўштини пок-покиза туширишни билишадилар, холос. Носир бобо шундай кўчор олиб келадигани, ҳеч қўверинг. У оғилхонанинг энг қоронғу, қалам етмас бурчағида анма-мунча кўк беда, арпа гамлаб қўйган.

Шу оқшом бобо-невара кўчор сотиб олиш режасини обдон пишиглар экан, табиат ҳам кўк қовуштириб ўтирмади. Яна қалин қор ёғиб, қора совуқ забитга олди. Носир бобо тонг қоронғусида уйғониб, бомдод намозини ўқиб бўлган, неварасини уйғотди. Улар ҳовлидан сеҳримча чиқдилар-да, қишлоқдан икки қақиримча олисалди мол бозорига жўнадилар.

Қалин қор, қаттиқ совуқда пилда йўл босиб жуда мушкул, чол Одилбекни азобга қўяётганидан изтироб чекарди. Невара “совуқ қотмайман” дея бобосини ишонтиришга астойдил ҳаракат қилар, икки сирдош бир-бирларига далда бериб, олган илтилардилар.

...Оила аъзолари совуқда қунишганларича нонуштага ҳозирланишар экан, дарвозадан кўчор етаклаб кирган бобо-неварани кўриб, ҳанг-манг бўлиб қолди. Шохларини бурама, кўк жушлари совуқдан хийла хурпайган кўчор давра айланган полвонга ўхшаб виқор билан қалам ташларди.

Айвон остида ювинаётган катта ўғил норозилигини яширilmay, шангилади.

— Ота-а! Шу совуқда бу нима қилиқ?! Бола кўқариб кетибди-ку!

— Ҳеч ҳам кўқаргани йўқ, Одилбек энди катта йигит бўлиб қолди, — деди ота.

Отасининг гапидан даргазаб бўлган ўғил Одилбекнинг юзига шалапоқ тортиб юборди.

Бола гандираклаб кетди-ю, йиқилмади, бобоси томон тисарилди. Чол кўчорнинг ипини кўлидан қиқармасликка ҳаракат қилиб, ўғли ва неварасининг ўртасига тушди.

— Кўлинг қичиб турган бўлса, мана, мени ур! Болада айб йўқ, — чолнинг овози титраб, кўзлариди ёш айланди. — Шу баҳорга чиқиб, юртга бир ош берсак деган эдим...

Ўғил отасининг аҳволини кўриб, бироз шаштидан тушди-да, тўнғиллади:

— Ош, ош! Юртга неча марта ош берасиз, ахир?! Кам қолгани йўқ-ку!

— Кам қолдим, йўқми, бу сенинг ишинг эмас! Неча марта керак бўлса, шунча марта ош бераман, билингини?! — Носир бобонинг товуси энди қаҳри туш олди.

Ўғил муроса қилишга мажбур бўлди.

— Энди, ота, ош бериш керак бўлса, биз қараб турмаймиз-ку, ахир. Оруз-ҳавас нима эканини сал-пал тушунамиз...

— Оруз-ҳавас дейсанми, ўғлим? Йўқ, сен фақат қорингин биласан, қорингини! Отанинг овози хирқираб чиқди. У ҳолдан тойган, бутун вужуди дағ-дағ титраб, бу совуқданми, газабданми, билиш мушкул эди.

— Ота-а, — деди ўғил яна қўзиб, — шамоллаб қолманг дейман-да. Қаранг, кўқариб кетибсиз-ку! — Боласи совуқ қотганини дарҳол англаган номард ўғил отасининг тезтаран лабларига энди эътибор қилганди. Сўнгра у чайнала-чайнала яна сўз қолди.

— Ҳўп, майли, бўлар иш бўлди. Кўчорни бу қора қишда нима билан боқамиз? — Ўғил муросага келгандай кўринса-да, барибир отасини мулзам қилиш фикридан қайтмаганди.

Носир бобо чуқур тин олиб, ўғлига мағрур нигоҳ ташлади.

— Кўк кўчорни кўк беда ва сара арпа билан боқамиз! — Ота кўчорни оғил томон етаклади...

\*\*\*

Бозор кунини тонгдаги қора совуқ барибир ўз ишини қилди. Носир бобо шамоллаб, ётиб қолди. У иситмага ёниб, қаттиқ йўталар, бутун вужуди азобда бўлса-да, сира нолимас, шифтга тикилганча жимгина ётарди.

Ўғил-қиз, келинлар қар замонда унинг хонасига бош суқиб, бир қоса, ярим қоса оби-ёвгон киритиб турсалар-да, ҳеч кимнинг у билан иши йўқлиги аён эди. Биргина Одилбек бобосининг атрофида парвона бўлар, кўк кўчорга ҳам ўша қараб турарди. Бобо жониворини қандай боқшини қайта-қайта тушунтирар, болақай унинг айтганларини беким қўст адо этарди. Арпа, беда билан сиёланаётган кўчор кун сайин семирар, чолнинг эса аҳволи оғирлашиб, кўзлари ич-ичига ботиб бо-

рарди. У дориларни ичмай қўйган, охири кунларда овқат ҳам эмасди. Тўғри, балан кўнгли қандайдир тансиқ таомга кетгандай бўлар, лекин бу нима овқат эканини билмасди. Неварасининг “Божон нима ейсиз? Нима олиб келай?” деган саволларига жавобан хаста товушда “Хеч нима керак эмас, болажоним...” деб қўярди.

Қор-қировли, совуқ шаҳарларнинг бирида ўрнида ҳаёл суриб ётган Носир бобонинг кўз ўнгига Бухоронинг олаговур Шахристон бозори гавдаланди.

Ушанда иссиқ ёз эди. 8-9 ёшлар чама-сида бўлган бола отаси билан эрта тонгдан йўрга эшакла олиб йўл босиб илк маротаба Бухоро шаҳрига келганди.

Боланинг ҳайрат тўла кўзлари номи тилларда дoston бўлган гўзал ва Шариф шаҳарнинг афсонавий нилий гумбазлари, току расталарга тўймай боқар, олаговур бозорда отасини йўқотиб қўймаслик учун унинг дағал ва чайир қўлидан маҳкам ушлаб олганди.

Ота-бола бозорни обдон айланиб, у-бу харид қилишни, сўнгра жуда гавжум чойхонага кириб, қари тут тагидаги сўрига ўтиришди.

Оқ ятак кийиб, слкасига сочиқ ташлаб олган чойхоначи — нуруний чол бир зумда аччиқ чўи, ширмови қулча, қанд-қурс олиб келди. У отасининг эски таниши экан, Келдир бобога мулозамат қилди:

— Хўш, қани, тақсирим нима буюрадилар?

— Об-бо, муғомбир-ей, худди билмайдигандай сўрайсан-а? Биз, қишлоқларда яшай курадиканимизни олиб келавер-да!

Кўп ўтмай ота-бола қариндасла ёғлари жижиллаб турган сих кадоб пайдо бўлди. Улар кабобни пок-поккиза тушириб бўлишгач, чойхоначи қовурилган балик олиб келди-ю, дўстига ҳазил қилди:

— Зарафшоннинг балиги. Тонгда олиб келишганди, ҳали тирик десаям бўлади...

Икки оғайни мириқиб кулдилар.

Боланинг қўли овқатда-ю, кўзлари Бухоронинг бетакорор гўзалликларига тўймай боқар, у ўзи биринчи бор кўраётган бу қадимий шаҳарнинг бир умрлик мафтунига айланганини ҳали билмасди.

Бухоро болакай кўп эшитгани—қадимги эртақларга ўхшаб кетарди. Миноран Калон тепасидаги бир жуфт лайлак Мири Адам мадрасаси гумбазига макон қурган бошқа бир жуфт лайлакка сервиркор назар ташлаб, “так-так” лаганларича “Биз сиздан баландламай” демоқчи бўлишарди гўё. Лекин у жониворлар ҳам, Носир ҳам билмасдиларки, бу дунёи дунда Бухоро баланддир, Бухоройи шариф сарбаланддир...

Бола лайлакларга тикилганча овқат чайнар экан, отаси ёғли қўлларини арттиб, яна эски дўстини чорлади.

— Ҳой, чол, андак паршонхотир бўлибсанми дейман?! Ахир, мен энг яхши кўрган нарсани олиб келмадинг-ку!

Чойхоначи ҳам бўш келмади:

— Нима бало, тушмигинг остидаги нарсани ҳам кўрмайсани?!

Шунда ота-боланинг кўзлари хонтах-

танинг сал цетроғида турган гулдор нимкосага тушди. Нимкосада сариғиш бир нима бор эди. Унинг нималигини бола билмасди.

— Уэр, дўстим, уэр. Энди бу ёғи қаричлик-да... Кузим тушмабди.

Чол маза қилиб кулди-да, нимкосага ишора қилди:

— Қани ол, ўғлим, бу Бухоронинг ўша машхўр оби-новот!

Ота-бола ширмови қулчани нимкосага бўктириб, оби-новот ея бошладилар. Носир ҳеч қачон бунақа ширин ва мазали ҳовла емаган эди. ...Бирдан Носир бобонинг бадани жунжикиб кетди. У олаговур Шахристон бозориде эмас, ўзининг совуқ ва дилгир хужрасида ётар, нурсиз кўзлари шифтга қалалган эди. Юрагини жунбуша келтирган нури туйғулдар гоийб бўлиб, унинг лабларидан “Оби-новот!” деган сўз учди.

Ёнида ўтирган Одилбек хушёр тортиб, сўради:

— Айтинг, божон, нима ейсиз?

— Ҳеч нима керак эмас, болам! Ўзим, шундоқ алахирабман, чоғи.

Бола ҳарчанд уринмасин, бобосининг ярим юмўк лабларидан беҳос учган сўз нималигини билолмади.

... Шанба кўни эди. Чолнинг шаҳарда яшайдиган ўртанча ўғли уни кўргани келди. У меза-чеза, иссиқ нон, ширинликлар олиб келганди.

Носир бобо бир бурда нон олиб, уни узоқ қилдила, кўзларига суртди. Сўнгра амаллаб чайнаб, ютмоқчи бўлди. Ютолмади, кўзларидан ёш тиркиради. Ўғли қўлига тутказган қизил олманчи ҳам томоша қилди-ю, сўнг дастурхонга ташлаб, бошларини сарак-сарак қилди. Шунда мўъжиза юз бериб тилидан яна бир сўз учди.

— Оби-новот...

— Нима дедингиз ота? — сўради ўртанча ўғил.

Ота индамади. Лекин бу гал Одилбек хушёр эди. Бобоси айтган сўзини бурро такрорлади:

— Оби-новот! Оби-новот! — Бу сўз мазмунини боланинг амакисин яхши биларди. Чунки Носир бобо уни бир неча марта оби-новот билан сийлаганди.

— Ҳа, ота, оби-новот олиб келайми?

— Йўқ, ташвиш чекма болам. Шундоқ хаёлимга келди-да. Раҳмати отам Шахристон бозоридан олиб берган эдилар, бирман тоғли эдики, — беихтиёр тамшаниб қўйди.

Отаси унчалик қистамагач, ўртанча ўғли уйига қайтаётганида акасига шундай деди:

— Оби-новот ҳозир сал таққилроқ, Агар бирор киши борса, мен топиб берардим...

Катта ўғил бир оғиз “хўп” деди-ю, укасин кетгач, оби-новотниям, отасиниям унутди. У 3-4 кунда бир марта хўжрага шундоқ бош сўқарди, холос. Амакисидан оби-новот нима эканини билиб олган Одилбек жуда жонсарак, қандай бўлмасин бу ҳовлани топиб, бобосини хурсанд

қилишни ўйларди. У амакисининг ваъдасини отасига бир неча марта эслатди. Отасини лоқайд қўл сийлади.

— 9-э, бу совуқда Бухорога ким ҳам борарди? Кейин шу шилимшиқ ҳовляим нарса бўлибми?

Орадан яна бир неча кун ўтди. Чол ҳамон оғизга ушоқ солмас, онда-сонда беихтиёр “оби-новот” деб қўярди, холос.

Ниҳоят, бола амакисин ваъда қилган ҳовляни ўзи олиб келишга қарор қилиб, изгирин тонгларнинг бирида отасидан яширинча Бухоро шаҳрига жўнади.

У совуқдан дийдираб, бир аҳволга тушиб кечта томон уйга қайди. Аччиқ изгириндан боланинг қўл-оёқлари қарақт бўлаётган эсада, унинг кўзлари мамнун лиғларди. Ҳа, кимга билдирмай, бобосининг ғарибона хўжрасига кирди. Чол безозорига пишиллаб, ухлаб ётарди.

— Бобо божон, турин! — деди бола қувончдан юраги ҳапқириб. Мен сизга оби-новот олиб келдим! — Одилбек сўзидати тутунгани дастурхонга қўйди.

Носир бобо нурсиз кўзларини секин очди, бир муддат ҳеч нимани тушунмай, гарангиди. Бола шодон қўйқиряқ билан сўзларини такрорлади.

— А-а, нима, оби-новот дейсанми, болам? Қаердан тодингиз! — сўради чол хушёр тортиб.

— Амаким ҳам, янгам ҳам уйлариде йўқ эканлар. Учта бозорни изладим. Охири топим, ман! — Одилбек тутунгани очиб, жон ушатди.

Бобоси унинг ёрдамида қўл-бетини чайиб олгач, ишлага билан оби-новот еди. Бола ҳам умрида биринчи бор бу ажойиб неъматни тағиб кўрди.

— Оҳ-оҳ, — дерди чол кўзларини юмганича тамшаниб, — мана буну ҳовла деса бўлади. Умрингдан барака топ, болам!..

Шу оқшом чол айраб, очилиб кетди. Ховлига чиқиб, кўк кўчқорни ўзи арпа билан сийлади. Ҳамаму бу ўзгаришдан жуда ҳайрон, лекин унинг сабабини билмасдилар...

Тонгда бобосининг хўжрасига кирган Одилбек уни узоқ вақт уйғота олмагач, онасини чақириб келди. Катта келин қайнотасининг очиқ қолган кўзларига тикилгач, гал нимадилганин дарҳол тушунди.

— Ўғлим, сен кўчқорнига қара, мен ҳозир, — деди у.

Лекин бола онасига қулқол солмади. У бобоси томон талпиниб, йиғлаб юборди...

Марҳумнинг кўзлариде алам, укинча ва шунинг баробарида аллақандай мамнунлик аломатлари зоҳир эди.

Отанинг таъзия маросимига тумонат одам йингилди. Кўк кўчқор сўйилиб, юрта ош берили. Ўғиллар, кўёб, неваралар “во-отам”лаб йиғлашар, лекин Одилбекдан булак бирортасининг кўзида йилтираган ёш кўринмасди.

Совуқ тобора зағпига олар, йўл-йўлкалар музлаган, бўғотларда сумалаклар осилиб турарди...



# ҚАРОҚЧИЛАР ХАЗИНАСИ СИРЛАРИ

Қадим юнон афсоналарида зикр қилишларича, денгиз ўртасида жойлашган мўъжазгина оролчада ажаб-товур бир қўл тегирмони бўлиб, унинг қулоғи сал буралса, ичидан оппоқ ош тузи булоқдай қайнаб чиқаварар экан. Кунлардан бир кун очкўз бир киши оролдан тегирмонни ўғирлаб, қайиғида қуруқлик томон сузиб кетибди. Бироқ қирғоққа етгунча очкўзнинг сабри чидамай, денгизнинг қоқ ўртасида тегирмон қулогини бурабди. Қайиқнинг ичига оқ марваридек туз доналари шовуллаб тўкила бошлабди. Бойнинг қувончи ичига сигмай, лапанглаётган қайиқнинг ичида сакрай бошлабди. Аммо... унинг бу қувончи узоққа чўзилмабди. Негаки, тегирмон қулогини бурашга бураб, уни тўхтатиш йўлини билмагани сабабли, ҳадемай қайиқ тузга тўлиб, денгиз қаърига чўкиб кетибди...

Ровийларнинг ҳикоя қилишларича, сув остида ўша тегирмон ҳамон тинимсиз айланар ва шу сабабли денгиз суви шўр эмиш...

Албатта, бу шунчаки эртақ, холос. Аммо ҳаётда бойлик ортидан қувиб, охир-оқибат ажал топган таваккалчилар ҳам учраб туради. Айниқса, яширилган улкан хазинага эга бўлишни ким ҳам орзу қилмайди дейсиз? Шу пайтгача дунёдаги энг катта хазина, бу — қароқчилар хазинаси ҳисобланади.

Узоқ ўтмишда денгизчилар катта бойликка эга бўлиш илнжиди номаълум ўлкаларга йўл олганлар. Улар ўз сафарлари чоғида йўл-йўлакай олтин тўлдирилган қироллик кемаларига ҳужум қилганлар. Бир неча юз йиллар давомида Америка ва Ҳиндистондан олиб кетилаётган олтинлар учун жанубий денгизларда шафқатсиз жанглар кечган. Қароқчиларнинг доимий яшаш жойи бўлмаган. Улар денгиздан денгизга, уммондан-уммонга сузиб, қароқчилик қилганлар.

Шу боис, кемаларни талаб, одамларни шафқатсиз қириб ташлаш эвазига топган олтинларини махфий жойларга бекитиб қўйганлар. Аммо ушбу олтинларни топишга орузманд кишилар ўз мақсадларига ета олмаган, улар-

нинг аксарияти сирли вазиятларда ҳалок бўлган.

Хўш, қароқчилар хазинасининг сир-асрори, махфийлиги сабаблари нимада?

Гапни тарихда бутун Европани танг аҳволга солган ўта даҳшатли, қиргинбарот воқеалар тафсилотидан бошлаймиз.


Христофор Колумб Америка қитъасини кашф этгач, маҳаллий аҳолидан тортиб олинган олтинлар Атлантика океани орқали Европа томон оқиб кела бошлайди. Юзлаб кемаларга юкланган тонна-тонна олтинлар ҳар қандай кишининг ақлини шошириб қўйиши тайин.

Бундан хабар топган қароқчилар галаси Кариб денгизи ва Азор ороллари яқинида олтинлар юкланган Испания кемаларига ҳужум қилишар эди. Баланд ўрқачли тўлқинлар орасида ҳаёт-мамот жанглири бошланар, қароқчилар шафқат нималигини билмасди. Замбараклар ўқидан кемалар ловуллаб ёниб кетар, минглаб одамлар кемалари билан қўшилиб денгиз тубига гарқ бўлар эди.

Бизгача етиб келган маълумотларга қўра, Тич, Морган ва Кид исмли қароқчиларнинг ўмарган махфий хазинаси бир неча миллиард АҚШ долларига тенг, деб баҳоланган. Аммо ажабланарли томони шундаки, асрлар давомида уюштирилган экспедиция вакиллариининг саъй-ҳаракатларига қарамай, улкан афсонавий хазинадан ҳамон дарак йўқ. Аксича, бундай таҳликали ишга жазм этган олтин қидирувчиларнинг кўпчилиги сирли равишда ҳалок бўлган. Тўғрироғи, ҳеч қандай сабабларсиз, сирли тарзда йўқолган.

Хазина қидирувчилар ҳақида ёзилган ўнлаб китобларда бундай сир-синаотлар тўғрисида бири-бирдан қизиқарли маълумотлар келтирилади. Хусусан, қароқчилар инсон қадами етмайдиган оролларга олтинларини яширгач, хазина тепасида саф тортишиб қўйидаги сўзларни алам билан такрорлашган:

“Агар кимда-ким бу ерга яширилган (кўмилган) олтинларимизга қўлини теккизишга жазм қилса, унинг ортага қайтиш йўли шамшир тиғидан-да қисқароқ бўлсин!”



Бундан ташқари, ҳаётда минг марта ажалга чап бериб, ёши бир жойга бориб қолган айрим қароқчилар хазиналарини кўмиб қўйган жойга қайтиб борган ҳоллар ҳам бўлган. Бироқ бундай бахт камдан-кам одамига nasib этган. Бунинг устига, олтин кўмилган махфий жойга бир вақтинчлик ўзида икки нафар қароқчи тўқнаш келиб қолса, табиийки, уларнинг жисмонан кучилироғи заифроқ рақибини ўлдирган. Гуё уларнинг ўзи бир пайтлар алам билан тақорорлаган сўзлар энди ўз кучини кўрсатаётгандек.

Шу ўринда ҳаёлингизга бир лаҳза эрк беринг:

Ер қаърида абдий тўнган хазина атрофидаги ҳаводан қон — инсон қони ҳиди уфуради. Ҳали қоқ пешин бўлишига қарамай, атроф-жавоиб шафақдай қип-қизил. Алвон рангли чангалзорлар ёнгинасида инсон ақт-заковатига зид ҳодисалар содир бўлаётганидан ўксингандай, мунгли чайқалади. Бутун оролга қабристон сукунати чўккан. Лекин бу сукунат салтанати чақмоқ чақинидан, момоқалдироқ гумбирлашидан-да оғирроқ, Тирик қолган кекса қароқчининг қўлида белкурак, кўзлари қон-талаш, қўллари шилинган. Бироқ у буларнинг барчасига бепарво, жон-жаҳди билан ер қазимокда! Хазина тепасида, кўмилган олтинлар учун жон берган минглаб инсонларнинг руҳлари оқ капалак сингари чир-чир айланади. Ҳа, хазиналар ороқи ўз қурбонлари билан ҳисоб-китоб, савол-жавоб қилаётгандек қаҳри қаттиқ, турқи совуқ, қовоғи солинган...

Бу қароқчиларнинг кўз кўриб, қулоқ эшитмаган бойликларини ўз бағрига яширган орол — Кокос ороли бўлиб, у Тинч океанининг шимолида жойлашган. Бу орол шунчалик хатарлики, унга қадам қўйган қароқчилар ҳам ушбу даҳшатли маскандан тирик қайтишларига шубҳа билан қарашган.

Бу мўъжаз, аммо қаҳри қаттиқ оролчага биринчи бўлиб Генри Морган исм-шарифли қароқчи ўз олтинларини яширган. Моргандан кейин яна уч нафар энг машҳур қароқчи — Вильям Дампир, Скот Томпсон ва Александр Грэхем (унинг лақаби Бахтли Бенито бўлган) ўз бойликларини ушбу орол бағрига кўмганлар. Бироқ

улар бир-бирларининг хазинаси яширинган жойдан мутлақо беҳабар бўлишган.

Дунёда яхши ният билан қўйилган ном, бошланган эзгу иш ҳам ҳаммаша бирдек ўзини оқлайвермас экан. Бахтли Бенито тақдирида ҳам айнан шундай ҳодиса юз берди. Қароқчилар сардорлари орасида унинг обрўйи баланд, талон-тарож жангларида доимо омади юришарди. Бироқ машҳур қароқчи ушбу оролга қадам қўйиши билан омад ундан юз ўгирди. Сирли-сеҳрли, айниқса, қаҳрли орол унинг “бахтли” деган лақабини ўзига сингирди олмади. Бахтли Бенитонинг тақдири ўзидек шафқатсиз ва даҳшатли оролда хотима топди...

Воқеа мана бу тахлитда юз берган эди.

XIX аср бошларида испанлар Жанубий Америкадаги Лима қабилиси хазинасини катта куч билан қўлга киритгач, олтинларни шоша-пиша Испанияга жўнатиш пайига тушишади. Шу боис улар бир кечада тўпланган бойликларни кема тағхонасига жойлаб, очиқ денгизга чиқишади.

Бироқ улар Панама кўрфазига кираётган пайтда Бенито бошлиқ қароқчилар ҳамласига дуч келишади. Икки ўртада ҳаёт-мамонт жанги бошланади. Бундай пайтда Бенито шу қадар ёвузлашиб кетар эдики, у ҳатто бир сиқим олтин учун ўз отасининг бошини танасидан жудо қилишдан ҳам тап тортмасди. Унинг яна бир лақаби — “Қонли қилч” Бенитонинг бераҳмлигини айнан ифода этар эди.

Қисқаси, худонинг ғазабига учраган ўша кун қароқчилар испанларни ошшазларигага қилчидан ўтказгач, кемани олтинлари билан Кокос оролига олиб кетишади. Улар қирроқ яқинидаги ер ости ғорига олтин тўла сандиқларни апили-тапили яширишади. Қароқчилар ўз ишларига шу қадар устаси фаранг эдики, ғорга бош суққан одам бу ерда олтин яширилганини ҳатто ҳаёлига ҳам келтирмасди.

Олтинларни саранжом қилгач, Бенито гуруҳининг икки елканли кемаси қирғоқдан энди узок ташлаётган чоғ, қутилмаганда, англияликларнинг икки тезлорар кемаси ҳамла қилиб қолади. Оқибатда, бир неча соатга чўзилган қонли жанглардан сўнг, қароқчиларнинг ҳаммаси қўлга олинади...

Ҳа, омад Бенитодан илк марта юз ўгиради. Бу ҳодиса каллакесарнинг Кокос оролига илк марта қадам қўйган кунга тўғри келди. Сирли оролга унинг биринчи қадами ёқмади. Шу пайтгача бирор марта душман қўлига тушмаган, бошқача айтганда, ўтда ёнмас, сувда чўкмас Александр Грэхем ўзига ўхшаган қонхўр сафдошларининг кўз ўнгида дорга солинади.


Бу — сир-синаотга тўла хазиналар оролидаги биринчи ўлим эди.

Иккинчи томондан, жуда катта бойликни қўлдан чиқармаган испанияликлар ўзларича шумлик ишлатмоқчи бўлишади.

Гап шундаки, ўзаро тортишув чоғида испанларнинг кичикроқ лавозимдаги бир офицери қизиқ бир таклифни ўртага ташлайди. Қутилмаганда бу таклиф ҳаммага маъқул тушади. Бироқ ишлаб чиқилган бу режа қанчалик пухта бўлмасин, соддалик испанлар қароқчилар бир кунмас-бир кун ўзларини яна доғда қолдириши мумкинлигини ҳозирча билишмасди...

(Давоми бор...)

Комил ЖОНТОВ  
тайёрлади

Автомат русуми	Авто русуми (Япония)				Бир маҳзабга мансуб кишилар	Ж. Верди операси	Қават, қат	Савдо қатори
			"Яхши ният ... давлат"	"... Узла-ла" (А. Куросава фильми)		Тарона, оҳанг, куй	"Дил ба еру ... ба хор"	Ўлилар тўдаси
			Ташкилот, маҳкама	"Бўлма-сам-чи!"		Балиқ уруғи (увилдирик)	Қулф очиб, ас-боби, очкич	Қўнжай-тириладиган юз аъзоси
			Қафт ҳолати, муштум		Уй жиҳози			Эр
Уқув юрт	Бир йиллик босқичи	Чехра, юз	Ева ёри			Жан ... ("Фантомас" актери)	Шаҳар ҳоқими	
			Августдаги инсти-тут имти-хони	Турт мавсумнинг бири			Қўшни миллат	Узун думли тўтиқуш
				Намозда бошни эгиш		Одиссей ватани		Реклама, эълон
Сақрадаги обод, сувли, ўлка	Овора, сарсон, сағгардон		Мушкетерлардан бири	Муоика-ли овқат-ланиш жойи				
Шифохо-на хо-наси	Юнон файласу-фи (Аристотель)			Эманлар оиласига мансуб дарахт		Тўтиқуш тури		Овқат (болалар тилида)
				"... қил-ганлар паст бўйсин!"	Ойна, шиша ёриғи			
Ток учун сўри, во-йиш	Шоҳ Эдип хо-тини ва онаси	Салла, дастор	Келин-куёв ота-оналари			Оид, мансуб, тегишли		
				Бошдан во-кеалар	Сафардаги ки-ши, сайёҳ		Патрисия ... (хо-нанда)	Олов, оташ
								Ов ити
Молнинг кам чиқа-диган қисми	Вулқон суюқлиғи	Доим, ҳамма вақт	"... бури муаллама, қўй гўшти-ник тўрама"	Аёлларга мурожа-ат	Украина парла-менти	Адабий тур ини-даги бўлиниш		
Купидон, Эрот			Устки кийим	Хинд амал-дори				Лаос халқи
				Эшак минган қизикчи				
Оғирлик ўлчов бирлиғи	Сомали пойтахти	Достон айтуви бахши		Австра-лия ити				"Дилим яна дил-бар ... ига тушди"
			"... Турғун-боёва (рақоса)"					

"...дан чаён" (асар)	Тотув, иноқ	Шиша идиш	Еғоч бола	Чой қолдиги		Бразилия сериали ("Биринчи" канал)	Нон бўлаги, ушоқ
				Завқ...	Олий ... (Парламент)	Байроқ, туғ	
... Исмоилова (актриса)	Ноҳақ таллаб, даъво	Энди уйланган йигит		Балиқ суюғи, қилтяқ	Исиган	Ипак	Мусбат электрод
							У бозорда сотилмайди
Сипо, қамтар, хокисор			"Олим бўлсанг, ... сеники"	Нефтя бой давлат	Денгиз қисқич-бақаси		Ҳиндистон аҳолиси
							Иссиқ ҳарорат
Уюр, сурув, отар	Твин ... (сериал)	Миллат (Осиё)		Кир ювиш кукун	... Комилов (қушқич)	Иқтисодчиларни чуқурлаштириш	Езувчи аёл
							Тарки амри маҳол
"...туғганимиз шу"	Яширинча товарни ўтказиш					Спорт буюмлари ниқарувчи фирма	Луи ... (француз ёзувчиси)
			София ... (эстрада хонандаси)				
	Бангладеш пойтахти			Турна тури			Афсонавий катта илон
							Совға, тортиқ
Ип ўраш буюми	АҚШ штати	... Муминов (хонанда)	Тан олмаслик, рад			Ваҳимали турқ	Америкадаги думсиз бақа
Ватикан давлати бошлиғи	Назар... қилмай	Шум бола дўсти		Ешликдаги илм-тошга ўйланган ...	Айирув (математик амал)		
						Мансабдор, лавозим эгаси	Тагин, боз
			... терилчи (етақчи пахтакор)	Бардам, бақувват	От зоти		
... Марям (Лулу қиз)				Ранг			
Айиқ овқати				"Бой ... хизматчи"			
Ўзбек қабиласи номи					Адам рафқаси		Унинг увоғи ҳам нон
Муסיқа ози	Хабар, мужда				Майибмажруҳ		



## Отанга тортигансан



Латиф бобо бир куни жияни Зиёвуддинни тоқзорлар орасини чоғиб қилиш учун кўмакка чақирибди. Бундай қараса, Зиёвуддин ёш, авж билан ўсаётган токни чоғиб қўйиб, нима қиларини билмай хижолатдан бошини қашиб ўтирибди.

Уни койиш бефойдалигини билган Латиф бобо ёнидаги ўғлига кўз қисиб

қўйиб, уни койий бошлади:

— Сен қилмаган ишни Зиёвуддин қилди. Мускат ток тойфи тоқлар орасида нима қилади, чоғиб ташла дегандим. Шуним бажармабсан. Барақалла жиян, чоғиб тўғри қилибсан, мускат ток эканлигини қандай билдинг?

- Биламиз-да, — деб Зиёвуддин гердайиб қўйибди.
- Раҳматли отанг ҳам билағон дехқон эди. Отанга тортибсан-да, жиян, — дермиш Латиф муаллим сир бой бермай.

## Чипта нархи арра

Латиф бобо автобусга ўтириб, Бухоро шаҳрига йўл олибди. Автобус Вобкеитдан ўтгач тўхтабди. Шофёр йўловчилардан пул тера бошлабди. Латиф бобо бундай қараса, шофёр йигит одамлардан пул олиб, чипта бермапти. Шофёр яқин келгач, унга 350 сўм узатибди.

- Каердан қаергача, отахон, — дебди шофёр.
- Шофиркандан Бухорогачада, ўғлим.
- Унда яна 300 сўм беринг.
- Давлат автобусига чипта бермай келяпсан. Мен бу 350 сўмини тежай, болам, — дебди Латиф бобо.

## Кесилган ер

Танобчилар Латиф бобонинг томорқасини қайта ўлчашди.

— Уч сотихи ортиқча экан. Кесамиз, — деди танобчиларнинг каттаса Рўзивой.

— Майли, кесинглар, — деб рози бўлди Латиф бобо.

Март ойи ўтди, апрель ойи ярим бўлди. Танобчилардан бошқа дарак бўлмади. Ахирги тоқати тоқ бўлган Латиф бобо раис хузурига кирди.

— Раисқон, — деди қўлини кўксига қўйиб Латиф бобо, танобчиларнингиз бир ой олдин 3 сотих еримни кесилган эди. Айтнинг, кесган жойларини олиб кетсини. Мен тагига ул-бул экиб олай. Зора эшагимга хашак бўларди.

Раис кулиб юборди.

## Ўзбек чапани бўлагиди!

Латиф муаллим жияни Зиёвуддиннинг дарсига таҳлилга кирибди. Саволдан нуноқроқ бўлган Зуёвуддин болаларга дарслик китобидан бошдан-оёқ ўқиб берибди. Дарс сўнгида орқа партада ўтирган ўқувчилардан бири савол берибди.

— Муаллим, Чапаев ўзбекми ёки русми?

— Ўзбек у, билдингми!


Дарсдан сўнг Латиф муаллим Зиёвуддинга танбех берибди.

— Китобдан ўқиб берганинг бир сари. Чапаевни нега ўзбек дединг, у рус-ку! Зиёвуддин бошини қашиб дебди:

— Мен Чапаньев деб эшитибман. Чапани бўлгандан сўнг, албатта, ўзбек бўлади-да! Латиф муаллим жиянининг топқирлигига қойил қолиб кулиб қўйибди.



Кеч қолибсиз!



Газетада: «Магазинда сотувчилик қилиш учун ёш ва чиройли бир хоним керак», деб эълон чиққан эди. Эълонни ўқигач, бир хоним магазин мудири номига ариза ёзиб, ёшликда олдирган суратини бирга қўшиб юборди.

Бир неча кундан кейин хонимни магазинга чақирдилар. Хоним дунё-дунё орзулар билан магазин мудирининг олди-га гади.

— Кечирасиз, хоним, бир оз кеч қолибсиз, — деди бир суратга, бир хонимга қараб ҳайрон бўлган мудир.

— Нега? Хатингизни олган заҳоти етиб келдим-ку! — деди хоним. Мудир мийиғида кулиб:

— Тўғри айтасиз, хоним, лекин шу суратни олдирган вақтингизда келсангиз, бошқа гап эди, ҳозир кеч қолдингиз, — деди.

Нигина ҚОДИРОВА,  
Комил ЖОНТОВ  
тайёрлади



## ЭРТАКЛАР ШАҲРИ

Яқинда Ғафур Ғулом номи маданият ва истироҳат бовида Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейига бағишланган "Тошкент – эртаклар шаҳри" мавзuida хоразмлик кўғирчоқсоз уста Мансур Қурёзовнинг шахсий кўргазмаси бўлиб ўтди.

Кўргазма Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази, Ўзбекистон Ғадсий Академияси, "Ўзбектеатр" ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси, Республика "Хунарманд" уюшмаси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Унда болалар учун "Мақtab кўғирчоғи", "Тўғри ва Эгри", "99 тилла танга", "Алла", "Муқбл тошотар" ва бошқа кўғирчоқ спектакллари ҳам намойиш этилди.

Шунингдек, кўғирчоқларни тайёрлаш бўйича кўргазмани машғулотлар, таълим тизимида кўғирчоқлардан фойдаланиш ҳақида давра суҳбатлари ўтказилди. М.Қурёзов томонидан тайёрланган кўғирчоқлар жамланмаси ҳолийларнинг совға-саломлари билан меҳрибонлик уйлари болаларига тақдим этилди.



хр 46052



**Обуна давом этмоқда**

**Индекс: якка обуначилар учун – 820, Ташкилотлар учун – 806.  
Баҳоси: келишилган нарҳда.**

